

Шайх Носирдин Албоний

**Набий соллаллоҳу алайҳи
васаллам намозларининг сифати**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларининг гўёки сен кўриб турганингдек такбирдан саломгача бўлган сифатлари

Китоб муқаддимаси

Бандаларга намозни фарз қилган ва уни қоим қилиб чиройли адо этишни уларга буюрган Аллоҳга мақтовлар бўлсин! Омад ва нажотни намоздаги “хушув”(қўрқув)га боғлаган, намозни иймон билан куфрнинг орасини ажратувчи қилган ҳамда намозни фаҳш ва “мункар”(ёмон) ишлардан қайтарувчи қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!

Пайғамбаримиз Муҳаммадга салоту саломлар бўлсин! Ул киши шундай зотки, Аллоҳ Таоло қўйидаги сўзи билан хитоб қилгандир:

(وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ)

Маъноси: **“Одамларга Роббилари ҳузуридан туширилган (Қуръон)ни баён қилиб беришингиз учун дарҳақиқат Биз сизга Зикр(Қуръон)ни туширдик. (“Яъни сиз уларга “ижмолий” (умумий) суратда бўлган (оят)ларни батафсил баён қилиб беришингиз ҳамда мушкул ўринларни ечиб шарҳлаб беришингиз учун Аллоҳ сизга Қуръонни туширди”.¹ Ибни Касир тафсиридан қисқартирилган ҳолда таржима қилинди – тарж.изоҳи. Курсивда – энгаштирилган шрифтда ёзилган сўзлар таржимон изоҳидир.)**

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу вазифани кераклигича ва ҳақиқий адо этдилар. Ул кишининг одамларга – ҳам сўз, ҳам феъл жиҳатидан– баён қилган нарсаларнинг энг улуғларидан бири намоз эди. Ҳаттоки, ул зот

¹ “Наҳл-44-оят”

соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир марта минбар устида ҳам намоз ўқидилар. У ерда қиёмда тик турдилар ва рукуълар қилдилар. Кейин эса саҳобаларга айтдиларки:

"إِنَّمَا صَنَعْتُ هَذَا لِتَأْتُمُوا وَلِتَعَلَّمُوا صَلَاتِي"

Маъноси: **“Менинг мана шундай (намоз) ўқиб беришим фақат сизларнинг менга эргашишларингиз ва менинг намозимни таълим олишларингиз учундир”**.²

Кейин яна намоз ўқишда ул кишига эргашишимизни бизга вожиб қилиб айтдиларки:

"صَلُّوا كَمَا رَأَيْتُمُونِي أُصَلِّي"

Маъноси: **“Мени қандай намоз ўқиётганимни кўрганингиз каби, сизлар ҳам шундай намоз ўқинглар”**.³

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари каби намоз ўқиган кишига, Аллоҳ ҳузурида уни жаннатга киритиши борасида аҳд борлиги ҳақида башорат қилиб айтдиларки:

"خَمْسُ صَلَوَاتٍ افْتَرَضَهُنَّ اللَّهُ تَعَالَى مِنْ أَحْسَنَ وَضُوءُهُنَّ وَصَلَاهُنَّ لَوْفَتْهِنَّ وَأَتَمَّ رُكُوعَهُنَّ وَخُشُوعَهُنَّ كَانَ لَهُ عَلَى اللَّهِ عَهْدٌ أَنْ يَغْفِرَ لَهُ وَمَنْ لَمْ يَفْعَلْ فَلَيْسَ لَهُ عَلَى اللَّهِ عَهْدٌ إِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُ وَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُ" رواه أبو داود.

Маъноси: **“Беш маҳал намоз борки, Аллоҳ азза ва жалла уларни фарз қилган. Кимки уларнинг таҳоратини чиройли қилса, уларни ўз вақтида ўқиса, рукуъ, сажда ва хушуъларини (қалбнинг ҳозир бўлиши ва оромли бўлишини) тўлиқ қилса, Аллоҳнинг зиммасида уни кечириб борасида аҳд**

² Бухорий ва Муслим ривоятлари. “Қиём” рукнида тўлиқ ҳолда келади.

³ Бухорий, Муслим, Аҳмад ривоятлари. Бу ҳадис “Ирвоул-ғолил” китобидан 213-рақам билан чиқариб келтирилган.

бор. Кимки мана шундай қилмаса, Аллоҳнинг зиммасида у учун бирон аҳд йўқ. Аллоҳ хоҳласа, уни кечиради, хоҳласа, азоблайди”.⁴

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оилалари, ҳамда тақводор ва содиқ саҳобаларига салоту саломлар бўлсин! Улар шундай зотларки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ибодатлари, намозлари, сўзлари ва феълларини бизларга нақл қилишди. Шу билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу ишларини ўзларига ягона мазҳаб ва намуна қилиб олишди. Қиёмат кунигача саҳобаларнинг изларига эргашган, уларнинг йўлидан юрган кишиларга ҳам Аллоҳнинг салоту саломлари бўлсин!

Мен Ҳофиз Ал-Мунзирийнинг, Аллоҳ у кишини Ўз раҳматига олсин, “Ат-Тарғиб ват-тарҳиб” китобидан намоз бобини ўқиганимдан сўнг ва уни тўрт йил давомида баъзи салафий (яъни, салафларимиз манҳажига) биродарларимизга дарс берганимдан кейин, намознинг исломда қанчалар мартабаси ва ўрни борлигини, ҳамда намозни қоим қилган ва чиройли адо этган кишига қанчалар мукофот, фазилат ва икром бўлиши бизнинг биродарларимизга намоён бўлди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларига қанчалик яқин ёки узоқ бўлиш нисбати билан намознинг савоби кўп ёки оз бўлиши ҳам турлича бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана шунга ишора қилиб айтдиларки:

"أَنَّ الْعَبْدَ لَيُصَلِّيَ الصَّلَاةَ مَا يُكْتَبُ لَهُ مِنْهَا إِلَّا عَشْرُهَا، تُسَعِّهَا، تُمْنُهَا، سُبْعُهَا، سُدُسُهَا، خُمْسُهَا، رُبْعُهَا، ثُلُثُهَا، نِصْفُهَا".

⁴ Мен айтаманки, бу саҳиҳ ҳадисдир. Уни бир неча имомлар саҳиҳ дейишган. Мен уни “Саҳиҳи Абу Довуд” китобидан чиқарганман.

Маъноси: “Албатта банда намоз ўқийди. Унга намозидан фақат ўндан бири, тўққиздан бири, саккиздан бири, еттидан бири, олтидан бири, бешдан бири, тўртдан бири, учдан бири, ёки ярмиси ёзилади”.⁵

Шунинг учун мен биродарларга эслатдимки, биз намозни ҳақиқий адо этиш ёки ҳақиқий адо этишга яқинроқ бўлишимиз имкони фақат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларининг сифатини батафсил билишимиз билан, унда қандай вожиблар, одоблар, ҳайъат (ҳолат)лар, дуолар ва зикрларни билишимиз билангина бўлади. Кейин биз бу нарсаларни амалий татбиқ қилишга қизиқдик. Чунки шунқдагина биз умид қиламизки, намозларимиз бизни фоҳишабозлик ва мункар ишлардан қайтаради ва намоз хусусида келган ажру савоблар бизга ёзилади.

Одамларнинг кўпчилигига - ҳатто уламоларнинг кўпчилигига – муайян бир мазҳабга чекланганликлари сабабли ушбу нарсаларни батафсил билиш қийиндир. Покиза суннат хизмати билан машғул бўлган ҳар бир киши билади ва тушунадики, мазҳаблардан бир мазҳабда бор бўлган суннатлар бошқасида йўқ ва мазҳабларнинг барчасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари ва феълларига нисбат берилган носоҳиҳ (*ривоятлар*) бор. Ушбу ҳолат кўпроқ мутааххир (кейинги олим)ларнинг китобларида топилади⁶. Улар

⁵ Саҳиҳ ҳадис. Ибнул-Муборак “Зухд” китобида, Абу Довуд ва Насоий “жаййид” санад билан ривоят қилишган. Мен уни “Саҳиҳа”да 761-рақам билан чиқарганман.

⁶ Абул-Ҳасанат Ал-Лукнавий ўзларининг “Кичик жомеъни мутолаа қилувчига ката фойда” номли китобларида Ҳанафий фикҳи китобларининг мартабаларини, улардан қайсиларига суянилмаслигини зикр қила туриб, 122-123-саҳифаларда шундай дейдилар: “Биз зикр қилиб ўтган китобларнинг тартиблари албатта уларнинг фикҳий масалалар тартиби бўйича бўлиб, набавий ҳадислар бўйича эмас. Қанчадан-қанча суяниладиган китоблар ва фатволар бўлиб, уларда мавзуъ (тўқима) ҳадислар тўлиб ётибди. Кўпдан-кўп буюк фуқаҳолар уларга суянгандир. Агар мана шу китоб ва фатволарга чуьурроы назар солсак, уларнинг соҳиблари гарчи комил инсонлар бўлсалар ҳам хабарларни нақл қилишликда бепарволик қилганликлари кўринади”. Мен айтаманки (Албоний): Анна шундай буюкларнинг китобларида келадиган мавзуъ-ботил ҳадислардан бири: “Кимки Рамазоннинг охирги жумасида фарз намозларни ўқиса, умри давомида етмиш йиллик ўқимаган намозларнинг ўрнини босади” деган ҳадисдир. Ал-Лукнавий раҳимаҳуллоҳ ўзларининг “Мавзуъ хабарлардаги марфуъ асарлар” номли китобларининг 315-саҳифасида шу ҳадисни келтириб шундай дейдилар: “Али ал-Қорий “Катта ва кичик мавзуълар” номли китобларида: “Қатъий

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

носаҳиҳ ривоятларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга аниқ (жазм билан) нисбат бериб келаётганини кўп кўрамиз!⁷ Шунинг учун ҳадис уламолари, Аллоҳ уларга чиройли мукофот берсин, кейингиларнинг машҳур бўлган китобларнинг баъзиларига таҳриж китобларини ёзишди ва шу хусусда қоидаларни келтиришди. Таҳриж китоблари у фикҳий (*китоблар*)даги келган ҳадисларнинг саҳиҳ-заиф ёки тўқилганлик ҳолатларини баён қилди. Масалан,

ботилдир. Чунки у "бирон бир ибодат ўтиб кетган йиллардаги бажарилмаган ибодатларнинг ўрнини қопламайди" деган ижмоъга тескаривдир. Сўнг "Ҳидоя" китобининг шарҳи бўлмиш "Ан-Ниҳоя" китобининг соҳиби бу (**мавзуъ ҳадис**)ни нақл қилишлигининг эътибори йўқдир. Худди шунингдек бошқа шарҳларда ҳам буни келишининг эътибори йўқдир. Чунки улар муҳаддис олимлар эмаслар ва уни бирорта муҳаддисларнинг китобига боғламадилар ҳам" деди (Али Ал-Қорий). Шавконий ҳам ўзларининг "Мавзуъ ҳадислар ҳақидаги жамланган фойдалар" номли китобларида ҳам шу каби сўзларни айтиб, бундай дедилар: "Бу шак-шубҳасиз мавзуъдир. Мен уни мавзуъ ҳадислар жамланган китобларнинг бирортасида топмадим. Лекин у бизнинг манна шу асримизда Санъо шаҳридаги фуқоҳоларда машҳур бўлиб, кўпчиликлари уни қиладиган бўлдилар. Мен билмадим, Ким уни тўқиб чиқардикин? Аллоҳ каззобларни лаънатласин!" (54-саҳифа).

Сўнгра Ал-Лукнавий шундай дедилар: "Мен ривоятлар ва вазифалар ёзилган китобларда турли лафзларда, қисқартирилган ва кенгайтирилган ҳолда ақлий ва нақлий далиллари билан келтирилган бу ҳадиснинг тўқима эканини исботлаб, "Рамазоннинг охири жумасидаги бидъатлардан биродарларни сақлаш" номли рисола ёздим. Ва унда зеҳнларни очадиган ва унга қулоқ солинадиган фойдаларни келтирдим. Бас. Уни қўинглар, чунки бу бобдаги фойда бебаҳо ва юксақдир". Мен айтаманки (Албоний): Мана бу каби ботил ҳадисларни фикҳ китобларида келиши ана шу китобларда келган ва бирорта мўътабар ҳадис китобларга боғланмаган бошқа ҳадисларга бўлган ишончни йўқотади. Али Ал-Қорийнинг сўзларида шу маънога ишора бор. Мусулмонга вожиб иш шуки, у ҳадисни шунга мутахассислиги бўлган ҳадис ахлидан олишлиги керак. Зеро, қадимдан шундай гап бор: "Мака аҳли у ердаги тоғ дараларни билувчиروқ ва уй эгаси ўз ҳовлисида нима бор эканини билувчируқдир".

⁷ Имом Ан-Нававий раҳимаҳуллоҳ "Ал-мажмуъ шарҳ ал-муҳаззаб" номли китобларининг 1/60 саҳифасида қисқача шундай дейдилар: "Аҳли ҳадис ва бошқа муҳаққиқ (тадқиқотчи) уламолар айтадиларки: Агар ҳадис заиф бўлса, у ҳолда бу ҳадис ҳақида "Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар", ёки "шундай қилдилар", ёки "шунга буюрдилар", ёки "бундан қайтардилар" каби қатъий шаклдаги ибораларни айтиб бўлмайди. Балки бундай ўринларда "у кишидан ривоят қилинишича", ёки "нақл қилинишича", ёки "ривоят қиладиларки" деган иборалар ишлатилади. Қайтйий иборалар фақат саҳиҳ ва ҳасан ҳадислар учуну бўлиб, иккилантирадиган иборалар эса булардан бошқаларига ишлатилади. Акс ҳолда инсон у киши ҳақида ёлғон гапирганга ўхшаб қолади. Мана шу одоб асҳобларимиз ва бошқа китоблар ёзган уламолар ва жумҳур фуқоҳоларнинг одобидир. Балки баъзи сохта муҳаддисларни эътиборга олмаганда – мутлақо – илм эгаларининг одобларидир. Сохта дейишимга сабаб улар қаттиқ бепарволикка йўл қўядилар ва кўпинча саҳиҳ ҳақида гапирганда "ривоят қилинишича" деган иборани ишлатиб, заиф ҳадисда эса "айтдилар" ки "фалончи ривоят қилди". Деб айтадилар. Бу эса хатоликдир".

“Ал-Инаяту би маърифати аҳодисил-ҳидоятӣ”, “Ат-Туруқу вал-васаилу фи таҳрижи аҳодиси хулосатид-далоили”. Ушбу икки китоб ҳам шайх Абдулқодир бин Муҳаммад Ал-Қуроший Ал-Ҳанафийникидир ва “Насбур-рояти ли аҳодисил-ҳидоятӣ” ҳофиз Аз-Зайлаъийники. Унинг мухтасари Ҳофиз Ибн Ҳажар Ал-Асқалонийнинг “Ад-дироя” ва “Ат-Талҳиисул-ҳабиру фи таҳрижи аҳодисир-рофиъий ал-кабир” китоблари. Ва бундан бошқа китоблар борки, бу ўринда келтириш сабабли гап чўзилиб кетади.

Мен айтаманки, (*намознинг сифатларини*) одамларнинг кўпчилигига батафсил билиш қийин бўлгани учун уларга ушбу китобни ёздим, токи улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларининг қандайлигини таълим олсинлар ва ул зотнинг намоз хусусидаги йўналишларида ҳидоят топсинлар. Мен Ал-Мавло Субҳанаҳу ва Таъолодан Ул Зотнинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам тили билан ваъда қилган нарсани умид қиламан. Ул зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки:

" مَنْ دَعَا إِلَى هُدًى كَانَ لَهُ مِنَ الْأَجْرِ مِثْلُ أُجُورٍ مَنْ تَبِعَهُ لَا يَنْقُصُ ذَلِكَ مِنْ أُجُورِهِمْ شَيْئًا."

“Кимда ким бир ҳидоятга чақирса, унга эргашган кишиларнинг ажрларича ажр олади ва унинг олиши уларнинг ажрларидан бирор бир нарсани камайтирмайди”. Бу ҳадисни Муслим ва у кишидан бошқалар ривоят қилишган. “Ал-Аҳодисус-Саҳиҳаҳ” китобида 863-рақам билан чиқарилган.

Китоб услуби

Китобдан кўзланган мақсад Набий соллалоҳу алайҳи вассалламнинг намоздаги кўрсатмаларини баён қилиш бўлгани учун ҳам, ўз-ўзидан юқорида зикр қилинган сабабларга кўра уни ёзишлигимда бирор бир мазҳабга қайд қилиб қўймаслигим ва фақатгина Набий соллалоҳу алайҳи вассалламдан саҳиҳ йўл билан собит бўлган нарсаларнигина келтиришимни зарур деб топдим. Мана шу ишимда мусулмонлар жамоати ичидан қадимги ва ҳозирги

Набий соллалоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

муҳаддисларнинг мазҳабини⁸ лозим тутдим⁹. Бу борада Ал-Ҳасан бин Муҳаммад айтган мана бу мисралар қандайин гўзал:

Аҳлул ҳадис - аҳли Расулуллоҳ

Ўзларига ҳамроҳ бўлмасаларда

нафасларига бўлдилар ҳамроҳ.¹⁰

⁸ Абул-Ҳасанат Ал-Лукнавий “Калом имоми имом орқасидаги қироатга тааллуқли масаласи ҳақида” номли китобнинг 156 саҳифасида шундай дейдилар: “Ким ўзини ўзи мажбурлашдан четланган ҳолда инсоф назари билан қараб, фикҳ ва усул денгизларига шўнғиса, уламолар ихтилофлашган асосий ва иккинчи даражали масалаларнинг кўпида муҳаддислар мазҳаби бошқаларидан кўра кучли эканини кўради. Мен ҳар қачон ихтилоф йўлакларидан сайр қилганимда муҳаддислар сўзларини инсофга энг яқин ҳолда топаман. Аллоҳ уларга савобларини кўпайтирсин ва уларга қилган хизматлирига яраша мукофотлар берсин! – ҳа, аслида мана шундай – қандай ҳам ундоқ бўлмасин ахир улар Набий соллалоҳу алайҳи васалламнинг ҳақиқий меросхўрлари-ку ва шариятдаги ноиблари-ку?! Аллоҳ барчамизни уларнинг жамоатида тирилтирсин ва уларга муҳаббат қилган ҳолда уларнинг сийратларида вафот топдирсин!”

⁹ Ас-Субкий “Ал-Фатава” китобининг 1/148 да шундай дейдилар: “...сўнг, албатта муслмонларнинг энг муҳим ишларидан бири намоздир. Шунинг учун ҳам ҳар бир муслмонга унга эътибор қилиш, уни сақлаш ва шиорларини қоим қилиш вожибдир. Намозда ижмо қилинган ва уни четлаб ўтиш мумкин бўлмаган амаллар, ҳамда олимлар вожиб ва вожиб эмаслиги ҳақида ихтилоф қилишган амаллар бўлиб, бундай масалаларга тўғри ёндошишнинг икки йўли бордир. Бири, имкон қадар ихтилофдан чиқишга интилиш ва иккинчиси эса, Набий соллалоҳу алайҳи васалламдан қилинган ривоятларнинг саҳихини топиб уни лозим туттиликдир. Бас, ким шундай қилса унинг намози тўғри ва солиҳ амал бўлади ва Аллоҳ Таолонинг қуйидаги оятига дахилдор бўлади: “Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин”

Шу ўринда мен айтаманки: “Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, бундай ҳолатда иккинчи йўлни туттиш авлороқ балки вожибдир. Чунки биринчи йўлни туттишда – кўп масалаларда имкон топилмаслиги эътибори билан – Набий соллалоҳу алайҳи васалламнинг “Мен намоз ўқиганимни кўрганингиздек намоз ўқинг!” деган буйруқларига амал бўлмай қолади. Чунки, биринчи йўлни туттишлиги билан унинг намози Набий соллалоҳу алайҳи васалламнинг намозларига тескари бўлиб қолиши мумкин.

¹⁰ Ҳасан бин Муҳаммад Ан-Насавийнинг мисралари. Бу мисраларни хофиз Зиёвуддин Ал-Мақдисий “Ҳадис ва унинг аҳлининг фазли” номли китобнинг бир қисмида келтирганлар.

Шунинг учун ҳам бу китоб иншаоллоҳ кўплаб ҳадис ва фикҳ – турли хил мазҳабларнинг шу мавзуга тегишли - китобларнинг қаърига бўлиниб кетган нарсаларни жамлагувчи китоб бўлади. Ва бу китобда жамланган ҳақни бошқа бирор бир китоб ва мазҳаб жамламайди. Ва иншаоллоҳ бу китобга амал қилган киши Аллоҳ ҳидоятлаган кишилардан бўлади. (Сўнгра Аллоҳ Ўз изни билан мўминларни улар ихтилоф қилган Ҳақ Йўлга йўллади. Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилади.)¹¹

Сўнг, мен ўзимга ушбу услубни танлаганимда – у ҳам бўлса, саҳиҳ суннатни ушлаш – ва мана шу китобимда ҳамда, иншаоллоҳ, одамлар орасида тарқалишидан умидда бўлинган бошқаларида ҳам ушбу услубни қўллаётганимда ҳамма тоифалар ва мазҳаблар бунга рози бўлмасликларини яхши билардим. Балки уларнинг баъзилар ёки кўплари мен томонга таъна тилларини ва маломат қаламларини йўналтирадилар деб билардим. Ва бу нарсаларни ўзим учун ҳеч қиси йўқ деб билдим. Чунки, мен билардимки одамларни рози қилишлик эришиб бўлмайдиган ғоядир. Ҳамда, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи вассаллам: “Ким одамларни Аллоҳни ғазаблантириб бўлса ҳам рози қилса, Аллоҳ уни одамларнинг ўзларига топшириб қўяди.” – дегандилар.¹²

(مَنْ أَرْضَى النَّاسَ بِسَخَطِ اللَّهِ وَكَأَنَّهُ إِلَى اللَّهِ)

Қўйидаги мисраларни айтган кимсани Аллоҳ мукофотласин:

Таъначининг таънасидан ҳеч ким бўлмас омонда

Ҳор ичига беркинса ҳам баланд тоғлар томонда

¹¹ Бақара сураси 213 оят

¹² Ат-Термизий, Ал-Қузаъий, Ибни Бишрон ва бошқалар. Мен бу ҳадиснинг санадлари ҳақида “Таҳовия ақидасининг шарҳи” китобининг ҳадисларини таҳриж қилаётганимда ва “Ас-Саҳиҳа” да 2311 рақами остида гапириб ўтганман. Ва бу ҳадисни мавқуф деганларнинг гаплари бу ҳадисга зарар бера олмаслигини ва Ибни Хиббон уни саҳиҳ деганини баён қилганман.

Набий соллалоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Бирор кимса бўлармикин инсонлардан омонда

Гар ғоиб бўлса ҳам бургут яшар томонда

Аллоҳ Таоло мўминларни буюрган ва Расуллар саййиди пайғамбаримиз Мухаммад соллалоҳу алайҳи вассаллам баён қилиб кетган энг тўғри йўл мана шу деб эътиқод қилишимнинг ўзи менга кифоядир. Ва бу йўл саҳобалар, тобеъинлар ва улардан кейингиларнинг йўли бўлиб, улар ичида ҳозирги кунимизда жумҳур (кўпчилик) муслмонлар ўзларини нисбат бераётган мазҳабларнинг тўрт имомлари ҳам бордир. Уларнинг ҳаммалари суннатни маҳкам ушлашлик ва ҳар бир масалада унга мурожат қилишлик вожиблигига ва унга хилоф бўлган сўз ҳар қандай улўф кишининг сўзи бўлишидан қатъий назар уни тарк қилишлик зарурлигига иттифоқ қилишгандир. Чунки, Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи вассалламнинг шаънлари улўфроқ ва йўллари эса тўғрироқдир. Шунинг учун ҳам мен уларнинг (яъни, саҳобалар, тобеъинлар ва улардан кейинги имомларнинг) йўлларига иқтидо қилиб, изларидан бордим ва агар сўзларига хилоф бўлса ҳам ҳадисларни маҳкам ушлашлик кераклиги ҳақидаги буйруқларига амал қилдим. Зеро, ушбу тўғри услуб-йўналишни танлашлигимда ва кўр-кўрона тақлиддан юз ўгиришимда бу буйруқларнинг ниҳоятда катта таъсири бор. Аллоҳ Таоло уларни менинг номимдан Ўзи мукофотласин!

(Ушбу манҳажни бизга нақл қилган ҳурматли устоз, муҳаддис олим Албонийга ҳам Аллоҳ таоло бизлар номимиздан чиройли мукофотлар ато этсин! – тарж.изоҳи.)

Суннатга бўйсуниб эргашиш хусусидаги имомлар сўзлари ва унга қарама-қарши бўлиб қолган сўзларини тарк этиш ҳақида

Ушбу ўринда имомларнинг биз хабардор бўлган баъзи сўзларини келтиришимиз фойдали ишлардан бўлади. Шояд бунда насиҳат бўлса ва шояд у имомларга тақлид қилган кишиларга, балки у (имом)лардан пастроқ мавқедаги кишиларга кўр-кўрона¹³ даражада тақлид қилган кишиларга эслатма бўлса. Тақлид қилганлар имомлар мазҳабларини ва сўзларини шундай мустаҳкам тутишадик, гўёки бу нарсалар осмондан тушгандек.

Аллоҳ азза ва жалла Аъроф сурасининг 3-оятида айтадики:

اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ وَلَا تَتَّبِعُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ

(Ибни Касир раҳимаҳуллоҳ ушбу оятни тафсир қилиб айтдиларки: “Аллоҳ таоло оламга хитоб қилиб айтади: **“Роббиларингиз томонидан сизларга туширилган нарсага эргашингиз. Яъни уммий пайғамбар йўлларидан юриб борингиз. Бу пайғамбар сизларга барча нарсаларнинг Роббиси ва Молики томонидан китоб келтирди. Бу кишидан бошқа авлиёларга эргашмангиз”**. Яъни Расулulloҳ сизларга келтирган нарсалардан чиқиб бошқасига эргашмангиз-ки, у ҳолда сизлар Аллоҳнинг ҳукмидан бошқанинг ҳукмига бурилиб кетган бўласизлар. **“Сизлардан жуда оз одам насиҳатни қабул қилади”**. Бу сўз Аллоҳнинг: **“Сиз ҳар қанча қизиқсангиз, хоҳласангиз ҳам, одамларнинг кўпчилиги мўмин бўлмайди”** деган оятига ўхшайди.)

1-Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ.

Тўрт имомнинг аввали имом Абу Ҳанифа Ан-Нуъмон бин Собит бўлади. Аллоҳ у кишини раҳматига олсин. Бу кишидан соҳиблари-ўқувчилари турли

¹³ Имом Таҳовий ушбу тақлидни назарда тутиб айтадики: “Фақат асабий (бир нарсага ёпишиб олиб ўшанга рози бўлиб қолган киши) ёки бепарво одамгина тақлид қилади”. Бу сўзни Ибни Обидийн “Расмул-Муфтий” рисоласининг 1-жузъ 32-саҳифасида келтиради.

сўзлар ва ҳар хил ибораларни ривоят қилишганки, уларнинг ҳаммаси бир нарсага олиб боради. У ҳам бўлса – ҳадиснинг қабул қилиб олинишнинг вожиблиги ва имомларнинг унга қарама-қарши бўлиб қолган фикрларига тақлид қилишни тарк этишдан иборат.

1. " إذا صح الحديث فهو مذهبي "

“Агар ҳадис саҳиҳ бўлса, демак у менинг мазҳабимдир”.¹⁴

2. " لا يحل لأحد أن يأخذ بقولنا ما لم يعلم من أين أخذناه "

“Сўзимизни қаердан олганимизни билмаган ҳар қандай инсонга бизнинг сўзимизни олиши ҳалол бўлмади”.¹⁵ Бир ривоятда: “Менинг далилимни билмасдан менинг сўзим билан фатво берувчи кишига (менинг сўзим) ҳаромдир” дейилган. Бошқа ривоятда қуйидаги қўшимчаси ҳам бор: “Биз, шубҳасиз, башар-одаммиз. Бугун бир сўзни айтиб, эртага ундан қайтамиз”. Яна бир ривоятда эса: “Эй Яъқуб (бу Абу Юсуфдир), сенга раҳмат бўлсин! Мендан

¹⁴ Ибни Обидийн “Ал-Ҳошия” рисоласининг 1-жузъ 63-саҳифасида ва “Расмул-Муфтий” рисоласининг 1-жузъ 4-саҳифасида нақл қилган ҳамда шайх Солиҳ Ал-Фуланий “Ийқозул-Имабий” китобининг 62-саҳифасида ва булардан бошқалар нақл қилишган. Ибни Обидийн “Шарҳул-Ҳидоя” китобидан Ибнул-Ҳумомнинг шайхи бўлмиш Ибну Шаҳна Ал-Кабирдан қуйидаги сўзларни нақл қилади:

“Агар ҳадис саҳиҳ бўлиб ҳанафий мазҳабга қарама-қарши бўлса, ҳадисга амал қилинади. Шунда бу Абу Ҳанифа мазҳаби бўлади. Саҳиҳ ҳадисга амал қилгани учун Абу Ҳанифага тақлид қилган киши мазҳабдан чиқиб кетмайди. Чунки ҳақиқатда Абу Ҳанифадан саҳиҳ ривоят борки, у киши: “Агар ҳадис саҳиҳ бўлса, демак у менинг мазҳабимдир” деб айтганлар. Ушбу сўзни имом Ибн Абдулбарр Абу Ҳанифа ва бошқа имомлардан ҳикоя қилади.

Мен айтаманки (Албоний): “Бу уларнинг илмлари комиллиги ва тақволарининг тўлиқлигидандир. Шу жиҳатданки, у имомлар бу сўзлари билан суннатнинг барчасини қамрамаган, билмаганликларига ишора қилишдир. Имом Шофеъийнинг буни очиқ айтганлиги тўғрисидаги нақл кейинроқ келади. Баъзан **имомларга** етиб келмаган суннатга **улардан** қарама-қарши сўзлар ҳам содир бўлиб қолади. Шунда улар бизни суннатни мустаҳкам тутишга ва суннатни уларнинг мазҳаблари қилиб олишимизга буюриб кетишган. Аллоҳ таоло уларнинг барчаларини ўз раҳматига олсин!”

¹⁵ Ибн Абдулбарр “Ал-Интиқоу фи Фазоилил-Саласатил-Аимматил-Фуқаҳои” китобининг 145-саҳифасида, Ибнул-Қоййим “Иъламул-Муваққиъийн” китобининг 2-жузъ 903-саҳифасида, Ибни Обидийн “Ал-Баҳрур-Роъиқ” китобининг ҳошиясида ва бошқалар нақл қилишган (тахриж қисқартирилди –тарж.изоҳи).

эштаётган ҳар бир гапимни ёзаверма, чунки мен бугун бир фикрни тўғри деб билиб, эртага уни тарк этаман. Ёки эртага бир фикрни тўғри деб билиб индинига уни тарк этаман”.¹⁶

¹⁶ Мен айтаманки (Албоний): Абу Ҳанифанинг бундай дейишининг сабаби бу имом кўп сўзларини қиёс устига бино қилар эдилар. Агарда у кишига кучлироқ бошқа бир қиёс маълум бўлса, ёки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис етиб келса, дарҳол уни олиб, олдинги сўзни тарк этардилар. Аш-Шиъроний “Ал-Мийзон” китобининг 1-жуъъ 62-саҳифасида бундай дейди, унинг қисқача сўзи:

“Имом Абу Ҳанифа – Аллоҳ у кишидан рози бўлсин – шаънлари хусусида бизнинг эътиқодимиз ва барча инсофлилар эътиқоди шуки, агар у киши шариат девонлашганидан кейин (*яъни китобларга тартибланигандан кейин*) ва ҳадис хофизларининг юртлар кезиб шариатни жамлаб зафарга эришганларидан кейин яшаганларида (жамланган суннатларни) олиб қилган барча қиёсларини тарк этган бўлардилар. Шунда у кишининг мазҳабида ҳам бошқа мазҳабдаги каби у кишига нисбат берилган қиёслар оз бўларди. Лекин бу кишининг асрларида шариат далиллари тобеъинлар ва уларга эргашганлар билан бирга шаҳарлар, қишлоқлар ва минтақаларда тарқоқ бўлгани сабабли ўз-ўзидан маълум бўладикки, бошқа мазҳабдан кўра бу кишига нисбат берилган қиёс бу кишининг мазҳабида кўпайиб кетди. Бунинг сабаби қиёс қилган масалаларида у кишида далил бўлмаганлигидандир. Бошқа имомларда эса унинг аксинчаси содир бўлди. Чунки уларнинг замонларида ҳадис хофизлари ҳадислар талаби ва уларни жамлаш учун шаҳарлар ва қишлоқларни кезиб ҳадисларни жамлаб тартиблашди. Шунда шариат ҳадислари бир-бирларига жавоб берадиган бўлди. Мана шу (Абу Ҳанифа) мазҳабидаги қиёсларнинг кўп бўлганлиги ва бошқа мазҳабларда унинг оз бўлганлиги сабабидир”.

Аш-Шиъронийдан бу гапларнинг энг кўп қисмини Абул-Ҳасанот “Ан-нафиъул-Кабир” китобининг 135-саҳифасида нақл қилиб, бу гапларни қувватлайдиган ҳамда баён қиладиган сўзларини унга илова қилганлар. Хоҳлаган киши у китобга мурожаат қилсин.

Мен айтаманки (Албоний): саҳиҳ ҳадисларга Абу Ҳанифадан беқасд қарама-қарши содир бўлиб қолиш ҳолатларининг узри шу экан, бу узр қатъий қабул қилингандир. Чунки Аллоҳ таоло бирор нафсга кучи етмаган юкни юкламайди. Шундай экан баъзи жоҳил кимсалардан содир бўлгани каби Абу Ҳанифани таъна қилиш мумкин эмас. Балки у кишига одоб билан муомала қилиш вожиб бўлади, чунки у киши муслмонларнинг имомларининг бири бўлади. Манна шу имомлар сабабли бу дин сақланиб бизларгача етиб келган. Шу билан бирга унинг фуруълари-бўлаклари ҳам етиб келгандир. Абу Ҳанифа ҳар қандай ҳолда ҳам ҳоҳ тўғри қилган бўлсинлар, ҳоҳ хато қилган бўлсинлар, ажр олган ҳисобланади. Шунингдек у кишини улуғлайдиганларга у кишининг ҳадисларга қарама-қарши содир бўлиб қолган сўзларини мустаҳкам тутишликда давом этиш жоиз бўлмайди. Чунки бу қарама-қарши сўзлар, сиз кўриб турган далилларга асосан, у кишининг мазҳабидан эмасдир. Шундай экан, булар бир водийда бўлса, анна улар эса бошқа водийда. Ҳақ булар билан улар орасидадир.

"ربنا اغفر لنا ولإخواننا الذين سبقونا بالإيمان ولا تجعل في قلوبنا غلا للذين آمنوا ربنا إنك رؤوف

رحيم"

(Мазкур оят маъносини Саъдий раҳимаҳуллоҳ тафсиридан қисқача шарҳлаймиз: “Эй Роббимиз, биз ва биздан олдин Иймон билан ўтган

3. “Қачонки мен Аллоҳ таолонинг Китоби ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабарларига тескари бир сўз айтган бўлсам, менинг сўзимни тарк этинглар”.¹⁷

2-Молик бин Анас раҳимаҳуллоҳ.

1. Имом Молик бин Анас айтганларки: “Мен фақат одамман холос. Хато ҳам қиламан, тўғри ҳам қиламан. Сизлар эса менинг фикримга қаранглар. Китоб ва Суннатга мувофиқ келган барча сўзларимни олинглар, Китоб ва Суннатга мувофиқ келмаган барча сўзларимни эса тарк этинглар”.¹⁸

биродарларимизни мағфират қил ва бизнинг қалбларимизда, Иймон келтирган кишиларга нисбатан ғиллу ғаш, гинаю адоват ва ҳикду ҳасад бўлишига йўл қўйма! Эй Роббимиз, Сен меҳрибон, раҳмли зотсан!”)

¹⁷ Ал-Фуланий “Ал-Ийқоз”нинг 50-саҳифасида нақл қилганлар ушбу сўзни Имом Муҳаммадга ҳам нисбат берганлар. Кейин айтганлаки: “Бу сўзлар ёки шу каби сўзлар мужтаҳид олимга эмас. Чунки у имомларнинг бундай сўзларига муҳтож эмас. Балки бу сўзлар тақлид қилгувчига тааллуққидир”.

Мен айтаманки (Албоний): Ушбу сўзларга Аш-Шийроний ўзининг “Ал-Мийзон” китобида (1-жузъ 26-саҳифаси) айтган қуйидаги сўзлари ҳам бино қилинади: “Агар имомим вафотидан кейин саҳиҳ ҳадислар бўлиб уларни имом олмаган бўлса, мен нима қилишим керак?” деган савол қўйсангиз, жавоб шуки: “Ўша саҳиҳ ҳадисларга амал қилиш сизга лозим бўлади. Чунки агар сизнинг имомингизга у ҳадислар етиб унинг наздида ҳам саҳиҳ топилганида, балки у киши сизни у ҳадисларга буюрган бўларди. Зеро имомларнинг барчалари шариат қўлидаги асирлардир. Кимки мана шундай қилса, икки қўли билан яхшилиқни эгаллаган бўлади. Кимда ким мен фақат имомим олган ҳадисгагина амал қиламан, бошқасига эмас, деса, бундай одам кўп яхшилиқлардан қуруқ қолади. Бу эса худди мазҳаб имомларига тақлид қилган кўпчилик кабидирлар, аммо буларга имомларидан кейинги ҳар бир саҳиҳ ҳадисга амал қилиш яхшироқ бўларди. Шундагина булар имомларининг васиятларига амал қилган бўлишарди. Чунки у имомлар тўғрисидаги бизнинг эътиқодимиз шуки, агар улар ҳозир тирик бўлганларида, улардан кейин келган саҳиҳ ҳадисларни олиб унга амал қилишган ва қилган қиёсларини ҳамда айтган сўзларини тарк этган бўлишарди”.

¹⁸ Ибн Абдулбарр “Жомий” (2/32)да ривоят қилган.

2. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин ҳар қандай инсон борки, унинг баъзи сўзлари олинса, (*баъзилари*) тарк этилади. Фақат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинггина барча сўзлари олинади.¹⁹

3. Ибни Ваҳб айтади: “Таҳорат қилишда оёқ бармоқларининг орасини ҳилол қилиш ҳақида Моликдан сўралганида, унинг: “Одамларга буни қилиш шарт эмас”, деганини эшитдим. Одамлар (*у кишининг атрофида*) камайгунча Моликни (ўз ҳолига) қўйиб турдим-да, кейин унга: “Бу ишни қилишда бизда суннат бор” дедим. У киши: “Қандай суннат?” – деб сўради. Мен айтдим: “Лайс бин Саъд, Ибни Луҳайъа ва Амр бин Ал-Ҳорис (бу уч киши) Язид бин Амр Ал-Муофирийдан, у эса Абу Абдурроҳман Ал-Ҳубалийдан, у эса Ал-Муставрид бин Шаддод Ал-Қурошийдан ривоят қилди, айтадики: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини оёқларининг бармоқлари орасини жимжилоқлари билан ишқалаётганлари қўрганман”. Шунда Молик: “Бу чиройли ҳадис экан, мен уни фақат шу соатдагина эшитдим” деди. Шундан кейин Молик ушбу масала ҳақида сўралганида, (оёқ) бармоқлари орасини ҳилол қилишга буюраётганини эшитдим (*дейди Ибни Ваҳб*)”. Ибн Абу Хотимнинг “Жарҳ ва таъдилга муқаддима” китоби, 31-32-с.

3-Аш-Шофеъий раҳимаҳуллоҳ.

Имом Шофеъий раҳмаҳуллоҳга келсак, бу борада у кишидан нақл қилинган сўзлар кўпроқ ва чиройлироқдир.²⁰ Бу кишининг мазҳабларида бошқаларга

¹⁹ Ушбу сўзни Моликка нисбат берилиши кейинги уламоларда машҳур бўлган. Буни Ибн Абдулҳодий саҳиҳ йўл билан “Иршодиус-Салик” китобининг 1-жуъзи 227-саҳифасида ва бошқалар ривоят қилган.

²⁰ Ибн Ҳазм “Усул Ал-Аҳкам” 6-ж. 118-саҳифада айтади: “Дарҳақиқат, ўша тақлид қилинган фақиҳлар тақлид қилишни ботилга чиқарувчи зотлар бўлишган ва асҳоб-ўқувчиларини ўзларига тақлид қилишдан қайтаришган. Улар орасида бу масалада энг қаттиққўл бўлганлари Шофиъийдир. Бу киши (раҳимаҳуллоҳ) саҳиҳ ҳадисларга эргашишга ва ҳужжат вожиб қилган нарсаларни олишга қилган таъкидлари сабабли етук фақиҳ эдилар ва улардан бошқаси бундай мартабага ета олмаган. Бу киши тақлид қилинишдан батамом воз кечганлар ва буни эълон қилганлар. Аллоҳ у кишига бу қилган ишлари учун марҳаматини зиёда қилсин ва ажрини улўф қилсин. Бу киши ҳақиқатда кўп яхшилиқка сабабчи бўлганлар”.

нисбатан бу масалага эргашганлари кўпроқ ва бахтлироқдир. Бу нақллардан баъзилари:

1. “Ҳар қандай инсон борки, ундан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари кетиб ундан махфий қолади. Мен нимаики айтган бўлсам, ёки бирон асл-асос қўйган бўлсам-у, шу борада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг менинг сўзимга қарама-қарши ҳадислари бўлса, охириги сўз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари бўлади ва менинг сўзим ҳам мана шудир”.²¹

2. “Мусулмонлар ижмоъ (иттифоқ) қилишдики, агар бир кишига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган суннат аниқ-равшан бўлса, бирор кимсанинг сўзи тўфайли у суннатни тарк этиши унга ҳалол бўлмайди”.²²

3. “Қачон менинг китобимда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига қарма-қарши (сўз) топсангиз, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларини гапирингиз ва менинг айтган сўзимни тарк этингиз”. (Бир ривоятда:) “Ўша суннатга эргашингиз ва бирор кишининг сўзига илтифот қилмангиз”.²³

4. “Ҳадис саҳиҳ бўлса, бас, у менинг мазҳабимдир”.²⁴

²¹ Ҳоким Шофиъийга боғланган санади билан ривоят қилган. Буни “Тариху Димашқ” китобида (3/1/15) Ибн Асокир ривоят қилган.

²² Ибнул-Қоййим (2/361) да ва Ал-Фуланий 68-саҳифада ривоят қилишган.

²³ Ал-Ҳаровий “Заммул-Калом” (3/47/1)да, Ал-Хотиб “Ал-Ихтижажу биш-Шафиий” (8/2)да ва бошқалар ривоят қилишган.

²⁴ Ан-Нававий (1/63), Аш-Шиъроний (1/57) ва Ал-Фуланий 107-саҳифада ривоят қилишган. Аш-Шиъроний айтади: “Ибн Ҳазм айтадики: “Яъни Шофиъий наздида саҳиҳ бўлса ёки у кишидан бошқа имомларда саҳиҳ бўлса”.

Мен айтаманки (Албоний), “Ан-Нававий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Бизнинг асҳобларимиз (яъни Шофиъий раҳимаҳуллоҳ мазҳабининг уламолари) ушбу асарга амал қилишди. Бу Шофиъий мазҳабининг китобларида маълумдир. Бизнинг бурунги асҳобларимиз бир масалада ҳадис кўрган бўлишса-ю, Шофиъий мазҳабида унга қарама-қарши сўз бўлса, ҳадисга амал қилишган ва фатво бериб айтишганки: “Ҳадисга мувофиқ бўлган нарсалар Шофиъий мазҳабидир”.

5. "Сизлар²⁵ ҳадисни ва рижол (ровийларини) мандан кўра кўпроқ биласизлар. Шунинг учун, агар ҳадис саҳиҳ бўлиб, у Кўфаданми, Басраданми, Шомдан бўладими, менга хабарини беринглар ва агар саҳиҳ бўлса, мен уни далил сифатида олай".²⁶

6. "Агар мен бир масала хусусида сўз айтган бўлсам-у, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган саҳиҳ хабарга тўғри келмаса ва шундай бўлганини ҳадис аҳли аниқласа, мен тирик бўлсам ҳам, вафот этган бўлсам ҳам, ўша сўзимдан қайтаман".²⁷

7. "Агар Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳиҳ (ҳадис)ларига тескари сўз айтаётганимни кўрсангизлар, билингларки, ақлим мени тарк этибди".²⁸

8. "Нимаики айтган бўлсам-у бу сўзларим Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳиҳлиги аниқланган ҳадисларидан фарқ қилса, сизлар менинг сўзларимга тақлид қилманглар! Чунки Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари муҳимроқдир".²⁹

²⁵ Аҳмад ибн Ҳанбалга мурожаат.

²⁶ Ибн Абу Ҳотим "Ал-адаб аш-Шофиъия" (94-95), Абу Нуъайм "Ҳилйатул-авлиё" (9/106), Ал-Хотиб "Ал-Ихтижажу биш-Шофиъия" (8/1), Ибн Асокир (15/9/1), Ибн Абдулбарр "Ал-Интиқоъ" (75), Ибнул-Жавзий "Ал-Манақиб биш-Шофиъий" (499) ва Ҳаравий (2/47/2). Учта санад орқали Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбалдан, у эса отасидан, Шофиъий унга шуни айтганини хабар беради. Демак, бу Шофиъийдан келган саҳиҳ хабардир. Шунинг учун Ибнул-Қоййим "Иъламул-Муваққиъийн" (2/325)да бу гапни тўғридан-тўғри унга (Шофиъийга) тегишли деб айтганлар. Яна Ал-Фуланий "Иказ" (152-с.)да ҳам бу гапни келтириб, айтадиларки: "Байҳақий айтадики: "Шунинг учун ҳам у (Шофиъий) Ҳижоз, Шом, Яман ва Ироқдаги илм аҳлларида ҳадисларни оларди. У нимаики саҳиҳ бўлса, қабул қиларди ва бунда ўзи яшаётган ердаги мазҳаблардан фарқ қилган ҳақиқат ошкор бўлса, ўша мазҳабларга асосланмас ва қарамас эди. Ундан олдин баъзи (олим)лар эса фақат ўша жойнинг мазҳабининг асосларига таяниб, ўз мазҳабларига қарама-қарши бўлган саҳиҳ хабарларни ҳатто тасдиқ ҳам қилишмасди, Аллоҳ ҳаммамизни кечирсин!"

²⁷ Абу Нуъайм (9/107), Ҳаравий (47/1), Ибнул-Қоййим "Иъламул-Муваққиъийн" (2/363) ва Ал-Фуланий (104-с.)

²⁸ Ибн Абу Хотим "Ал-Адаб" (93-с.), Абул-Қосим Самарқандий "Ал-Аммалия"да Абул-Ҳафс Ал-Муаддабдан келтиради (234/1), Абу Нуъайм (9/106), Ибн Асокир (15/10/1) саҳиҳ санад билан.

²⁹ Ибн Абу Хотим, Абу Нуъайм ва Ибн Асокир (15/9/2) саҳиҳ санад билан.

9. "Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган ҳар бир ҳадис менинг ҳам тасдиқлаган сўзимдир, ҳаттоки уни мендан эшитмаган бўлсангизлар ҳам".³⁰

4- Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳ.

Имом Аҳмадга келсак, бу киши имомлар орасида суннатни энг кўп жамлаган ва уни мустаҳкамроқ тутган киши эдирлар. Ҳатто бу киши фикрларни ўз ичига олган китоб ёзишни ёмон кўрардилар. Шунинг учун айтган эдиларки:

1- «Менга тақлид қилма, Молик, Шофиъий, Авзоъий ва Саврийларга ҳам тақлид қилма. Улар қаердан олган бўлишса, ўша жойдан олгин».³¹

Бир ривоятда: «Сен динингни бу одамлардан бирортасига эргаштирма. Пайғамбар *صلى الله عليه وسلم* ва саҳобаларидан нимаики келган бўлса, дарҳол уни ол. Улардан кейинги тобиъинлардан келган нақлларда эса кишида танлаш ихтиёри бор».³²

2. «Авзоъийнинг фикри, Моликнинг фикри ва Абу Ҳанифанинг фикри - буларнинг барчаси фикрдир холос. Мен учун (фикрлар) баробардир. Ҳужжат фақат асарлар (ҳадислар)дадир».³³

3. "Кимда-ким Расулulloҳ *صلى الله عليه وسلم* нинг бирон бир ҳадисларини рад этса, демак у ҳалокат ёқасига туриб қолибди".³⁴

Ҳадисни мустаҳкам тутиш ва (асоссиз) илмсизлик билан имомларга тақлид қилмаслик хусусидаги имомлар сўзлари мана шулардир. Аллоҳ Таоло улардан рози бўлсин. Бу сўзлар шундай аниқ ва равшанки, бирор бир тортишув ва

³⁰ Ибн Абу Хотим (93-94-с.).

³¹ Ибнул-Қоййим, "Иъламул- муваққийин" 2/203.

³² Абу Довуд "Масаил Имам Аҳмад" (276-277-с.).

³³ Ибн Абдулбарр "Жомийул-баёнул-илм ва фазлихи" (2/149).

³⁴ Ибн ал-Жавзий "Маноқиб" (182-с.)да.

таъвил (маънони бошқа тарафга буриш)ни қабул қилмас. Бинобарин, ушбу сўзлардан шу нарса тушуниладики, агарда бир инсон саҳиҳ суннатда келган барча нарсаларга мустаҳкам риоя қилса ва бу билан имомларнинг баъзи сўзларига тескари бўлса ҳам, у имомларнинг мазҳабларидан ажралмаган ва уларнинг йўлидан чиқиб кетмаган бўлади. Аксинча бундай инсон уларнинг барчаларига эргашган ва ҳеч қачон бўшашмайдиган мустаҳкам боғич (Иймону Ислом)ни қаттиқ ушлаган ҳисобланади. Аммо имомлар сўзларига тескари бўлгани учунгина саҳиҳ суннатни тарк этувчи кимса эса бу инсон каби эмасдир. Чунки бундай қилган кимса имомларга осий ва уларнинг юқорида ўтган сўзларига муҳолиф бўлади. Аллоҳ Таоло айтадики:

{فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا (النساء: 65)}

Маъноси: «Йўқ, (Эй Муҳаммад صلى الله عليه و سلم) Роббингизга қасамки, одамлар ораларида пайдо бўлган барча масалаларда Сизни ҳакам қилмагунларича ҳеч қачон мўмин бўла олмайдилар. Бундан ташқари улар ўз қалбларидан Сиз чиқарган ҳукм хусусидаги ҳар қандай ҳараж-норозилик, ёқтирмасликни йўқ қилмагунларича ҳамда мутлақо таслим бўлмагунларича мўмин бўла олмаслар» (Нисо сураси, 65-оят).

Яна Аллоҳ Таоло айтадики:

{فَلْيَحْذَرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ (النور: 63)}

Маъноси: «Расулulloҳ صلى الله عليه و سلم нинг ишлари-йўллари, манҳажлари, суннатлари ва шариатларига тескари бўлувчилар бошларига фитна келишидан (яъни қалбларига куфр, нифоқ ёки бидъат келишидан) ёки бошларига аламли азоб тушишидан (яъни дунёда қатл қилиниш, ҳад урилиш, қамалиб қолиш ёки шу кабиларга мубтало бўлишдан) огоҳ бўлишсин». (Ибн Касир тафсири асосида таржима қилинди.)

Ҳофиз Ибн Ражаб раҳимаҳуллоҳу таоло айтади: «Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم амрлари (ишлари, суннатлари, буйруқлари) етган ва уни билган ҳар бир кишига уни умматга етказиши вожиб бўлади. Шунингдек, умматга насихат қилиши ва суннатга эргашишни уларга буюриши ҳам вожибдир, гарчи у суннат уммат орасидаги улуғ инсоннинг фикрига қарама-қарши бўлса ҳам. Чунки хато қилиб (янглишиб) баъзи ишларида Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم га қарши бўлиб қолган ҳар қандай улуғ инсоннинг фикридан кўра Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم нинг суннатларини улуғлашлик ва эргашишга Ул зот ҳақлироқдирлар. Мана шу ўринда саҳобалар ва улардан кейингилар саҳиҳ суннатга тескари бўлувчи ҳар бир кишини рад этишарди. Баъзан қаттиқроқ ҳам рад этишарди³⁵. Рад

³⁵ Мен айтаманки: ҳаттоинки агар оталари ва уламолари бўлса ҳам. Бу борада Таҳовий "Шарҳи маъонийл-осор" китобининг 1-жуз 372-саҳифасида ва Абу Яъло "Муснади"нинг 3-жуз 1317-саҳифасида ўзининг ишонарли ровийлари санади билан Солимдан ривоят қилишади, у киши айтадики:

إني لجالس مع ابن عمر في المسجد إذ جاءه رجل من أهل الشام فسأله عن التمتع بالعمرة إلى الحج فقال ابن عمر حسن جميل قال فإن أباك كان ينهى عنها فقال ويحك فإن كان أبي نهى عنها وقد فعله رسول الله صلى الله عليه وسلم وأمر به، فبقول أبي تأخذ أم بأمر رسول الله صلى الله عليه وسلم؟! قال: بأمر رسول الله صلى الله عليه وسلم، فقال: فقم عني.

Мен Ибн Умар билан масжидда ўтирган эдим, шунда Шом аҳлидан бир киши у кишининг олдига келиб, умрани ҳажга қўшиб адо этиш, яъни таматтуъ ҳажи тўғрисида сўради. Ибн Умар: "Бу чиройли, гўзал ҳаждир" дедилар. Сизнинг отангиз бундай ҳажни қилишдан қайтарар эди, деди ҳалиги киши. Шунда Ибн Умар: "Сенга қайғу бўлсин, агар отам ундан қайтарган бўлса ҳам Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم уни қилганлар ва унга буюрганлар. Отамнинг сўзини оласанми ёки Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم нинг суннатлариними?" У эса: "Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم нинг суннатларини", деди. Кейин Ибн Умар унга: "Тур менинг олдимдан кет", дедилар. Ушбу хабарни Аҳмад (5700) ва Термизий ҳам келтириб саҳиҳ дейишди. (*Шарҳ китобларида келтиришича, Умар ва Усмон розияллоҳу анҳумолар ҳаж таматтуъдан кўра, ҳаж-ифродни афзал деб ҳисоблашган. "Саҳиҳул-Бухорий"нинг №732, 741 ҳадислар шарҳига қаранг.*)

Яна Ибн Асокир (7/51/1)да Ибн Абу Зиъбдан қуйидагини келтирадилар: "(Буюк саҳобий Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳунинг ўғли) Саъд бин Ироҳим бир киши хусусида фатво чиқарди. Бунда Робиъ ибн Абу Абдурраҳмоннинг фикрига асосланган эди. Мен (Ибн Абу Зиъб) эса унга бу чиқарилган фатвога тескари келадиган Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари ҳақида хабар бердим. (Шунда) Саъд Робиъга: "Бизда Ибн Абу зиъб борки, у ҳурматга сазовор одам, қайсики

этаётганда ўша инсонни ёмон кўрганлари сабабли эмас, аксинча у одам улар орасида сеvimли, кўнгилларида улуғланган инсон бўларди. Лекин улар учун Расулulloҳ صلى الله عليه و سلم сеvimлироқ ва у кишининг суннатлари ҳар бир яралмишининг ишидан кўра юқорироқ даражада эди. Қачонки Расулulloҳнинг суннатлари бошқа бир кишининг ишига қарама-қарши бўлиб қолса, Расулulloҳ صلى الله عليه و سلم нинг суннатлари устун қўйилишга ва эргашишга авлороқдир. Расулulloҳ صلى الله عليه و سلم га тескари бўлиб қолган киши, гарчи (хатоси сабабли) кечирилган бўлса ҳам, унинг улуғлиги бунга тўсқинлик қила олмайди³⁶. Аксинча, Расулulloҳ صلى الله عليه و سلم нинг ишлари кечирилган бу мухолиф кишининг ишига тескари эканлиги очиқ-ойдин бўлганидан сўнг одамларнинг унга қарама-қарши йўл тутишларини у ёмон кўрмайди”.³⁷

Мен айтаманки: Қандай бу нарсани ёмон кўришсин, ахир юқорида ўтгандек уларнинг ўзлари эргашувчиларга суннатга эргашишни амр қилишган ва ўзларининг суннатга мухолиф бўлиб қолган сўзларини тарк этишни вожиб қилишган. Балки Шофиъий раҳимаҳуллоҳ саҳиҳ суннатни, ҳатто гарчи у суннатни Шофиъийдан олмаган бўлишса ҳам, ёки у киши ўша суннатга қарши бўлиб қолган бўлсалар ҳам, ўзларига нисбат беришларни асҳобларига-ўқувчилари ва эргашувчиларига амр қилганлар. Шунинг учун муҳаққиқ олим Ибн Дақиқил-Ийд раҳимаҳуллоҳ тўрт мазҳаб имомларидан алоҳида ҳар бирларининг ёки ҳаммаларининг саҳиҳ ҳадисга қарши бўлиб қолган масалаларини катта бир китобга жамлаганлар ва унинг аввалида айтганларки:

менинг фатвоимга зид келадиган Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини айтди”, деди. Робиъ эса: "Сен барча ҳаракатингни қилдинг, ва фатво чиқиб бўлди", деди. Бунга Саъд хитоб қилиб: "Во ажаб!!! Мен Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қарорини эмас, Саъднинг қарорини юритаманми?! Йўқ, ундай эмас! Мен Саъднинг, онасининг ўғли бўлмиш Саъднинг қарорини бекор қилдим ва Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қарорларини юритдим!" – деди ва ёзилган фатвони келтиришни буюрди. Сўнг уни йиртиб ташлаб, бошқатдан қарор чиқарди".

³⁶ Аслида у одам ҳатто мукофот ҳам олади. Чунки Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларки: "Агар ҳукм қилувчи ижтиҳод қилиб ҳукм қилса-ю, тўғри топса, унга иккита ажр бўлади. Агарда ижтиҳод қилиб ҳукм қилганда хато қилса, битта ажр бўлади". (Бухорий, Муслим ва бошқалар.)

³⁷ "Иказ ал-Ҳимам" (93-с.).

“Ушбу масалаларни мужтаҳид имомларга нисбат бериш ҳаромдир. Уларга тақлид қилувчи фақиҳларга ушбу масалаларни билиш вожиб бўлади. Токи уларни имомларга нисбат бериб қўйиб уларнинг шаънига ёлғон гапириб қўйишмасин”.³⁸

Имомларнинг баъзи сўзлари (суннатга хилоф бўлиб қолганда,) уларнинг издошлари бу сўзларини суннатга эргашиб тарк қилганликлари ҳақида

Юқоридагиларга биноан имомлар издошлари – аввалгилардан кўпчилик, кейингилардан озчилик – имомларининг ҳар бир сўзларини (далил қилиб) олишмаган. Балки суннатга хилоф келиб қолгани уларга аён бўлганидан сўнг уларнинг кўп сўзларини тарк қилишган. Ҳатто икки имом: Муҳаммад ибнул-Ҳасан ва Абу Юсуф, Аллоҳ уларни раҳматига олсин, шайхлари Абу Ҳанифага мазҳабнинг тахминан учдан бир қисмида³⁹ хилоф қилишган. Фурӯъ (фиқҳ) китоблари бунинг баёнига кафилдир. Худди шунингдек, Имом Музаний⁴⁰ ва Имом Шофиъийнинг бошқа издошлари ҳамда бошқа (имом)ларнинг издошлари ҳақида ҳам шунга ўхшаш сўзлар айтилган. Агар бунга мисолларни келтирадиган бўлсак, сўзимиз чўзилиб, бу баҳсимизда қисқа (баён қилиш) мақсадимиздан четга чиқиб кетамиз. Шунинг учун иккита мисол келтириш билан чегараланамиз:

³⁸ Ал-Фуланий (99-с.)

³⁹ Ибн Обидийн "Ал-Ҳошия" (1/62)да ва Ҳаззолийнинг "Ан-Нафиъал-Кабир"ида Лукнавий унинг манбасини кўрсатганлар. Яна мисол: Абу Юсуф "Китобул-Ҳирож" асарларида устозлари Абу Ҳанифа ва Ибн Абу Лайло (роҳимаҳумуллоҳ)ларнинг рай (фикр)ларига хилоф қилиб, буни қуйидаги сўзлар билан ифодаладилар: "Мен, Абу Юсуф, эса айтаманки ...", "Мен, Абу Юсуф, бундай дейман..." ва ҳоказо.

⁴⁰ Бу киши ўзларининг "Мухтасар фикҳ аш-Шофиъий" китобларининг кириш қисмида шундай деб ёзадилар: "Ушбу китобда Муҳаммад ибн Идрис Аш-Шофиъий (роҳимаҳумуллоҳ)нинг илми ва сўзларининг таъвили хоҳлаган кишининг тушуниб фаҳмлаши учун тўплангандир. Аммо шу билан бирга унинг ёки бошқа имомнинг сўзларига тақлид қилишдан (Имом Шофиъий) қайтарганликларини унутмасин. Чунки бу одам буларнинг сўзларини тиришқоқлик билан динига солиштирмоғи даркор".

1. Имом Муҳаммад "Муваатто"⁴¹ китобларининг 158-бетиде айтдилар: "Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ ёмғир сўралганда намоз ўқилмайди деб ҳисоблардилар. Аммо бизнинг наздимизда имом одамлар билан икки ракат намоз ўқиб кейин дуо қилиб кийимини тескари қилиб (астарини ташқарига ўгириб олиб) кийиб олади".⁴²

2. Исом ибн Юсуф ал-Балҳий (исмли) Имом Муҳаммад ибнул-Ҳасаннинг соҳиби⁴³ ва Имом Абу Юсуфнинг мулозими (ҳамроҳи)⁴⁴ "Абу Ҳанифанинг сўзларига хилоф бўлган фатволарни чиқарар эдилар, чунки (Абу Ҳанифа)нинг далилларини билмай, бу кишига бошқанинг далили маълум бўлиб қоларди ва шунга асосан фатво берардилар".⁴⁵ Шунинг учун ҳам бу киши "рукуъ олдин ва рукуъдан кейин қўлларини кўтарардилар".⁴⁶ Чунки бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алаҳйи васалламдан мутавотир даражадаги (*санаднинг ҳар бир босқичида тўрт ва ундан кўп ровий бор*) ҳадислар келган. Уч имом (Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад)нинг бу (қўл кўтариш)га хилоф иш тутишгани (Исом ибн Юсуфни) бу (ссуннат)га амал қилишдан тўса олмади. Ҳар бир мусулмон ҳам шундай иш тутиши вожиб бўлади, чунки юқорида келтирилганидек тўрт имом ва бошқалардан бу ҳақда кўрсатмалар келган.

⁴¹ Бу китобда (Имом Муҳаммад) Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳумаллоҳ) Билан тахминан 20та масалада хилоф қилганликларини тушунтирадилар. №42, 44, 103, 120, 158, 169, 172, 173, 228, 230, 240, 244, 274, 275, 284, 314, 331, 338, 355, 356 – "Таълиқ ал-Мумажжад ала Муваатто Муҳаммад" бўйича келтирилди.

⁴² *"Саҳиҳул-Бухорий"нинг №503, 509 ва "Саҳиҳул-Муслим"нинг №894 ҳадисларнинг шарҳига қаранг.*

⁴³ Ибн Обидийн (Исом)ни улар қаторида "Ал-Ҳошия"да (1/74) ва "Расм ал-Муфти" (1/17)да ҳам зикр қилган. Қуроший уни "Ал-Жаваҳир ал-Маъдия фи тобақот ал-Ҳанафия"да (347-с.) зикр қилиб бундай деган: "У ҳадис ровийлари орасида сиқот (ишончли)дир. У ва унинг укаси Иброҳим ўзларининг даврларида Балҳнинг икки шайхи эдилар".

⁴⁴ "Ал-Фавоид ал-Баҳия фи тарожум ал-Ҳанафия" (116-с.).

⁴⁵ "Ал-Баҳр ар-Роиқ" (6/93) ва "Расм ал-Муфтий" (1/28).

⁴⁶ Ал-Фавоид ал-Баҳия фи тарожум ал-Ҳанафия" (116-с.). Сўнгра "Ал-Фавоид..." муаллифи Абдулҳай Лукнавий (1264-1304 ҳ.й.) куйидаги изоҳни берадилар: "Мақхул (орқали) келтирган ҳикояда гўёки Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ): "Кимки намозда қўлини кўтарса, нмаозини барбод қилибди" деган ривоят ёлғон эканлиги ушбу хабардан хулоса қилинади. Мана шу (Абу Ҳанифага нисбат берилган) сўз Олий Мирза Ал-Итқонийни янглишиб фатво чиқаришга сабаб бўлган. Бу ҳақда унинг таржимаи холида келтирилгандир..."

Хулоса: Мен умид қиламанки, имомларнинг эргашувчилари бу китобдаги Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини фақатгина мазҳабларига тўғри келмаслиги учун уни тарк этиб, китобнинг услубини дарҳол қоралашга ўтиб кетишмас. Балки аксинча, Суннат (ҳадислар)га амал қилиш лозимлиги ва ижтиҳодлари Суннатга хилоф келиб қолса, уларни олмаслик ҳақидаги имомларнинг биз юқорида келтирган буйруқларини эслашар деб умид қиламан. Мен яна умид қиламанки, бу (китобнинг услубини қораламоқчи бўлган киши) тушуниб етадики, бу услубни қоралаш ўзи эргашаётган ўша имомларнинг қай бирига бўлса ҳам таъна етказиш бўлади холос. Юқорида баён қилинганидек, биз бу манҳаж (услуб)ни фақат шу имомлардан олдик. Энди кимда-ким бу ишда имомлар(нинг буйруқлари)га эргашмаса, у кимса катта хавф-хатардадир. Чунки бу иш билан у Суннатдан юз ўгиради. Ахир биз Аллоҳ Таоло айтгани каби келишмовчилик пайтида Суннатга мурожаат қилиб унга суянишга буюрилганмиз: **«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, одамлар ораларида пайдо бўлган барча масалаларда Сизни ҳакам қилмагунларича ҳеч қачон мўмин бўла олмайдилар. Бундан ташқари улар ўз қалбларидан Сиз чиқарган ҳукм хусусидаги ҳар қандай ҳараж-норозилик, ёқтирмасликни йўқ қилмагунларича ҳамда мутлақо таслим бўлмагунларича мўмин бўла олмайдилар»** (Нисо сураси, 65-оят).

Билъакс, Аллоҳдан сўраб қоламанки, бизни ўзи қуйидаги оятларида зикр қилган бандалардан қилсин: **"Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида мўминларнинг сўзи "эшитдик ва итоат этдик" демоқдир. Ана ўшалар нажот топгувчилардир. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига бўйсунса ва Аллоҳдан қўрқиб тақво қилса, бас, ана ўшаларгина бахт-саодатга эришувчилардир"** (Нур сураси, 51-52-оятлар).

Димашқ, 13 Жумода ал-Охир 1370 ҳ.й.

Шубҳалар ва уларга жавоб

Бу мен бу рисолаи ушбу китобнинг биринчи бор чиқишидан сўнг ўнг йилдан кейин ёзганман. Бизга бу орадаги вақт ичида бу китобнинг ёш мўминларнинг сафларига яхши таъсири борлиги маълум бўлди. (Мазкур таъсир) уларни динларида ва ибодатларида Исломининг соф манбаъсига, яъни Қуръон ва Суннатга қайтишларининг вожиблигига йўналтирди. Уларнинг ичида, алҳамдулиллаҳ, Суннатга амал қилувчилар ва Суннатга асосан ибодат қилувчилар кўпайди. Ҳатто улар бу билан танилиб қолди, фақат мен улардан баъзиларини суннатга амал қилишдан тийилиб турганларини кўрдим. Суннатга қайтиш ҳақида оятлар ва имомларнинг хабарлари билан озиқланганимиздан сўнг бунинг вожиб эканлигига шак қилганларидан эмас, балки тақлид қилувчиларнинг баъзи шайхларидан баъзи бир шубҳаларни эшитаётганлари учундир. Шунинг учун мен ўша шубҳаларни эслатиб, сўнгра уларга раддия айтишни маъқул кўрдим, шояд мана шу билан ўша баъзи (шайх)лар бундан кейин Суннатга амал қилишга унга амал қилувчилар билан бирга интилишсин ва Аллоҳнинг изни билан фирқаи нажиядан бўлишсин.

1. Баъзилар айтдиларки: Динимиз ишларида Набий соллалоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмаларига қайтишнинг вожиблигига шак-шубҳа йўқ, айниқса у аниқ-хос ибодат бўлса, унда фикр ва ижтиҳодга ўрин йўқ, чунки у (*ибодат*) тавқифийдир (*яъни қандай кўрилган бўлса, шундай бўлади, ижтиҳодсиз қабул қилинади*). Масалан, намоз ўқиш каби. Лекин биз тақлид қилувчиларнинг биронта шайхларидан буни буюраётганини деярли эшитмаяпмиз. Аксинча унинг тескарисини қарор қилаётганларини топмоқдамиз. Улар бу нарса уммат учун кенглик деб гумон қилишади. Бунга улар ҳадисни ҳужжат қилишади. Ҳозирга қадар Суннат ёрдамчиларига раддия берувчилар бунга ўхшаш муносабатларда бу (ҳадис)ни такрорлайверади: “Умматим ихтилофи раҳматдир”. (Сўнгра айтишадики:) “Бизга шундай

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

туюладики, бу ҳадис сен чақираётган манҳажга ҳамда сен ёзган бу ва бошқа китобларингга хилофдир, бунга нима дейсан?”

Бунинг жавоби икки жиҳатдан бўлади:

Биринчидан, бу ҳадис саҳиҳ эмас, балки у ботил ва унинг асли йўқдир. Аллома Субкий айтдилар: “Мен бунга саҳиҳ ҳам, заиф ҳам ва на мавзӯ ҳам санад топмадим”. Мен айтаман (*Албоний*): У фақатгина мана шундай лафз билан ривоят қилинади: “Асҳобларим ихтилофи раҳматдир” ҳамда “саҳобаларим юлдузлар каби, қайси бирига эргашсангизлар, ҳидоят топасизлар”. Уларнинг иккаласи ҳам саҳиҳ эмас: бири жуда заиф, иккинчиси мавзӯ (тўқима) ҳадисдир. Мен буни “Силсилатул-аҳодисиз-заифа вал-мавузъаҳ” да таҳқиқ қилдим (№58, 59, 61).

Иккинчидан, бу ҳадис заифлиги билан бирга Қуръони Каримга муҳолифдир. Албатта Қуръонда келган динда ихтилофдан қайтариш ва иттифоққа буюриш ҳақида оятлар уларни зикр қилишга ҳожатсиз равишда машҳурдир. Лекин уларнинг баъзиларини мисол учун келтиришимизда зиён йўқдир. Аллоҳ Таоло айтди:

(ولا تنازعوا فتفشلوا وتذهب ريحكم)

“Бир-бирларингиз билан тортишманглар, руҳларингиз тушиб кучларингиз кетади” (Анфол-46).

(ولا تكونوا من المشركين من الذين فرقوا دينهم وكانوا شيعاً كل حزب بما لديهم فرحون)

“Динларини бўлиб ташлаб фирқаларга бўлиниб кетган мушриклар каби бўлмангиз. Ҳар бир ҳизб ўзидаги нарсаси билан қувониб туради” (Рум-31-32).

(ولا يزالون مختلفين. إلا من رحم ربك)

“Улар ихтилоф қилишдан тўхтамайди, фақатгина Роббинг раҳм қилганлар (ундай эмас)” (Худ-118-119).

Агар "Роббинг уларга раҳм қилганлар" ихтилоф қилмайдиган бўлса ва фақатгина ботил аҳли ихтилоф қиладиган бўлса, унда қандай қилиб ихтилоф раҳмат бўлиши ақлга сиғади?

Шундай қилиб, бу ҳадиснинг санади ҳам, матни ҳам саҳиҳ эмаслиги собит бўлди⁴⁷. Ваҳоланки, очиқ–равшан баён қилинмоқдаки, имомлар буюрган Китоб ва Суннатга амал қилишдан тўхташ учун шубҳа сифатида бу (ҳадис)ни ушлаш жоиз эмас.

2. Бошқалар айтди: агар динда ихтилоф қилиш қайтарилган бўлса, унда саҳобалар ва улардан кейинги имомларнинг ихтилофи ҳақида нима дейсизлар? Уларнинг ихтилофи ва улардан бошқа "мутааххиринлар" (кейинги давр уламолари)нинг ихтилофи орасида бу ерда фарқ борми?

Жавоб: Ҳа. Бу икки ихтилоф орасида катта фарқ бор. Бу икки ишда кўринади:

Биринчиси: сабабида. Иккинчиси: таъсирида.

Саҳобаларнинг ихтилофига келсак, бу зарурий ихтилоф бўлиб, фақатгина тушунчадаги табиий ихтилоф эди. Хилоф қилишга уларнинг хоҳишлари-қасди бўлмаган. Бунинг устига уларнинг замонларидаги бошқа ҳолатлар бўлган⁴⁸. Уларнинг ихтилофи лозим бўлиб, улардан кейин бу ихтилофлар йўқ бўлиб кетган.⁴⁹ Бундай ихтилофдан умуман қутулиш мумкин эмас ва у (ихтилоф)нинг

⁴⁷ Қимга тафсилот керак бўлса, юқорида келган масдарга мурожаат қилсин.

⁴⁸ Уларнинг замонида ҳали Қуръон нозил бўлиб турарди ва ҳукмлар тартибланмаган эди. Ёки ҳар бир саҳобий ўзи эшитган ва кўрган ҳадисга амал қиларди ва бошқалар ҳам шундай қилишарди.

⁴⁹ Ибн Ҳазмнинг "Иҳкам фи усулил-аҳкам", Деҳлавийнинг "Ҳужжатуллоҳил-баалиғоҳ" ёки унинг бу баҳсга хос бўлган рисоласи "Ақдул-жайид фи аҳкамил-ижтиҳад ват-тақлид"га мурожаат қилинг.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

аҳли юқорида келган оятлар ва унинг маъноси билан маломатга учрамайди, чунки уларда (маломатга) тегишли бўладиган шарт йўқдир: у ҳам бўлса (*ихтилофга*) қасд қилиш ёки қайсарлик билан давом этиш.

Аммо тақлид қилувчиларнинг (ҳозирги кунда) мавжуд бўлган ихтилофига келсак, кўп ҳолда уларга узр йўқдир. Чунки уларнинг баъзиларига Китобу Суннатдан ҳужжат баён қилинган бўлса ҳам, (улар қарасаки) бу ҳужжатлар улар одат қилган мазҳабдан бошқа мазҳабни қўллаб-қувватлайди. Шунда улар ҳужжатларни фақатгина мазҳабига хилоф бўлгани учун тарк этади. Бундай одамнинг наздида гўёки унинг мазҳаби асл-асосдир ёки (унинг мазҳаби) Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган диндир, бошқа мазҳаб эса бошқа мансўх бўлган диндир!

Улардан яна бошқалари эса бунга тескари равишда - мазҳаблар кенг ихтилоф жумласидан деб баён қилинганидан сўнг – бу мазҳабларни баъзи мутааххиринлари очиқ-ойдин айтгани каби турли шариатлар каби кўришади⁵⁰: "Мусулмон киши учун мазҳаблардан хоҳлаганини ушлашлиқда ва хоҳлаганини ташлашда зиён йўқ, чунки уларнинг ҳаммаси шариатдир!" Булар ва ана у (*юқорида айтилган гуруҳ*) ҳам ихтилофда давом этишларига ушбу ботил ҳадисни ҳужжат қилишади: "Умматимнинг ихтилофи раҳматдир". Биз эшитган кўпчиликлари бунга мазкур (ҳадис)ни далил қилишади!

Баъзилар шу ҳадисни қуйидагича тушунтириб уни: "Албатта ихтилоф фақатгина раҳматдир, чунки унда уммат учун кенглик бор" деган гап билан эътиборга олишади (ҳурмат қилишади)! Бу тушунтириш олдинда ўтган оятларнинг ва имомларнинг юқоридаги сўзлари маъносига зид келиши билан бирга баъзи (имом)лардан уларнинг раддиясига очиқ сўзлар келган.

⁵⁰ Қаранг: Мунаввийнинг "Файзул-Қодир"и (1/209), ёки "Силсилатул-аҳодисиз-заифа" (1/76, 1/77).

Ибнул-Қосим айтдилар: Молик ва Лайс Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам асҳобларининг ихтилофи ҳақида: “Бу ерда одамлар айтганидек “унда кенглик бор” эмас. У ёки хато, ё тўғрилиқдир” дейишганини эшитдим”.⁵¹

Ашҳаб айтдилар: “Моликдан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам асҳобларидан сиқот (ишончли) томонидан айтилган ҳадис ҳақида сўрашди: “Сиз уни кенглик деб ҳисоблайсизми?” Молик айтди: “Аллоҳга қасамки, йўқ! Ҳатто ҳақни топмагунича (*изланади*), дарҳақиқат, ҳақ биттадир. Иккита бирига хилоф сўзнинг ҳаммаси тўғри бўладими?! Ҳақ ва тўғрилиқ фақат биттадир”.⁵²

Имом Шофиъийнинг соҳиби Музаний дедилар: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг асҳоблари (гоҳида) ихтилоф қилишди ва уларнинг баъзилари баъзиларини хатога чиқаришди. Баъзилари бошқаларнинг сўзларига қараб уларга мулоҳаза билдиришди. Агар уларнинг наздида сўзларининг барчаси тўғри бўлса эди, у ҳолда бундай қилишмасди. Убай ибн Каъб ва Ибн Масъуд бир кийимда намоз ўқишда ихтилоф қилишганида Умар ибн Хаттоб ғазаб қилдилар. Убай айтдиларки: “Бир кийимда намоз чиройли ва яхшидир” Ибн Масъуд эса: “Бу фақатгина (*илгари*) кийимнинг камлигидан бўлган” дедилар. Умар ғазаб қилган ҳолда чиқдилар ва: “(Одамлар) уларга қарайдиган ва улардан (ибрат-далил) оладиган Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг асҳобларидан икки киши ихтилоф қилишди! Албатта Убай тўғри гапирди ва Ибн Масъуд ҳам бепарволик қилмади. Лекин бундан сўнг бу ўрнимда бирон бир киши ихтилоф қилганини эшитмайин. Бўлмаса, фалон ва фалондақа қилиб (*жазолайман*)”.⁵³

Имом Музаний яна айтдилар: “Агар икки олим бир ҳодисада ижтиҳод қилса, бири ҳалол деса-ю, иккинчиси ҳаром деса. (Шуларнинг) ҳар бирини

⁵¹ Ибн Абдулбарр “Жомиъул-баёнил-илм”да (2/81-82).

⁵² Олдинги масдар (2/82, 88, 89).

⁵³ Олдинги масдар (2/83, 84).

ижтиҳодида ҳақни топган деб ҳисоблаган ва ихтилофни жоиз қилган одамга айтилади: “Буни аслга асосан айтингми, ёки қиёсга асосанми?” Агар: “Аслга асосан” деса, унга айтилади: “Қандай қилиб асл бўлсин, ахир Китоб (Қуръон) ихтилофни инкор қилса?” Агар: “Қиёсга асосан десанг”, унда айтиладики: “Қандай қилиб асллар ихтилофни инкор этса-да, сен у (асллар)га асосан қиёс қилиб ихтилофни жоиз десанг? Буни олим у ёқда турсин, ақлли киши ҳам жоиз демайди”.⁵⁴

Агар бир киши айтсаки: “Сен Имом Моликдан келтирган ҳақ битта бўлиб бир неча бўлмаслиги ҳақидаги (гапинг) устоз Зарқонинг “Мадҳолул-фиқҳий” да (1/89) келган нарсага хилофдир: “(Халифа) Абу Жаъфар Мансур (754-775 м.ў.), ундан кейин (халифа Ҳорун) Ар-Рошид (786-809 м.ў.) Имом Моликнинг мазҳаби ва унинг “Муваатто” китобини Аббосий давлатининг қозилик қонуни қилишни ният қилишди. Молик иккаласини ҳам бундан қайтардилар ва: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоблари фуруъда ихтилоф қилишди ва шаҳарларда тарқалиб кетишди. Уларнинг ҳаммаси (ҳақни) топгандир” - дедилар.

Мен айтаман (*Албоний*): Бу қисса Имом Молик раҳимаҳуллоҳдан маълум ва машҳурдир. Лекин охиридаги “уларнинг ҳаммаси (ҳақни) топгандир” деган сўзининг аслини ривоятлар ва масдарлардан биронтасида топмадим⁵⁵. Аллоҳим, фақатгина Абу Нуъайм “Ҳилйа”(6/332)да келтирган биргина ривоят бор. Унинг санадида Миқдам ибн Довуд мавжуд, у Заҳабий “Зуъафо” (“*Заифлар*”) китобида зикр қилганлардан биридир. Бу (ривоят заифлиги) билан бирга: “Ҳар бири ўзича (ҳақни) топди” – деган (бошқача) лафз билан келгандир. Демак, “ўзича – ўнда нафсиҳи” деган сўз “Мадҳол” (“Кириш”)

⁵⁴ Олдинги масдар (2/89).

⁵⁵ Ибн Абдулбаррнинг “Интиқо”(41)си, Ҳофиз Ибн Асокирнинг “Кашфул-муғто фи фазли-л-Муваатто”(7)си ва Заҳабийнинг “Тазкиротул-хуффо”(1/195)ига мурожаат қилинг.

китобидаги ривоят “мадхул” (*киритилган, қўшиб қўйилган*) эканлигига далолат қилади. У қандай қилиб ҳам шундай (*заиф ва қўшилган*) бўлмасин?! Ахир юқорида баён қилинганидек у Имом Моликдан сиқот (*ишончли ровийлар*) келтирган "ҳақ битта ва у бир неча бўлмаслиги" ҳақидаги сўзларига тескари бўлса?! Шунингдек, саҳоба ва тобеъинларнинг имомлари, тўртта мужтаҳид имом ва улардан бошқалар ҳам мана шу (ҳақ бита ва у бир неча бўлмаслиги ҳақидаги) сўзда бўлишган.

Ибн Абдулбарр айтдилар (2/88): “Агар ҳақ бир-бирига тескари икки томонда бўлганида эди, салафларнинг айримлари баъзи бирларининг ижтиҳодлари, қазо-ҳукмлари ва фатволарини хатога чиқаришмасди. Бир нарса ҳамда унинг зидди ҳаммаси тўғри бўлишини ақл ҳам инкор этади. Дарҳақиқат сўзларнинг гўзали:

إثبات ضدین معاً فی حال

أقبح ما یأتی من المحال

"Биттада жамлаш икки тескари нарсани

Амри маҳол нарсаларнинг энг ёмони”.

Агар айтилсаки: Агар Имомдан бўлган бу ривоят ботил экани собит бўлса, унда нима учун Мансурнинг одамларни “Муваатто” китобларига жамлашидан Имом бош тортдилар ва буни унга вожиб қилмадилар?

Мен айтаман (*Албоний*): Моликдан келган ривоятлардан энг гўзалини Ҳофиз Ибн Касир “Шарх ихтисори улумул-ҳадис” да (31-с.) зикр қилади. Имом (Молик) айтадилар: “Одамлар жамладилар ва биз топмаган нарсаларни топдилар”. Бу эса у кишининг илми ва инсофининг комиллигидан.

Хилоф бўлишнинг ҳаммаси ёмонлик, раҳмат эмаслиги собит бўлди. Лекин (бу ихтилоф орасида) киши айбдор деб ҳисобланадигани, у ҳам бўлса, мазҳабга бўлган таассуб кабидир. Ҳамда бу (хилоф қилишдан) киши айбдор

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

деб ҳисобланмайдигани бор, у ҳам бўлса саҳобалар ва уларга эргашган имомлар ихтилоф қилган нарсалари каби. Аллоҳ бизларни уларнинг жамоасида (маҳшарда) тўпласин ва уларга эргашишликка муваффақ қилсин!

Демак, маълум бўлган нарса шуки, саҳобалар ихтилофи тақлид қилувчиларнинг ихтилофи каби эмасдир.

Хулоса:

Ҳақиқатан, саҳобалар мажбурликдан ихтилоф қилишди, аммо улар (шу билан бирга) ихтилофни инкор қилишарди ва агар йўл (илож) топишса, ундан (ихтилофдан) қочишарди.

Аммо тақлид қилувчиларга келсак, ихтилофнинг кўп қисмида бундан халос бўлиш имкониятлари бўла туриб ҳам иттифоқ қилмайдилар ва иттифоққа ҳаракат ҳам қилмайдилар, балки ихтилофда тўхтаб уни тўғри деб биладилар. Шундай қилиб икки гуруҳ ихтилоф орасида қолади.

Бу уларнинг сабаб жиҳатидан фарқидир.

Энди таъсир жиҳатидан фарққа келсак, у янада равшанроқдир. Чунки саҳобалар, Аллоҳ улардан рози бўлсин, фуруъда маълум бўлган ихтилофлари билан бирга бирлик кўринишларини қаттиқ муҳофаза қилишарди, сўзларини ҳамда сафларини бўлувчи ҳар қандай нарсадан узоқ бўлишарди. Масалан, улардан бисмиллоҳни овозни чиқариб айтиш машруъ деб ҳисоблайдиганлари ва машруълигини инкор этадиганлари бор эди, рафъул-ядайн (намозда рукндан рукнга ўтганда қўлни кўтариш)ни мустаҳаб деганлари ва ундай эмас деганлари бор эди. Шу билан бирга улар бир имомнинг орқасида жамоат бўлиб намоз ўқишарди. Улардан биронтаси мазҳабий ихтилоф сабабли имом орқасидан намоз ўқишдан бош тортмасди.

Аммо тақлид қилувчиларга келсак, уларнинг ихтилофлари бунинг тамоман тескарисидир. Буларнинг ихтилофлари таъсиридан муслмонлар икки гувоҳликдан кейинги энг катта рукн бўлган намозда бўлиниб кетишди. Улар бир имомнинг орқасидан намоз ўқишдан бош тортадилар ва бунга ҳужжат қилиб имомнинг мазҳаби буларга хилоф бўлса, унинг намози ботил ёки камида макруҳ бўлади, деган (даъвони) келтиришади. Буни биз эшитдик ва кўрдик, худди биздан бошқалар ҳам буни кўрганидек⁵⁶. Қандай қилиб бундай эмас (дейилсин), ахир баъзи машҳур мазҳаб китобларида (бундай намознинг) кароҳияти ва ботиллиги ҳақида матнлар келган бўлса?! Бунинг натижасида жомеъ масжидда тўртта урушувчини топасиз, бирин-кетин намоз ўқувчи имомларни ва бошқа имом намоз ўқиётган пайтда ўз имомларини кутиб турган одамларни топасиз!

Бу хилоф баъзи тақлидчилар наздида бундан ҳам қаттиқроқ нарсага бориб етди. Масалан, ҳанафий ва шофеъийлар орасида никоҳни ман қилиш. Кейин ҳанафийларнинг “муфтий сақолайн” (инсу жин муфтийси) деб лақаб қўйишган баъзи машҳурларидан фатво чиқди-да, у ҳанафий эркакни шофеъий аёлга уйланишни жоиз қилди ва бунга қуйидагини далил қилди: *تنزيلاً لها منزلة أهل الكتاب* "Шофеъий аёл никоҳ ҳукмида аҳли китоб аёлининг ўрнига тушади" - деди!⁵⁷ Бундан тушуниладиган нарса ва уларнинг наздида мўътабар китоблардан тушуниладиган нарса шуки бунинг тескариси жоиз эмас, яъни худди китобий эркакнинг муслима аёлга уйланиши жоиз эмаслиги каби шофеъий эркакнинг ҳанафия аёлга уйланиши мумкин эмас. Мана бу мутааххиринларнинг ихтилофи ва ихтилофдаги қайсарлиги олиб келган ва ақлли кишига бунинг ёмон натижали таъсирларин очиқ-ойдин кўрсатадиган кўпгина мисоллардан бўлган икки мисолдир. Ушбу нарса салафларнинг ихтилофига зиддир, чунки уларнинг ихтилофи умматга бирон бир ёмон таъсир олиб келмаган. Улар

⁵⁶ "Намозда хилоф қилиш жоиз бўлмаган нарсалар" китобининг "Саккизинчи фасли"га мурожаат қилинг (65-72 с.), мен ишора қилган нарсаларнинг кўпини топасиз, уларнинг баъзилари "Ал-Азҳар" уламоларидан содир бўлган.

⁵⁷ "Баҳрур-роиқ".

динда тафриқаланишдан қайтарган оятлар остига тушиб қолмаслик йўлини (паноҳини) тушунишди. Аммо мутааххиринлар эса бунинг тескарисидир – Аллоҳ ҳаммамизни тўғри йўлига бошласин!

Қани энди (мтааххиринларнинг) бу ихтилофлари фақатгина ўзлари орасидаги зарар билан чекланса ва даъват умматидан бошқаларга ўтиб кетмаса эди, баъзи нарсаларнинг мусибати ундай катта бўлмасди. Лекин, афсуски, ихтилофларининг зарари кўпгина шаҳарлар ва мамлакатлардаги кофирлардан бўлмиш бошқаларга ҳам ўтиб кетди ва шу сабабли Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб киришдан тўсишди! Фазилатли устоз Муҳаммад Ғаззолий “Золаамул-минал-Ғарб” (200-с.) китобида шундай дедилар:

“Америкадаги Принстон шаҳрида ўтказилган анжуманда бир сўзга чиқувчи шарқшунослар ва исломий юртларни ўрганувчилар даъват қилинаётган Исломни аниқлашлари-чегаралашлари учун кўпинча берадиган саволни берди: “Мусулмонлар оламга қайси таълимот билан мурожаат қилишади? Суннийлар тушунадиган ислом таълимоти биланми? Ёки шиалардан бўлган имомийлар ва зайдийлар тушунадиган таълимот биланми?”

Албатта бу иккаласи ўзаро фарқлидир. Гоҳида улардан бир гуруҳи бир масалада "илғор" чекланган фикрини юритса, бошқалари эса қадимги жиддий фикр билан ўйлайди.

Хулоса шуки, даъватчилар даъват қилинаётганларни ҳайратда қолдирмоқда, чунки у (даъватчи)ларнинг ўзлари ҳайратдадирлар”.⁵⁸

⁵⁸ Мен айтаман (*Албоний*): Имом Ғаззолийнинг охириги кунларда ёзган кўп китобларини кўриб чиқдим. Масалан, "Ас-Суннату ан-Набавия байна аҳлил-фиқҳи ва аҳлил-ҳадис" деган китобини. Менга шу нарсга маълум бўлдики: Бу кишининг ўзлари ўша ҳайратда қолганларнинг бирлари экан. Биз олдинда ҳам бу киши келтирган ҳадисларда ёки Бирон-бир масалада баҳс юритганида хатоларни топардик. Шунингдек, Яна бошқа китобларида кишини ҳайратда қолдирадиган сўзларини айтиб ўтарди ваз у билан Суннатдан четга чиқишлигини намоён қиларди. Бу китобларида ҳадисларни саҳиҳ ёки

заифлигини аниқлаш учун ақлини ҳоким қиларди ва бу ишида ҳадис илмининг қоидаларига мурожаат қилмас эди. Ҳеч бўлмаганда ўша ҳадис илмидаги қоидаларни биладиганга ҳам мурожаат қилмас эди. Балки нима унга ёқса, ўшани саҳиҳ дерди, гарчи у заиф бўлса ҳам ва нимани ёқтирмаса, уни заиф дерди, гарчи у "муттафақун алайҳ" бўлган ҳадис бўлса ҳам. Буларни мен (Муҳаммад Ғаззолийнинг) "Фикҳус-сийра" деган китобига ёзган муқаддимамда очиқ-ойдин баён қилганман. Бу ўша китобни тўртинчи марта нашр қилганда ундаги ҳадисларни текшириб қилган хулосам эди. Бу ишни, яъни ҳадисларни "тахриж" (текшириб) беришлигимни Ал-Азҳардаги биродарим орқали ўзи мендан сўраганди. Мен бунга дарҳол шошилдим, чунки (унинг) Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига эътибори кучайибди ва Суннатга бўлган ҳирси ошиб, китобига бирон бир Суннатдан бўлмаган нарса қўшилиб қолмасин, деган фикрда, деб ўйладим. Чунки у "тахриж" қилишлигимни қаттиқ бир тарзда сўраб, бу ишимга хурсанд бўлишини изҳор қилганди. "Ҳавла аҳадис ҳазал-китоб" ("Бу китобнинг ҳадислари ҳақида") деган боб остида нима учун заиф ҳадисларни қабул қилиб саҳиҳларини олмаганлиги ҳақидаги ўзининг манҳажини баён қилиб фақатгина ҳадиснинг матнига қараб туриб ажратганлигини айтди ва бу билан ўқувчига айтмоқчики: Ҳадисларни аҳли ҳадислар каби илмий текширишликнинг мутлақо қиймати йўқдир, модомики ҳадисга назар солган киши танқид қила олса. Аммо одамларнинг назар солишликлари фарқлидир. Яъни бир шахс бошқача назар солса, иккинчиси эса бошқачароқ назар ташлайди ва шунда ҳадис кимнингдир наздида мақбул бўлса, кимнингдир наздида қабул бўлмай қолади, ёки аксинча бўлади. Бу билан дин ҳавои нафсга айланиб, Бирон бир қоидаси ва шарти бўлмаган ва қандайдир бир шахснинг назарига эргашиладиган нарса бўлиб қолади. Яъни: "Дин нима?" – дейилса, у шахснинг назари бўлиб қолади-ку! Аммо мусулмонлар уламоларининг барчаси бу ишга қаршидирлар. "Албатта иснод диндир. Агар иснод бўлмаганда, ким хоҳласа, нимани хоҳласа гапираверади" (*Абдуллоҳ ибн Муборакнинг сўзлари*). Худи мана шу ишга Ғаззолий қўл урди, яъни хоҳлаганини гапирди, Аллоҳ уни ҳидоят қилсин! Кўпгина сийрат китоблари "мурсал" (*санадда саҳобий келтирилмаган*) ва "муъзал" (*икки ва ундан кўп ровий санаддан тушиб қолган, масалан, тобаа тобеъин тўғридан-тўғри пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган, ёки тобаа тобеъиндан пастроқдаги ровий тўғридан-тўғри пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ёки саҳобийдан ривоят қилган, ёки тобаа тобеъингача бўлган санадда икки ва ундан кўп ровий тушиб қолган*) ҳадислар билан тўлиб ётибди ва у ердаги ривоятлар заиф иснод билан келтирилган бўлиб саҳиҳ эмас. Буни билмоқчи бўлганлар манна шу китобларига бўлган тахрижимга қарашсин. Мен у ерда нима учун ўша ҳадислар заиф эканлигини кўрсатганман. Лекин шунга қарамасдан юқоридаги унвон остида бу киши айтадиларки: "Қўлимдан келганича ижтиҳод қилиб ўрта манҳажни ушлашликка ҳаракат қилдим ва бу ишимда ҳурматли масдар-негизларга суяндим. Ўйлайманки, чиройли бир нарсага эришдим. Мен шундай хабар (ҳадис-асар)ларни жамладимки, бу хабарлардан кўзи очиқ бўлган олимларнинг нафси қониқади". Ҳа, шундай деди, бошқача эмас. Агар у кишидан: "Бу ижтиҳодингизда қайси қоидага суяндингиз? У суянган қоидангиз ҳадс илмининг усули, яъни ҳадисларни саҳиҳ ёки носаҳиҳга ажратадиган ягона йўл бўлган усул эдимиз?" – деб сўралса эди. У кишининг жавоби: "У қоида менинг шахсий назарим эди", - деган сўз бўларди. Аммо шахсий назарга суянишликда эса ююрида айтилган фасод рўй беради. Бизни бундай танқидий сўзларимизга сабаб ва нима учун бундай дейишлигимизга далил шуки: у киши саҳиҳ иснод билан келмаган ҳадисларни саҳиҳ дед ива икки шайх (Бухорий ва Муслим) ривоят қилган саҳиҳ ҳадисларни эса заиф деди. Мен бундан юқорида зикр қилинган китобига ёзган муқаддимамда қайси ҳадислар ҳақида гап кетаётганлигига ишора қилганман. Унинг "Фикҳус-сийра" китоби тўртинчи марта чоп этилганида ўша муқаддима бор эди. Кейин димашқдаги "Дорул-қалам" нашриётида ва бошқаларида Чоп этиб чиқаришганида эса бояги муқаддима олиб ташланган эди. Баъзи бир

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Аллома Муҳаммад Султон Маъсумий раҳимаҳуллоҳнинг “Ҳадятул-султон ила муслимии билаадил-Жаабан” китобининг муқаддимасида:

“Узоқ Шарқдаги Япониянинг Токио ва Осакадаги мусулмонлардан менга савол келди.

Унинг маъноси: [Ислом динининг ҳақиқати нима? Мазҳабнинг маъноси нима? Ислом дини билан мушарраф бўлган (*яъни Исломга кирган*) кишига тўрт мазҳабдан бирини ихтиёр қилиш лозимми? Яъни моликий, шофеъий, ҳанафий ёки ундан бошқа бўлиши (лозимми) ёки лозим эмасми?]

(Бу саволнинг берилишига) сабаб у ерда катта ихтилоф ва хавфли низо содир бўлди. (Япон) зиёлиларининг бир гурӯҳи Ислом динига кирмоқчи ва иймон шарафи билан мушарраф бўлмоқчи бўлди ва бу таклифлари билан (Токиодаги) “Коинот” деб номланган жамъиятга мурожаат қилишди. Шунда ҳинд аҳлидан бўлган бир жамоат айтдики: “Имом Абу Ҳанифанинг мазҳабини

одамларнинг айтишига қараганда китобига муқаддимани ёздиришликдан бўлган талаби – китобини машҳурлаштириб, ўқувчиларини кўпайтиришга бўлган хоҳиши эди холос. Кўпаядиган бу ўқувчилар аслида Суннатга хизмат қиладиган, Суннатга хизмат қиладиганларнинг хизматини қадрлайдиган, Суннатни ҳимоя қиладиганларнинг ишини қадрлайдиган, саҳиҳдан заифни илмий қоидалари билан ажрата оладиган ва илмий қоидалар асосида Суннатни ҳимоя қилишда хизмат қилувчи кишиларнинг ҳаракатларини қадрлайдиган ўқувчилар бўлади. Ҳа, айнан илмий қоидалар билан, лекин Ғаззолий бу китобида қилгани каби шахсий назарлар билан ва турли хилдаги ҳавои нафслари асосида эмас. Аллоҳ уни ҳидоят қилсин!

Охирги "Ас-Суннату ан-Набавия байна аҳлил-фиқҳи ва аҳлил-ҳадис" деган китобида эса (Муҳаммад Ғаззолий) инсонларга манҳаж мўътазиллий эканлиги намоён қилди. Яъни бу киши учун ҳадис уламоларининг неча-неча йиллар давомида саҳиҳни заифдан ажратишдаги бўлган ишлари, фақиҳ уламоларнинг тузиб кетган қоидалари ва мана шу қоидаларни бўлақларга бўлиб берганлари унинг наздида ҳеч қандай қийматга эга эмаслигини намоён этди. Чунки у хоҳлаганини олиб, хоҳлаганини ташлайди ва бунда ҳеч бир уларнинг асл-негиз бўлган қоидаларига суянмади. Кўпгина фазилатли уламолар, Аллоҳ уларни мукофотласин, унга раддия беришликка бел боғлашди ва ҳайратда бўлиб, Суннатдан четга чиқиб кетган сўзларини очиқ-ойдин дона-дона қилиб тушунтириб беришди. Мана шундай раддияларнинг ичида энг чиройлиси деб топганим биродаримиз доктор Робиъ ибн Ҳодий Ал-Мадҳалийнинг Афғонистонда чиқадиган "Ал-Мужоҳид" журналининг 9, 10, 11-сонларидаги раддиясидир. Яна бир фазилатли биродаримиз Солиҳ ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад Оли Шайхнинг "Ал-Меъяр фи Ёилмил-Ғаззолий" деб номланган раддияси ҳам шунинг жумласидан.

ихтиёр қилиши керак, чунки у имомларнинг чироғидир”. Индонезия (Ява) аҳлидан бўлган бир жамоат эса: “Шофеъий бўлиши лозим!” деди. Японлар уларнинг сўзларини эшитганларида жуда ажабланишди, қасд қилган нарсасида иккиланиб қолишди ва мазҳаблар масаласи уларнинг исломга кириш йўлига тўсиқ бўлди!”

3. Бошқалар: Суннатга эргашишга ва имомларнинг гаплари Суннатга хилоф бўлса у гапларни ушламасликка бўлган чақириқнинг маъноси имомларнинг сўзларини ушлаш, уларнинг ижтиҳод ва райларидан фойдаланишни мутлақо ташлашдир, деб гумон қилди.

Мен айтаман (*Албоний*): бу гумон - ҳақдан энг узоқ бўлган нарса. Балки бу юқорида айтилган сўзлардан равшан бўлганидек, ботиллиги кўриниб турган ботилдир. Балки буларнинг ҳаммаси унинг хилофлигига далолат қилади. Биз чақираётган нарсанинг ҳаммаси фақатгина шуки, мазҳабларни дин қилиб ушлаб олмаслик ҳамда Китобу Суннат ўрнига уларни қўймасликдир. Шунга биноан тортишув пайтида ҳамда фавқулудда (кутилмаган, ногаҳон) ҳодисалар учун ҳукмларни чиқариш ирода қилинганида худди замонимизнинг фуқаҳолари қилгани каби (мусулмонлар) мазҳабларга мурожаат қилишади. Никоҳ, талоқ ва ундан бошқа шахсий ҳолатларда тўғрини хатодан, ҳақни ботилдан ажратиш учун (масалани) Китобу Суннатга қайтариш ўрнига янги ҳукмлар шу (мазҳаблар) устига қурилади. Бу нарса фақатгина “ихтилофлари раҳмат” деган йўлга қурилган! Ва улар рухсат, енгиллик ёки - улар гумон қилганидек – фойдага эргашишади. Сулаймон Таймий раҳимахуллоҳнинг сўзлари қандай ҳам гўзал: “Агар сен ҳар бир олимнинг рухсатини олганингда эди, сенда ёмонликнинг барчаси йиғилган бўларди”. Ушбу сўзга Ибн Абдулбарр: “Бу ижмоъдир. Бунга бирор бир қарама-қаршилиқни билмайман” - деб қўшиб қўйдилар. (“Жамиъу байанил-илм ва фазлихи”, 2/91-92.)

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Бу биз инкор қилаётган нарса ҳам - кўриб турганингиздек - ушбу ижмоъга мувофиқдир.

Аммо (имомлар) сўзларига мурожаат қилиш ва улардан фойдаланиш, Китобу Суннатда насс (очиқ-ойдин матн) бўлмаган ҳолда ихтилофли масалада ҳақни тушунишда уларнинг сўзларидан ёрдам сўраш ёки (бирон бир масалани) аниқлаштиришга ҳожат бўлганида уларнинг сўзларидан фойдаланишни биз инкор қилмаймиз, балки унга буюрамиз ва шунга чақирамиз. Чунки Китобу Суннатнинг ҳидояти йўлида юрганга унинг фойдаси умид қилинади.

Аллома Ибн Абдулбарр раҳимаҳуллоҳ айтдилар (2/172): “Эй биродарим, сенга аслларни сақлаш (ёдлаш) ва уларга эътибор бериш лозим бўлади! Билгинки, кимки суннатларни ва Қуръон ҳукмларини ёдласа, ҳамда фуқаҳоларнинг сўзларига назар солиб, ўз ижтиҳодида уларнинг сўзларидан ёрдам олса, назар қилиб қараш (муҳокама, мубоҳаса) йўлида ўзига калит қилиб олса, суннатларнинг эҳтимолли маъноси бор (*яъни, ҳар хил маъно келиб чиқиши мумкин бўлган*) жумлаларида тафсир қилиб олса, ва назар (мубоҳаса, муҳокама) қилишдан бошқа ҳамма ҳолларда суннатларга вожиб бўлган тақлидга ўхшаш тақлидни улардан (фуқаҳолардан) биронтасига қилмаса; уламолар ёдлаган ва тадаббур қилган суннатлардан юз ўгирмаса, баҳс, фаҳмлаш ва назарда уларга эргашса, уларнинг фойда бериш ва эътибор қаратишдаги ҳаракатларига шукр қилса; сўзларининг кўпи тўғрилиқ бўлгани учун уларга ҳамд айтса; худди улар ўзларини хатодан пок демаганларидек уларни хатодан пок демаса, бу одам салафи солиҳлар ушлаган (йўл)нинг толиби ва ушлагувчисидир. Бу киши уларнинг ҳиссасига етишувчи, рушд-ҳидоятларининг гувоҳи, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига ва саҳобалар розияллоҳу анҳум ҳидоятига эргашувчисидир.

Энди кимки ўзини назар солишлиқдан тийса ва биз зикр қилган нарсаларга қўл силтаса, суннатларга ўз райи билан қарши чиқса, Суннатларгаю ўз райи билан қарши чиқса, ана шу одам адашгандир ва адаштиргувчидир. Бунинг устига яна кимки бундан жоҳил-беҳабар бўлса ва илмсиз равишда фатво беришга журъат қилса, у кўрларнинг кўри, йўлдан энг қаттиқ адашгандир”.

Бу махфий қолмаган ҳақдир,

Мени бўлиниб кетган йўллардан узоқ қил.

4. Яна баъзи тақлидчиларда кенг тарқалган ваҳм (нотўғри гумон) борки, у уларни Суннатга эргашишлиқдан тўсади. Уларга мазҳаблар Суннатга қарама-қаршилиги очиқ-равшан бўлганида: “Суннатга эргашиш мазҳаб соҳибини хатокорга чиқаришни лозим қилади” деб гумон қилишади. Уларнинг наздида хатога чиқариш имомга таъна етказиш дегани. (Улар айтадики:) мусулмонларнинг биронтасига таъна етказиш жоиз эмас экан, имомлардан бир имомга қандай қилиб таъна етказиш жоиз бўлади?

Жавоби: Бундай маъно ботилдир ва унинг сабаби эса Суннатни тушунишдан ўгирилишдир. Бўлмаса қандай қилиб ақлли мусулмон бундай гапни айтади? Ахир Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтгандирлар:

“Агар ҳоким ҳукм қилса-ю, ижтиҳод қилиб тўғри топса, унга икки ажр бўлади. Агар ҳукм қилганда ижтиҳод қилиб хато қилса, битта ажр олади”. Бухорий, Муслим (ривоят қилишган). Бу ҳадис (боягилар тушунган) маънони рад қилади ва ойдек очиқ-равшан қилиб берадики: “Фалончи хато қилди” деган сўзнинг шаръий маъноси: “Фалончи битта ажрни олди” дегани бўлади. Демак "фалончи хато қилди" деган одамнинг тушунчасида ўша фалончи ажр олган экан, қандай қилиб уни хатокорга чиқариш билан унга таъна етказилган деб гумон қилиб бўлади? Шак-шубҳа йўқки, бу гумон ботил иш бўлиб, бу

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

гумонда турган одам ундан қайтиши вожиб бўлади. Акс ҳолда у бир оддий мусулмонга эмас, балки имомларнинг катталарига: саҳобалар ва тобеъинлардан бўлган имомларга, улардан сўнг мужтаҳидлардан бўлган имомларга ва бошқа имомларга таъна етказаётган бўлади. Биз аниқ ишонамизки, ана шу буюк имомлар баъзилари баъзиларини "хато қилган" дейишарди, айримлари айримларига раддия беришарди⁵⁹. Ахир ақлли одам: "Албатта баъзилар баъзиларни таъна қилмоқда" деб айтадимми? Балки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ ҳадис собит бўлганки, ул зот Абу Бакр розияллоҳу анҳуни бир киши кўрган тушининг таъвилида хатога чиқардилар ва унга: "Баъзисида тўғри топдинг, баъзисида эса хато қилдинг" - дедилар. Бухорий ва Муслим (ривояти). Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сўз билан Абу Бакрга таъна етказган бўлдиларми?!

Ушбу гумоннинг ўз эгаларига бўлган ажабланарли таъсирларидан бири – ўша гумон мазҳабларига муҳолиф бўлган Суннатга эргашишдан уларни тўсади. Чунки уларнинг наздида Суннатга эргашишлари имомга таъна етказиш деган маънони чиқаради. Аммо Суннатга хилоф бўлса ҳам мазҳабига эргашишнинг маъноси эса у имомни эҳтиром қилиш ва улуғлаш экан! Шунинг учун улар ўша гумон қилинган таънадан қочиб унга тақлид қилишда қайсарлик қилади.

Лекин улар унутиб қўйишдики – бепарволик қилишди (ёки ўзларини унутганга солишди) демайман – мана бу гумон сабабли ўша қочишган нарсаларидан ҳам ёмонроқ нарсага дуч келиб қолишди. Агар уларга бир киши айтсаки: "Демак, (сизнингча) эргашишлик ўша эргашиладиган зотни эҳтиром қилишлик экан ва унга муҳолиф бўлиш эса, унга таъна етказишлик дегани бўлса, қандай қилиб ўзларингизга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатига муҳолиф бўлишликни жоиз қилдинглар ва мазҳаб имомига

⁵⁹ Имом Музанийнинг ва Ҳофиз Ибн Ражабнинг олдин айтилган сўзларига қаранг (62-с.).

эргашишлик учун Суннатга эргашишликни тарк қилишни жоиз қилдинглар? Ваҳоланки, бу имом хатодан ва гуноҳдан сақланган эмас ва у кишига таъна етказиш куфр ҳам эмас! Агар сизларнинг наздингизга: Имомга муҳолиф бўлишлик - унга таъна етказишлик, деб тушуниладиган бўлса, унда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳолиф бўлишлик, Ул зотга таъна қилиш эканлиги бундан ҳам очикроқ-равшанроқдир. Йўқ, бу айнан куфрдир, Аллоҳ бундан асрасин!” Агарда уларга бир киши шу сўзларни айтса, улар бунга жавоб беришга қодир бўлмайди, Аллоҳим! Фақатгина бир сўзни айтишлари мумкин ва ҳалигача буни уларнинг баъзиларидан эшитяпмиз. Бу сўз: “Биз мазҳаб имомига ишониб суннатни тарк қиляпмиз, чунки у биздан кўра суннатни билгувчироқдир”.

Бу сўзга бизнинг жавобимиз кўп томонлама бўлиши мумкин эди, аммо бу билан муқаддимадаги сўзларкўпайиб кетади, шунинг учун фақат бир томонлама жавоб беришлик билан кифояланаман ва бу, Аллоҳнинг изни билан, очик баён қилиб ажратиб берувчи жавоб бўлади.

Мен айтаманки: фақатгина мазҳабингиз имоми сизлардан кўра Суннатни билувчироқ эмас. Балки ундан бошқа ўнлаб, балки юзлаб имомлар борки, улар ҳам сизлардан кўра Суннатни билувчироқ. Агар саҳиҳ суннат мазҳабларингга хилоф бўлиб келса, албатта у (суннат)ни ўша имомлардан биронтаси ушлаган бўлади. Унда сизларнинг наздларингизда имомнинг сўзини ушлаш лозимдир. Аслида ҳам ҳолат шундай. Сизларнинг ("имомнинг сўзини ушлаш лозим" деган ушбу) сўзларингиз бу ерда фойда бермайди, чунки сизларга муҳолиф одам айтади: “Биз бу суннатга фақатгина имомимиз уни олгани учун ва унга ишонганимиздан эргашдик”. У ҳолда бу (суннатни олган) имомга эргашиш суннатга қарши бўлган имомга эргашишдан кўра яхшироқ (авлороқдир). Бу эса очик-равшан бўлиб, бирон одамга махфий эмас, иншааллоҳ.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Шунинг учун мен айта оламан: албатта биз бу китобни ёздик ва у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намоз сифатида собит бўлган суннатларни жамлаган. Унга амал қилишни тарк қилишлик учун эса ҳеч кимга узр йўқ. Чунки унда уламолар тарк қилишда иттифоқ қилган нарса йўқ. Аллоҳ уларни бундан Ўз паноҳида асрасин! Балки шундай масалалар келадикки, уларни уламолардан бўлган тоифа тасдиқлаб айтган бўлади. Бордию бундай демаган олим бўлса, у маъзурдир ва бир ажр олган ҳисобланади. Бунинг сабаби эса: унга мутлақо ҳужжат келмаган бўлиши, ёки унинг наздида ҳужжатга яроқли бўлмайдиган йўл билан келган бўлиши, ёки бўлмаса уламолар наздида маълум бўлган бошқа узрлардан бир узри бўлиши мумкин. Аммо бу (имом)дан кейин кимга ҳужжат ворид бўлса, унга тақлид қилишликка узр йўқдир. Балки хатодан сақланган (зотдан келган) ҳужжатга эргашишлик вожиб бўлади. Мазкур муқаддимадан бўлган мақсад ҳам шудир. Аллоҳ аzza ва жалла айтади: **“Эй имон келтирганлар, сизларни ҳаёт бўладиган нарсага (яъни Аллоҳ Таолога ибодат қилишга, Унга ва Расулига давомли итоат қилишга) чақирганида Аллоҳ ва Расулига ижобат қилинглр. (Аллоҳнинг амри келган биринчи заҳоти рад қилишдан ҳазир бўлинглр ва) билинглрки, (у амрга бундан сўнг қайтмоқчи бўлсангизлар, у (амр)нинг ва сизларнинг ораларингиз тўсилиб қолади, қалбларингиз иккиланиб қолади) албатта Аллоҳ киши ва қалби орасини тўсиб туради (қачон ва қаерга хоҳласа қалбини ўзгартириб юборади) ва сизлар албатта Унга қайтасизлар”** (Анфол-24. Саъдий раҳимаҳуллоҳ тафсиридан). Аллоҳ ҳақни сўзлайди, У йўлга ҳидоят қилувчи, У қандай яхши Мавло ва қандай яхши ёрдам берувчидир. Мухаммадга, унинг оиласи ва асҳобларига салоту саломлар бўлсин! Бутун оламлар Роббисига ҳамдлар бўлсин!

Албоний

Каъбага юзланиш

Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам намозга турсалар фарз ва нафл намозларда Каъбага юзланардилар,⁶⁰ ҳамда ул зот соллалоҳу алайҳи васаллам шунга буюрардилар ва “намозини ёмон ўқиган”га айтдилар: “Агар намозга турсанг, таҳоратингни яхшилаб ол, кейин қиблага юзланиб такбир (яъни “Аллоҳу акбар” деб) айт”⁶¹. “Ул зот соллалоҳу алайҳи васаллам сафарда нафл намозни туяларида ўқирдилар, у қаерга қараб кетаётган бўлса ҳам (шарққа ёки ғарбга)”.⁶² Шунга ҳам Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзи нозил бўлган:⁶³

(فَأَيْنَمَا تَوَلَّوْا فَتَمَّ وَجْهَ اللَّهِ) [البقرة 115].

Баъзан “агар нафл ўқимоқчи бўлганларида қиблага юзланиб такбир айтардилар-да, кейин уловлари қаерга қараб кетаётган бўлса ўша ерга қараб намоз ўқирдилар”.⁶⁴

“Рукуъ ва саждани уловларида бошлари билан имо-ишора қилардилар, ҳамда саждалари рукуъларидан энгашишда пастроқ бўларди”.⁶⁵

“Агар фарз намозни ўқимоқчи бўлсалар, уловдан тушиб қиблага юзланардилар”.⁶⁶

⁶⁰ Бу тавотир (санаднинг ҳар бир занжирида тўрт ва ундан кўп ровийлари бор, шунинг учун ҳам ёлғонга келиша олинмайдиган) хабарлар сабабли қатъий бўлган нарсадир. Унинг далиллари кейин келади.

⁶¹ Бухорий, Муслим, Ас-Сирож, “Ирво”да (269) чиқарилган.

⁶² Бухорий, Муслим, Ас-Сирож.

⁶³ Муслим ривоят қилди, Термизий уни саҳиҳ деди.

⁶⁴ Абу Довуд, Ибн Ҳиббон “Сикот”да (12/1), аз-Зийе “Мухтарот”да ҳасан санад билан, Ибнус-Сакан уни саҳиҳ деди, Ибнул-Мулқин “Хулосатул-бадрул-мунир”да (1/22), ундан олдин Абдулҳаққ Ишбилиий “Аҳком”ида (№ 1394 менинг таҳқиқим билан), Ибнул-Ҳоний “Масоил”ида (Имом) Аҳмаддан ҳам шуни ривоят қилди (67/1).

⁶⁵ Аҳмад, Термизий. Термизий уни саҳиҳ деган.

⁶⁶ Бухорий, Аҳмад.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Қаттиқ хавф намозида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига “оёларида тик турган ҳолда ёки уловда қиблага ёки бошқа тарафга юзланиб” намоз ўқишни суннат қилиб бердилар.⁶⁷

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар (одамлар билан) аралашиб кетсангизлар, (намоз) фақат такбир ва бош билан ишора қилишдир” дедилар.⁶⁸

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтардилар: “Қибла машриқ ва мағриб орасида”.⁶⁹

Жобир розияллоҳу анҳу айтди: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда ёки сарияда эдик. Осмонимиз бўлут бўлди. Қиблани излаб унда ихтилоф қилдик. Ҳар биримиз ўз топгани билан намоз ўқиди. Ҳар биримиз жойини билишимиз учун олдидан чизиқ чизиб қўйди. Тонг отганида чизиққа қарасак, қибладан бошқа тарафга намоз ўқибмиз. Бунини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтишди. [Ул зот бизларга намозни қайта ўқишга буюрмадилар]⁷⁰ ва айтдиларки: “Намозингиз мукофотланди”.⁷¹

قد نرى تقلب وجهك في السماء فلنولينك قبلة ترضاها فول وجهك شطر المسجد الحرام [سورة البقرة (296)]

Ояти тушишидан олдин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Байтул-Мақдисга қараб намоз ўқирдилар [Каъба эса олдиларида бўларди]. Бу оят нозил бўлганида Каъбага юзландилар. Шу вақтда Қубо масжидида оодамлар

⁶⁷ Бухорий, Муслим. “Ирво”да (577) чиқарилган.

⁶⁸ Байҳақий “Саҳиҳайн” санади билан.

⁶⁹ Термизий ва Ҳоким ривоят қилиб уни саҳиҳ дейишди. “Ирвоул-ғолил фи тахририжи аҳодиси Манарис-Сабийл” (292)да чиқардим. (Яъни Мадинада турган кишининг чап томони шарқ, ўнг томони ғарб бўлса, қиблага, яъни жанубдаги Маккага юзланган бўлади.)

⁷⁰ Квадрат қавсларда турли ривоятларда келадиган қўшимчалар келтирилган.

⁷¹ Дорақутний, Ҳоким, Байҳақий, Термизий, Ибн Можа, Табароний, “Ирво”да (292) чиқарилган.

эрталабки намозни ўқиётган эди. Уларга бир киши келиб: “Дарҳақиқат, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тунда Қуръон нозил бўлди ва ул зот Каъбага юзланишга буюрилдилар. [Огоҳ бўлинглар,] Каъбага юзланинглар” деди. Уларнинг юзлари Шомга қараб турганди, улар Каъбага бурилдилар [уларнинг имоми ҳам Каъбага юзлангунича бурилди].⁷²

Қиём (намоздаги тик туриш)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда Аллоҳ Таолонинг “Аллоҳга итоат қилган ҳолда тик туринглар”⁷³ оятига бўйсунган ҳолда ҳам фарзда, ҳам нафлда тик турар эдилар.

Аммо сафарда нафл намозни уловлари устида ўқир эдилар.

Қаттиқ хавф бўлганда умматларига оёқларида тик турган ҳолда ёки уловлари устида намоз ўқишни суннат қилдилар. Бу ҳақида юқорида айтилган. Бунга Аллоҳ Таолонинг қуйидаги ояти⁷⁴ далил бўлади:

حَافِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوَسْطَى وَفُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ. فَإِنْ خِفْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا فَإِذَا أَمِنْتُمْ فَأَدْكُرُوا
اللَّهُ كَمَا عَلَّمَكُمْ مَا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ.

“Намозларни ҳар доим бекаму-кўст адо этинглар ҳамда ўрта (*аср*) намозини тўлиқ адо этинглар ва Аллоҳга итоат қилган ҳолда тик туринглар. Агар (жанг майдони каби ўринларда) чўчисангизлар, тик турган ҳолда ёки уловда ўтирган ҳолда (*намозни адо этинглар*). Қачон омон қолсангизлар, сизлар билмаган нарсаларни Аллоҳ сизларга таълим бергани каби Аллоҳни зикр қилинглар”.

⁷² Бухорий, Муслим, Аҳмад, Ас-Сирож, Табароний (2/108/3), Ибну Саъд (243/1), “Ирво” (290).

⁷³ Бақара сураси-238

⁷⁴ Бақара сураси-238-239.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлимга олиб борган касалликларида намозни ўтирган ҳолда ўқидилар.⁷⁵

Шунингдек бошқа бир пайтда касал бўлиб қолганларида намозни ўтириб ўқидилар, одамлар орқаларида тик туриб ўқишаётган эди. Шунда уларга ўтиринглар деб ишора қилдилар. Улар ўтиришди. Намоздан фориғ бўлгач, айтдилар: “Сизлар ҳозир форс ва румликлар феълени қилиб қўйяй дедингизлар. Улар подшоҳларининг олдида тик туришади, подшоҳлари эса ўтирган ҳолда бўлади. Сизлар бу ишни қилманглар. Имом фақат унга эргашилиш учун имом қилинган. Қачон у рукуъ қилса, сизлар ҳам рукуъ қилинглр. Қачон рукуъдан бошини кўтарса, сизлар ҳам кўтаринглр. Қачон ўтирган ҳолда намоз ўқиса, сизларнинг барчангиз ҳам ўтирган ҳолда намоз ўқинглр”.⁷⁶

Беморнинг ўтирган ҳолдаги намози

Имрон бин Ҳусайн розияллоҳу анҳу айтади: “Менда бавосир⁷⁷ касаллиги бор эди. Шу ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дан сўрадим. Ул Зот айтдиларки: “Тик турган ҳолда намоз ўқи. Агар қурбинг етмаса, ўтириб ўқи. Агар ўтиришга ҳам кучинг етмаса, ёнбошлаб ўқи”.⁷⁸

Яна Имрон айтдики: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўтириб намоз ўқувчи ҳақида сўрадим. Ул Зот айтдилар: “Кимки туриб намоз ўқиса, бу афзалроқдир. Кимки ўтириб намоз ўқиса, унга тик туриб намоз ўқиган кишининг ярим ажри бўлади. Кимки ётган ҳолда намоз ўқиса, унга

⁷⁵ Термизий ривоят қилиб саҳиҳ деган. Аҳмад ҳам ривоят қилган.

⁷⁶ Бухорий ва Муслим ривоятлари. Бу ҳадис “Ирвоул-Ғолил” китобимда 394-рақам билан таҳриж қилинган.

⁷⁷ Бавосир босур сўзининг кўплик шаклидир. Инсоннинг орқа аъзосининг ички томонида шиш бўлиб унда бузуқ яра бўлади. Шу шиш бор экан давони қабул қилмайди. “Фатхул-Борий” китобида ҳам мана шу таъриф берилган.

⁷⁸ Бухорий, Абу Довуд ва Аҳмад ривоятлари.

ўтириб намоз ўқиган кишининг ярим ажри бўлади”.⁷⁹ Бу ерда беморнинг намози мақсад қилинган. Анас розияллоҳу анҳу айтдики: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам беморлик сабабли ўтириб намоз ўқиётган одамлар олдига чиқиб айтдиларки: “Ўтирувчининг намози(га) тик турувчи намозининг (*ажридан*) ярмиси бўлади”.⁸⁰

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бир бемордан хабар олганларида унинг ёстиқ устига (бош қўйиб) намоз ўқиётганини кўрдилар-да, уни олиб улоқтирдилар. Шунда бемор бир ёғочни олиб унда намоз ўқимоқчи бўлганида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам уни ҳам олиб улоқтирдилар. Кейин айтдиларки: “Агар қурбинг етса, ернинг устида (сажда қилган ҳолда) намоз ўқи, йўқса, имо-ишора билан намоз ўқи. Саждангни рукуъингдан пастроқ қил”.⁸¹

Кемада намоз

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан кемадаги намоз ҳақида сўрашди. Ул зот айтдилар: “Унда (*кемада*) туриб ўқи, агар чўкиб кетишдан қўрқмасанг”.⁸²

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ёшлари улғайганларида намозда таёққа суянардилар.⁸³

⁷⁹ Бухорий, Абу Довуд ва Аҳмад ривоятлари. Ҳаттобий айтдики:

“Имроннинг ҳадисидан мақсад, фарз намозини ўқувчи бемор бўлиб у машаққат билан тик туришга имкони бор. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ўтириб ўқувчининг ажрини тик туриб ўқувчи ажрининг ярмиси қилдилар. Ўтириб ўқиш (бу ҳолда) жоиз бўлса-да, тик туришга тарғиб қилдилар”.

⁸⁰ Аҳмад ва Ибн Можа саҳиҳ санад билан.

⁸¹ Табароний, Баззор, Ибнус-Самок ва Байҳақийлар ривоят қилишди. “Саҳиҳа”да мен уни баён қилганимдек бу ҳадиснинг санади саҳиҳдир.

⁸² Ал-Баззор (68), Дорақутний, Абдулғани Макдисий «Мажмуъ»ида (2/82), Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди.

⁸³ Абу Довуд, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди. “Саҳиҳ”да келтирилган (319).

Тунги намозни тик туриб ва ўтириб ўқиш

Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг тунги намозлари узоқ туриб ўқирдилар ва узоқ ўтириб ўқирдилар. Туриб ўқиганларида рукуъни ҳам туриб қилардилар, ўтириб ўқисалар, рукуъни ҳам ўтириб қилардилар.⁸⁴

Айрим вақтларда ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтириб ўқирдилар ва ўтириб қироат қилардилар, кейин 30-40 оят қолганида шу қолган оятларни туриб ўқиб тугатардилар, сўнгра рукуъ ва сажда қилардилар. Иккинчи ракаатда ҳам шундай қилардилар.⁸⁵

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг охирида қариганларида нафлни ўтириб ўқирдилар ва бу вафотларидан бир йил олдин бўлган.⁸⁶ Ҳамда чордана қуриб ўтирардилар.⁸⁷

Оёқ кийимда намоз ўқиш ва шундай ўқишга буйруқ

Баъзан оёқ кийимда ва баъзан оёқ кийимсиз ўқиганлар.⁸⁸ Буни (оёқ кийимда намоз ўқишни) умматларига мубоҳ қилиб айтдилар: “Сизлардан бирон одам намоз ўқиса, оёқ кийимини кийиб олсин ёки уни ечиб оёқларининг орасига қўйсин, токи бошқаларга оёқ кийимларининг зиёни тегмасин”.⁸⁹

⁸⁴ Муслим ва Абу Довуд.

⁸⁵ Бухорий ва Муслим.

⁸⁶ Муслим, Аҳмад.

⁸⁷ Насоий ва Ибн Ҳузайма “Саҳих”да (2/107/1), Абдулғани Макдисий “Сунан”ларида (1/80). Ҳоким ва Заҳабий саҳих дейишди.

⁸⁸ Абу Довуд ва Ибн Мож. Таҳовий уни мутавотир дедилар.

⁸⁹ Абу Довуд, Ал-Баззор (53), Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий саҳих дейишди.

Гоҳо улар (*саҳобалари*)га бунӣ таъкидлаб (*буюриб*) айтардилар: “Яҳудларга хилоф (*тесқари*) иш тутинглар. Улар оёқ кийимда ҳам, махсида ҳам намоз ўқишмайди”.⁹⁰

Баъзан намозда туриб оёқ кийимларини ечардилар ва ва намозни давом эттирардилар, худди Абу Саъид Ал-Худрий айтганларидек: “Бир кунӣ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан намоз ўқиб турган эдилар, намознинг ичида оёқ кийимларини ечиб чап томонларига қўйдилар. Одамлар бунӣ кўриб оёқ кийимларини ечишди. Намозларини тугатганларида айтдилар: “Сизларга нима бўлди, оёқ кийимларингизларини ечдингизлар?” Улар: “Сиз оёқ кийимингизни ечганингизни кўриб биз ҳам ечдик” дейишди. Ул зот айтдилар: “Менга Жаброил келиб оёқ кийимда нажосат - ёки зиён дедилар - (бошқа ривоятда ифлослик) борлигини айтди ва мен уни ечдим. Сизлардан биронтангиз масжидга келса, оёқ кийимига қарасин, агар нажосат - ёки зиён дедилар - (бошқа ривоятда ифлослик) кўрса, оёқ кийимини артсин-да, шу (*оёқ кийим*)да намоз ўқисин”.⁹¹

Оёқ кийимларини ечганларида чап томонларига қўярдилар⁹²,

ва айтар эдиларки: “Сизлардан биронтаси намоз ўқиса, ўнг томонга оёқ кийимини қўймасин ва чап томонига қўймасин, чунки бу ҳолда у бошқа бировнинг ўнг томонида туриб қолади; фақат агар чап томонида биров турмаса (*чап томонига қўйсин*). Ёки оёғинининг орасига қўйсин”.⁹³

⁹⁰ Абу Довуд, Ал-Баззор (53), Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁹¹ Абу Довуд, Ибн Ҳузайма, Ҳоким. Ҳоким, Заҳабий ва Нававий саҳиҳ дейишди.

“Ирвоул-ғолил”да келтирилган (284).

⁹² Абу Довуд, Насоий, Ибн Ҳузайма саҳиҳ санад билан (2/110/1).

⁹³ Абу Довуд, Ибн Ҳузайма. Ҳоким, Заҳабий ва Нававий саҳиҳ дейишди. “Ирвоул-ғолил”да келтирилган (284).

Минбарда намоз

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам – бир марта – минбарда намоз ўқидилар (бир ривоятда минбарнинг уч зинапояси борлиги айтилган⁹⁴), унга кўтарилдилар, такбир айтдилар, одамлар ҳам у кишининг ортида туриб такбир айтишди, ул зот бу вақтда минбарда турар эдилар. Кейин минбарда туриб рукуъ қилдилар. Кейин (*рукуъдан*) кўтарилиб, орқалари билан юриб (*минбардан*) тушдилар-да минбар асоси олдида сажда қилдилар. Сўнгра қайтиб худди биринчи ракаатда қилганларидек намознинг охиригача қилдилар (*намоз ўқидилар*). Сўнг одамларга юзланиб дедилар: “Эй одамлар, мен буни сизлар кетимдан қайтаришингиз (эргашишингиз) ва намозимни ўрганишингиз учун қилдим”.⁹⁵

Сутра ва унинг фарзлиги

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сутрага яқин турардилар; ва у киши билан девор орасида уч зироъ (*тирсакдан қўлнинг ўрта бармоғигача бўлган масофа – бир зироъ, “Қомул-Муҳит”дан, тарж.изоҳи*) масофаси бор эди,⁹⁶ сажда ўрни билан девор ўртасида эса бир қўй ўтадиган масофа бўларди.⁹⁷

⁹⁴ Шунга биноан суннат бўйича минбарнинг уч зинапояси бўлади. Уммавийлар халифалиги вақтида улар зинапояларнинг сонини учдан кўпроқ қилишди, натижада биринчи саф бўлиниб кетди. Иккинчи бидъат шу бўлдики, улар биринчи сафни бўлмаслик учун минбарни ғарбий томонга қиладиган бўлишди. Сўнгра уни жанубий деворда балкон шаклида қиладиган бўлиб, унга деворда қилинган зина орқали чиқишарди! “Дарҳақиқат, энг яхши ҳидоят (йўл) – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидояти”. Қ. “Фатҳул-Борий”, 331/2.

⁹⁵ Бухорий, Муслим, Ибн Саъад (253/1), “Ирвоул-Фолил”да чиқарилган (545).

⁹⁶ Бухорий, Аҳмад.

⁹⁷ Бухорий, Муслим.

Айтар эдилар (*соллалоҳу алайҳи васаллам*): “Сутрасиз намоз ўқима ва ҳеч кимга олдингдан ўтишга берма, агар у (*олдингдан ўтишдан тўхтамай*) бош тортса, у билан уруш, албатта у билан йўлдоши (*шайтон*) бор”.⁹⁸

Айтар эдилар (*соллалоҳу алайҳи васаллам*): “Сизлардан биронтангиз намоз ўқиса, шайтон унинг намозини бўлмаслиги учун унга (*сутрага*) яқинлашсин”.⁹⁹

Баъзан масжидларида намоз учун устун танлардилар (*яъни олдиларида устун бўларди*).¹⁰⁰

Очиқ жойда бирон нарсани сутра қилиб олишга мумкин бўлмаганида олдиларига найзаларини тиқиб намоз ўқир эдилар ва одамлар у кишининг ортларида намоз ўқирди.¹⁰¹ Гоҳо олдиларига туяларини қўйиб намоз ўқирдилар¹⁰², ва бу намоз туялар қўрасида бўлса, мумкин эмас, чунки бундан қайтарганлар.¹⁰³

Айрим вақтда эгарларини олиб (сутра) қилиб тўғрилаб, охирги қисми (*яъни орқа суянчиғи*)га қараб намоз ўқирдилар.¹⁰⁴

Айтар эдилар: “Сизлардан биронтангиз эгарининг орқа суянчиғи каби нарсани олдига қўйса, намоз ўқийверсин ва сутранинг нариги томонидан

⁹⁸ Ибн Ҳузайма “Саҳиҳ”да яхши санад билан (1/93/1).

⁹⁹ Абу Довуд, Баззор (54 с.). Ҳоким, Заҳабий ва Нававий саҳиҳ дейишди.

¹⁰⁰ Мен айтаман (Албоний сўзлари): Ибн Ҳоний “Имом Аҳмаддан” бўлган масалаларда (66/1) айтди: “Бир куни жума намози ўқиладиган масжидда сутрасиз намоз ўқиётганимни Абу Абдуллоҳ (яъни Имом Аҳмад) кўрди. У менга айтдики: “Ўзингга бирон нарсдан сутра қўй”. Мен эгаримни сутра қилиб қўйдим”. Бунда Имомнинг катта ва кичик масжид учун сутра масалаларида фарқ йўқлигига кўрсатма бор. Ва бу ҳақиқатдир.

¹⁰¹ Бухорий, Муслим, Ибн Можа.

¹⁰² Бухорий, Аҳмад.

¹⁰³ Бухорий, Аҳмад.

¹⁰⁴ Муслим, Ибн Ҳузайма (2/92), Аҳмад

ўтаётган одам уни хавотирга солмасин”.¹⁰⁵ Бир марта ул зот дарахтни сутра қилиб намоз ўқидилар.¹⁰⁶

Баъзан ўринни сутра қилиб намоз ўқирдилар, Оиша розияллоҳу анҳу эса шу ўринда кўрпа остида ётар эди.¹⁰⁷

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч кимга ўзлари билан сутра орасидан ўтишга йўл қўймасдилар, “намоз ўқиётганларида қўй олдиларидан ўтиб кетмоқчи бўлганида сутрага қараб ҳаракат қилдилар, қоринлари деворга тегди ва қўй орқаларидан ўтди”.¹⁰⁸

(Бир куни) фарз намозни ўқиётганларида қўлларини қисдилар. Намоз ўқиб бўлгач, (саҳобалар) сўрашди: “Эй Аллоҳнинг Расули, намозда янги нарса пайдо бўлдимми?” Айтдиларки: “Йўқ, фақатгина шайтон олдимдан ўтмоқчи бўлди-ю, мен уни бўғдим ва тилининг совуғини қўлимда сездим. Аллоҳга қасамки, агар биродарим Сулаймон мендан (шу ишда) ошиб кетмаганида, мен уни масжид устунларининг бирига бойлаб қўярдим ва Мадина аҳлининг болалари уни ўраб олишарди. [Кимда-ким у ва қибла орасида бировни ўтказмасликка қодир бўлса, шуни қилсин]”.¹⁰⁹

¹⁰⁵ Муслим, Абу Довуд.

¹⁰⁶ Насоий ва Аҳмад саҳиҳ санад билан.

¹⁰⁷ Бухорий, Муслим, Абу Яъло 1107/3.

¹⁰⁸ Ибн Ҳузайма “Саҳиҳ”ларида 1/95/1, Табароний 3/140/3, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

¹⁰⁹ Аҳмад, Дорақутний ва Табароний саҳиҳ санад билан. Бу ҳадиснинг маъноси иккала саҳиҳ китобда (*яъни Бухорий ва Муслимнинг “Жомеъ”ларида*) ва бошқа манбаларда келтирилади. Бу шундай ҳадислар жумласиданки, улар сабабли қодиёнийлар кофир бўлишди. Улар (*яъни қодиёнийлар*) Қуръон ва Суннатда зикр қилинган жинларга ишонишмайди ва уларнинг очиқ далилларни инкор қилишлари маълумдир. Булар “жин” сўзини “инс” ва “башар” каби одамларнинг номларидан бири деб ҳисоблаб Қуръоннинг тафсирини ва Қуръонни тушунишни ўзгартиришди. Шу билан улар нафақат диндан, балки араб тили нахвидан ҳам чиқишди. Улар Қуръонни ўз фикри билан тушунишарди ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, саҳобалар ва уларнинг йўли билан юрганларнинг насслар (Қуръон ва Суннат матнлари)ни тушунишларига эътибор қилишмади. Қуръон, ҳадислар ва соғ ақлга зид келадиган уларнинг ёлғони тушунарлидир.

Айтардилар: “Агар бирингиз намоз ўқиб одамлардан бирон нарсани сутра қилиб олса-ю, биров олдидан (*яъни у ва сутра орасидан*) ўтмоқчи бўлса, кўкрагининг тепа қисмидан (*ёки томоғидан*) итариб юборсин, [қўлидан келганча қайтарсин], (бир ривоятда: икки марта уни тўссин, ман қилсин), агар у (*олдидан ўтмасликдан*) бўйин товласа, унда у билан уришсин, у фақатгина шайтондир”.¹¹⁰

Айтардилар: “Агар намоз ўқиётганнинг олдидан ўтувчи унга нима бўлишини билганида эди, унга қирқ давомида тўхтаб туриш (*намоз ўқиётганнинг*) олдидан ўтишидан кўра яхшироқ бўларди.”¹¹¹

Намозни нима кесади

Айтардилар: “Кишининг намозини, агар унинг олдида эгарнинг охириги (*орқа*) қисмига ўхшаш нарса турмаса, [ҳайз кўрувчи]¹¹² аёл, эшак ва қора ит кесади. Абу Зарр айтди: Мен айтдим: Эй Аллоҳнинг Расули! Қора (*итнинг*) қизилдан фарқи нима? Ул зот айтдилар: “Қора ит - шайтон”.¹¹³

Қабр қаршисида ўқилган намоз

Қабр қаршисида ўқилган намоздан қайтарар эдилар ва айтардилар: “Қабрларга қараб намоз ўқиманглар ва уларнинг устига ўтирманглар”.¹¹⁴

¹¹⁰ Бухорий, Муслим, Ибн Ҳузайма (1/94/1).

¹¹¹ Бухорий, Муслим, Ибн Ҳузайма (1/94/1).

¹¹² Балоғатга етган аёл.

¹¹³ Муслим, Абу Довуд, Ибн Ҳузайма (2/94/1).

¹¹⁴ Муслим, Абу Довуд, Ибн Ҳузайма (2/94/1).

Ният¹¹⁵

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам айтардилар: “Амаллар фақатгина ниятга қараб эътиборга олинади, ва ҳар бири кишига қилган нияти бўлади”.¹¹⁶

Такбир

Кейин ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни “Аллоҳу акбар” сўзи билан бошлардилар¹¹⁷ ва шунга, илгари зикр қилинганидек, “намозни ёмон ўқиган”ни буюрдилар ва унга айтдилар: “Одамларнинг биронтасининг намози токи таҳорат қилмаса, ва таҳоратини ўрнига қўйиб қилмаса, кейин “Аллоҳу акбар” демаса, тўлиқ бўлмайди”.¹¹⁸

Айтардилар: “Намознинг калити таҳорат, унинг таҳрими¹¹⁹ – такбир ва унинг таҳлили – салом бериш”.¹²⁰

Такбир айтганларида овозларини орқада турганлар эшитадиган даражада кўтарардилар.¹²¹

¹¹⁵ Нававий “Ровза толибийн”да (224/1) айтди: “Ният – бу намоз ўқувчининг намоз вақтидаги ҳаёлидир, ва уни қандайдир аломатлар, масалан, гапириш ва фикр қилиш ва ҳоказо, билан ажратиш керак эмас. Ниятни киши биринчи такбирда ҳаёлга келтиради”.

¹¹⁶ Бухорий, Муслим ва бошқалар, “Ирвоул-ғоил”да (22) чиқарилган.

¹¹⁷ Муслим, Ибн Можа. Бу ҳадисда намозни “Ният қилдим ...” деган сўзлар билан бошламаганларига кўрсатма бор. Ниятни талаффуз этиш одамларнинг ижмоъси билан бидъатдир. Ихтилоф фақат бу бидъатнинг яхшилиги, ёмонлигидадир. Биз Расуллуллуҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Ҳар бир бидъат залолатдир, ва ҳар бидъат залолат дўзах ўтидадир ...” деган умумий сўзлари асосида айтамызки, ибодатдаги ҳар қандай янгилик залолатдир.

¹¹⁸ Табароний саҳиҳ санад билан.

¹¹⁹ Таҳрим – ундан кейин Аллоҳ томонидан бошқа ҳаракатлар ва гаплашишни ман қилиши. Шунингдек, таҳлил - ундан сўнг бошқа ишлар ҳалол бўлади. Таҳрим ва таҳлилнинг маъноси – улардан сўнг кишига намозда ишлар ва гаплашишлар ҳаром ва ҳалол бўлади.

¹²⁰ Абу Довуд, Термизий, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди. “Ирво”да (301) чиқарилган.

¹²¹ Аҳмад, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди.

Ул зот оғриганларида Абу Бакр ул кишининг такбирларини одамларга етказиш учун овозини кўтарар эди.¹²²

Айтардилар: “Агар имом “Аллоҳу акбар” деса, “Аллоҳу акбар” деб айтинглар”.¹²³

Қўл кўтариш

Қўлларини баъзан такбир билан¹²⁴, баъзан такбирдан кейин¹²⁵, баъзан такбирдан олдин¹²⁶ кўтарардилар.

Қўлларини кўтарганларида бармоқлари ёзилган (*яъни кафтлари очиқ*) бўларди, бармоқлари эса (*кенг*) очилган ҳам бўлмаган, бир-бирига ёпишган ҳам бўлмаган.¹²⁷

Қўлларини елкаларининг қаршисигача¹²⁸ кўтарардилар, баъзан эса қулоқлари [учи] гача¹²⁹ кўтарардилар.

Ўнг қўлни чап қўлнинг устига қўйиш ва шунга буюриш

Ўнг қўлини чап қўлнинг устига қўярдилар.¹³⁰ Ва айтар эдиларки: “Ҳамма пайғамбарлар бизга ифторлик билан шошилишга, сахарликни кечиктиришга ва намозда ўнг (*қўлни*) чап қўлга қўйишни буюрарди”.¹³¹

¹²² Муслим, Насоий.

¹²³ Аҳмад ва Байҳақий саҳиҳ санад билан.

¹²⁴ Бухорий, Насоий.

¹²⁵ Бухорий, Насоий.

¹²⁶ Бухорий, Абу Довуд.

¹²⁷ Абу Довуд ва Ибн Ҳузайма (1/64, 2/62/1). Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

¹²⁸ Бухорий, Насоий.

¹²⁹ Бухорий, Абу Довуд.

¹³⁰ Муслим, Абу Довуд. “Ирво” (352).

¹³¹ Ибн Ҳиббон ва Зиё саҳиҳ санад билан.

Намоз ўқиб турган кишининг олдидан ўтиб кетаётганларида унинг чап қўли ўнг қўли устида эди. Шунда Чап қўлини олиб, ўнг қўлини чап қўлига қўйдилар.¹³²

Қўлни кўкракка қўйиш

Ўнг қўлларини чап қафтларининг орқа томонига ва билак бўғинига ва билакларига қўядилар.¹³³

“Саҳобаларини ҳам шунга буюрдилар”.¹³⁴ “Баъзан ўнг қўллари билан чап қўлларини ушлаб олардилар”.¹³⁵

“Қўлларини кўкракка қўядилар”.¹³⁶

“Қўлларни белга қўйишдан қайтардилар”¹³⁷, ва бу ул зот қилишдан қайтарган салиб (*крест*)дир.¹³⁸

¹³² Аҳмад ва Абу Довуд саҳиҳ санад билан.

¹³³ Абу Довуд, Насоий, Ибн Ҳузайма (2/54/1) саҳиҳ санад билан. Ибн Ҳиббон ҳам бу ҳадисни саҳиҳ деди (485).

¹³⁴ Молик, Бухорий, Абу Авона.

¹³⁵ Насоий ва Дорақутний саҳиҳ санад билан. Бу ҳадисда суннат бўйича ўнг қўли билан чап қўлини ушлаб олиш, ёки олдинги ҳадисдагидек ўнг қўлни чап қўлга қўйишга кўрсатма бор. Абу Ҳанифанинг кейинги (*мутааххири*) эргашувчиларидан баъзилари айтганларидек (қ. “Ҳашия Ибн Обидин алад-Дар” 1/454) бу икки ҳолатнинг ўртасидаги ҳолат эса (бош бармоқ ва жимжилоқ билан чап қўлни ушлаб олиш ва қолган уч бармоқни чап қўлга қўйиш) нотўғри ва бидъатдир. Ва бу сўз мутааххириларнинг сўзи деб ўз-ўзини алдаш керак эмас.

¹³⁶ Абу Довуд ва Ибн Ҳузайма “Саҳиҳ”ида (2/54/1), Аҳмад ва Абуш-Шайх “Тарих асбахан”да (125-с.), Термизий ҳасан санад билан. Унинг маъноси Бухорийда ва “Муъта”да келган. Танбеҳ: қўлларни кўкракка қўйиш суннатда собит бўлган, унга қарши бўлган нарса ёки саҳиҳ эмас, ё унинг асоси йўқ. Бу фикрда Исҳоқ бин Роҳавайҳ бўлган: Ал-Марвазий “Масоил”да (225-с) айтди: “Исҳоқ биз билан витр ўқирди. У қўлларини кунут дуоси учун кўтарди, кунут дуосини у рукуъдан олдин қиларди, ва қўлларини кўкракка ёки кўкракнинг остига қўяди”. Шунга ўхшашни Қози Иёз Ал-Моликий “Ал-аълам” – “Мустаҳаббат ассала” (15-с. Знчи нашр)да ривоят қилди: “Қўлларини – ўнгини чап устига бўйин олдига (*яъни кўкракнинг тепа қисмига*) қўяди”. Шунга ўхшашни Абдуллоҳ ибн Аҳмад “Масоил”да келтиради (62-с.): “Отам намоз ўқиганида ўнг қўлини чап қўлининг устига киндикдан баландроқ қўядилар”. Қ. “Ирвоул-Ғолил” (353).

Сажда ўрнига қараш. Хушуъ

Бошларини энгаштирдилар ва ер томонга қараб турардилар.¹³⁹ Каъбага кирганларида сажда ўрнидан кўзларини узмадилар, то у ердан чиқиб кетмагунларича.¹⁴⁰

Айтдилар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Намоз ўқувчининг уйида уни чалғитадиган нарса бўлмаслиги керак”.¹⁴¹ “Кўзларни осмонга кўтаришдан қайтарардилар”¹⁴² ва қайтариқни таъкидладилар, ҳатто айтдилар: “Одамлар кўзларини осмонга кўтаришдан тўхтайдилар ёки уларга кўзлари қайтиб келмайди (бир ривоятда: ёки уларнинг кўзлари олиб қўйилади)”.¹⁴³ Бошқа ҳадисда айтилади: “Агар намоз ўқисангизлар, бошқа томонларга қараманглар, албатта Аллоҳ юзини бандасининг юзига қаратади, то у бошқа томонларга қарамагунича”.¹⁴⁴ Яна бошқа томонга қараш ҳақида айтдилар: “Шайтон банданинг намозидан ўғирлаган (*қилган*) ўғрилигидир”.¹⁴⁵

Айтдилар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ юзини бандасига намоз вақтида қаратишдан тўхтамайди, то у юзини (*бошқа томонга*) ўғирмагунича. Қачон у (*банда*) юзини ўгирса, Аллоҳ унга юзини қаратишдан тўхтайди”.¹⁴⁶

“(Намозда) уч нарсадан қайтардилар: хўроз чўқиганидек чўқишдан, итга ўхшаб ўтиришдан ва тулкига ўхшаб бошқа томонларга бурилишдан”.¹⁴⁷

¹³⁷ Бухорий, Муслим, “Ирво”да чиқарилган (374).

¹³⁸ Абу Довуд, Насоий, “Ирво”да чиқарилган (374).

¹³⁹ Байҳақий ва Ҳоким. Ҳоким уни саҳиҳ деган. “Ирво” (354)га қаранг. Бунга саҳобанинг гувоҳлиги бор. Ибн Асокир ҳам келтиради (2/202/17).

¹⁴⁰ Байҳақий ва Ҳоким. Ҳоким уни саҳиҳ деган. “Ирво” (354)га қаранг.

¹⁴¹ Абу Довуд ва Аҳмад саҳиҳ санад билан.

¹⁴² Бухорий, Абу Довуд.

¹⁴³ Бухорий, Муслим, Ас-Сирож.

¹⁴⁴ Термизий, Ҳоким. Ҳоким уни саҳиҳ деган.

¹⁴⁵ Бухорий, Абу Довуд.

¹⁴⁶ Абу Довуд ва бошқалар; Ибн Ҳузайма ва Ибн Ҳиббон саҳиҳ дейишди. Қ. “Саҳиҳ ат-Тарғиб” (555).

¹⁴⁷ Аҳмад, Абу Яъло. Қ. “Саҳиҳ Тарғиб” (556).

Айтардилар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Намозни видолашув намози (*умрингнинг охирги намозинг*)ни ўқиётганинг каби, Уни (*Аллоҳни*) кўрганингдек ўқи, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўради”.¹⁴⁸ Айтардилар: “Киши фарз намозга ҳозир бўлиб, таҳоратини, хушўсини ва рукуъини чиройли қилса, фақатгина унинг олдинги қилган катта гуноҳлардан бошқа гуноҳлари кечирилади. Ва доим шундай бўлади”.¹⁴⁹

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суратлари (*нақшлари*) бўлган хомиса (*майин жун*) кийимда намоз ўқидилар ва суратларига (*нақшларига*) назарлари тушди. (*Намоздан*) тўхтаганларидан сўнг айтдилар: “Менинг бу жун кийимимни Абу Жаҳмга беринглар ва унинг анбажаания (*қаттиқ ва қўпол жун матодан тикилган нақшсиз бир рангли*) кийимини олиб келинглар. У мени ҳозиргина намозимдан чалғитди. (Бир ривоятда айтдилар: Мен намозда унинг нақшларига қарадим, улар мени чалғитишига сал қолди.)”.¹⁵⁰

“Оишада кичик хонада суратли кийим бўларди ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у томонга қараб намоз ўқигандилар. Айтдиларки: “Уни олиб ташла мендан” [дарҳақиқат, унинг суратлари намозимда кўз олдимдан кетмай турди]”.¹⁵¹

¹⁴⁸ Ал-Мухлас “Аҳодисил-Мунтақо”да, Табароний, Ривояний, Аз-Зийе “Мухтарот” китобида, Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Асокир, Ҳайтамий саҳиҳ санад билан “Усноул-мутоллуб”да.

¹⁴⁹ Муслим.

¹⁵⁰ Бухорий, Муслим, Молик. “Ирво”да чиқарилган (376).

¹⁵¹ Бухорий, Муслим, Абу Авона. Ул зот суратларини олиб ташлашни ёки уни йиртиб ташлашни буюрмадилар, балки уни (*кийимни*) олиб ташлаш билан кифояландилар. Чунки унда (*кийимда*) жонзотларнинг суратлари бўлмаган эди, Аллоҳ билгувчироқдир. Ундай (*жонзотлар*) суратларини йўқ қилишга бошқа ривоятларда (иккала “Саҳиҳ” китобда бу ҳақда ҳадислар келади) буюрганлар. Қ. “Фатхул-Борий” (321/10) ва “Ғоятул-маром фи таҳрижи аҳадисил Ҳаром ва ҳалол” (131-135).

Айтардилар: “Овқат тайёр (ҳозир) бўлганида намоз йўқ ва икки ҳожат (бавл ва катта ҳожат қистаётганида уларни)ни тўсаётган одамга намоз йўқ”.¹⁵²

Намозни очувчи дуолар

Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қироат (намоз)ни кўпгина турли дуолар билан очардилар, бу дуоларда Аллоҳни ҳамд-мақтов этардилар, такбир билан улуғлар эдилар ва сано айтардилар, ва бунга “намозни ёмон ўқиган”ни буюрдилар-да ва айтдилар: “Одамларнинг биронтасининг намози тўлиқ бўлмайди, токи Аллоҳ аzza ва жаллани улуғламагунича, ҳамд ва сано айтмагунича, ҳамда Қуръондан муяссар бўлгунича ўқимагунича ...”.¹⁵³

Баъзан битта дуони, баъзан бошқа дуони ўқирдилар ва айтардилар:

1. اللهم! باعد بيني وبين خطاياي كما باعدت بين المشرق والمغرب، اللهم! نقني من خطاياي كما ينقى الثوب الأبيض من الدنس، اللهم! اغسلني بالماء والثلج والبرد.

“Аллоҳим, мени хато-гуноҳларимдан шарқни ғарбдан узоқлаштирганинг каби, узоқлаштиргин. Аллоҳим, худди оқ кийим кирдан тозаланганидек мени хатоларимдан тозала, Аллоҳим, мени хатоларимдан сув ва қор ҳамда ёмғир билан ювгин”.¹⁵⁴ Бунни фарз намозда айтардилар.

2. ((وجهت وجهي للذي فطر السماوات والأرض حنيفاً مسلماً) وما أنا من المشركين، إن صلاتي ونسكي ومحياي ومماتي لله رب العالمين، لا شريك له، وبذلك أمرت وأنا أول المسلمين، اللهم! أنت الملك، لا إله إلا أنت، [سبحانك وبحمدك]، أنت ربي وأنا عبدك، ظلمت نفسي، واعترفت بذنبي، فاغفر لي ذنبي جميعاً؛ إنه لا يغفر الذنوب إلا أنت، واهدني لأحسن الأخلاق؛ لا يهدي لأحسنها إلا أنت، واصرف عني سيئها؛ لا يصرف عني سيئها إلا أنت، لبيك وسعديك، والخير كله في يديك، والشر ليس إليك[والمهدي من هديت] أنا بك وإليك، [لا منجأ ولا ملجأ منك إلا إليك]، تباركت وتعاليت، أستغفرك وأتوب إليك))

¹⁵² Бухорий, Муслим, Ибн Аби Шайба (2/110/12), “Ирво”да (8) ҳам чиқарилган.

¹⁵³ Абу Довуд. Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди.

¹⁵⁴ Бухорий, Муслим, Ибн Аби Шайба (2/110/12), “Ирво”да (8) ҳам чиқарилган.

“Юзимни осмонлару Ерни яратганга қаратдим, ҳаниф (якка Аллоҳга ибодат қилган), муслмон бўлган ҳолда ва мен мушриклардан эмасман. Албатта намозим, қурбонлигим, умрим ва ўлимим оламлар Роббиси бўлмиш Аллоҳникидир. Мен шунга буюрилдим ва мен муслмонларнинг (*таслим-итоат қилганларнинг*) биринчисиман.¹⁵⁵ Аллоҳим, Сен Подшоҳсан, Сендан бошқа ибодатга лойиқ зот йўқдир [Сен айбу нуқсондан поксан ва Сенга ҳамд бўлсин], Сен Роббимсан ва мен Сенинг бандангман.¹⁵⁶ Ўзимга зулм қилдим ва гуноҳларимни тан олдим. Бас, менинг барча гуноҳларимни кечиргин, албатта Сендан бошқа гуноҳларни кечирувчи ҳеч ким йўқ. Мени энг яхши хулқларга ҳидоят қил, Сендан бошқа энг яхши хулқларга ҳидоят қилувчи йўқ. Мендан ёмон хулқларни узоқ қилгин, Сендан бошқа ёмон хулқлардан йироқ қилувчи ҳеч ким йўқ. Мен олдингдаман.¹⁵⁷ Барча яхшилик Сенинг қўлингдасидир, ёмонлик Сендан эмас (*Сенга лойиқ эмас*).¹⁵⁸ Сен ҳидоят қилган киши

¹⁵⁵ Қўпчилик ривоятларда шундай келади. Баъзи ривоятларда “ва мен муслмонлардан бириман” деб келади ва бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига қўшилган ўзгартириш деб эътироф қилинади. Бунга ўзгарган ривоятларнинг ўзи далолат қилади. Намоз ўқувчи эса “мен муслмонларнинг биринчисиман” дейиши керак ва бунда ҳеч қандай кароҳият йўқ. Саҳиҳ далилларга асосланган бу фикрга баъзилар зид бўлган фикрга келишганки, гўё “мен муслмонларнинг биринчисиман” дейиш хато маънога эга: “мен шундай сифатларга эга бўлган биринчи муслмонман, бошқаларда эса мендан олдин бу сифатлар бўлмаган”. Бироқ бу ундай эмас. Унинг маъноси – Аллоҳ азза ва жаллага итоат қилишда биринчи бўлишга ҳаракат қилиш. Шунга ўхшаш маънони бошқа оятларда топамиз: “Айт, агар Аллоҳнинг фарзанди бўлса, унда мен ибодат қилувчиларнинг биринчисиман”. Ёки Мусо алайҳиссалом айтганидек: “Мен мўминларнинг биринчисиман”. Бу ундан олдин мўминларнинг бўлганлигини инкор этиш эмас, балки “Аллоҳнинг буйруқларига ҳаммадан тезроқ итоат қиламан”, дегани.

¹⁵⁶ Яъни, Зухрий айтганидек, “бошқаларга ибодат қилмайман”.

¹⁵⁷ “Лаббайка”, яъни мен Сенга итоат қиламан, ҳар бир чақирикдан сўнг. “Улиббу” – дан олинган, яъни чақирик айтилганидан сўнг бажариш. “Саъдайка”, яъни Сен рози бўлган динингнинг буйруқларига ёрдам бераман.

¹⁵⁸ Аллоҳ Таолонинг ишларида ёмонлик йўқ, Унинг барча ишлари яхшиликдир, чунки улар Адолат, Ҳикмат, Раҳматга асослангандир. Буларнинг ҳаммаси яхшилик, унда ёмонлик йўқ. Ибнул-Қоййим айтди: “У, субҳанаҳу, яхшилик ва ёмонликни яратди. Унинг баъзи бир яралмишларида ёмонлик бор, Аллоҳнинг амаллари эса бундан холи. Аллоҳ зулмдан, яъни нарсани ўрнидан бошқа жойга қўйишдан, узоқдир. У ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўяди ва буларнинг ҳаммасида фақат яхшилик бор. Ёмонлик эса зулмдир, чунки акс ҳолда у ёмонлик бўлмасди, ва у (*ёмонлик*) Унга лойиқ эмас ...”. Яна

хидоятлангандир. Сенга таваккул қиламан ва Сенга интиламан. Сендан нажот ва паноҳ фақат Сенгадир. Сен барака бергувчисан ва олийсан. Гуноҳларимни кечиришингни сўрайман ва Сенга тавба қиламан”.

Бу дуони фарз ва нафл намозларида ўқирдилар.¹⁵⁹

3. مثله دون قوله: ((أنت ربي وأنا عبدك)) إلخ ، ويزيد: ((اللهم! أنت الملك لا إله إلا أنت سبحانك وبحمدك)).

Худди шундай дуо, фақат “Сен Роббимсан ва мен Сенинг бандангман” (“*Анта роббии ва ана абдука*”) сўзлари йўқ, “Аллоҳим, Сен подшоҳсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ, Сен айбу нуқсондан поксан ва Сенга ҳамд бўлсин” (“*Аллоҳумма антал-малику, ла илаҳа илла анта*”) қўшилган.¹⁶⁰

4. مثله أيضاً إلى قوله: ((وأنا أول المسلمين)) ويزيد: ((اللهم! اهدني لأحسن الأخلاق وأحسن الأعمال؛ لا يهدي لأحسنها إلا أنت، وقتي سيئ الأخلاق والأعمال؛ لا يقي سئها إلا أنت)).

Худди шундай дуо, фақат “мен мусулмонлардан биринчисиман” деган сўзгача келганда “Аллоҳим, мени энг яхши хулқларга ва энг яхши амалларга хидоят қилгин. Бу яхшиликка мени Сендан бошқа ҳеч ким йўлламайди. Мени ёмон хулқлар ва ишлардан сақлагин, ёмонликдан Сендан бошқа ҳеч ким сақламайди”.¹⁶¹

5. ((سبحانك اللهم! وبحمدك، وتبارك اسمك وتعالى جدك، ولا إله غيرك)). وقال صلى الله عليه وسلم : (إن أحب الكلام إلى الله أن يقول العبد: سبحانك اللهم . . .)

ул киши айтди: “Агар сен: “У нима учун уни яратди, у ёмонлик-ку?” деб сўрасанг, У уни яратди ва Унинг ишида ёмонлик йўқ. Яратиш, тақдир қилиш ва У қилатёган бошқа ишлари камчилик ва нуқсонлардан холи. Ёмонлик Унинг яралмишларидан чиқади, Аллоҳнинг ҳамма ишлари эса яхшилиқдир”. Тақдир ҳақида батафсилроқ ақида бобида ўқинг.

¹⁵⁹ Муслим, Абу Авона, Абу Довуд, Насойй, Ибн Ҳиббон, Аҳмад, Шофиъий, Табароний.

Бу (дуо) нафл намозларга тегишли дейдиганларнинг даъвоси тўқимадир.

¹⁶⁰ Насойй саҳиҳ санад билан.

¹⁶¹ Насойй ва Дорақутний саҳиҳ санад билан.

“Аллоҳим, Сени айбу нуқсондан поклайман ва Сенга ҳамд айтаман. Исминг баракотли, улуғлигинг олийдир, Сендан бошқа ибодатга лойиқ зот йўқдир”.¹⁶² Айтдилар соллалоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳга энг севимли сўз банданинг “Субҳанакаллоҳумма ...” дейишидир”.¹⁶³

6. (مثله ويزيد في صلاة الليل: لا إله إلا الله (ثلاثاً) ، الله أكبر كبيراً (ثلاثاً)

Ўтган дуога ўхшаган, тунги намозларда қўшимчаси билан: “Ла илаҳа иллаллоҳ” уч марта, “Аллоҳу акбар” уч марта.¹⁶⁴

7. ((الله أكبر كبيراً، والحمد لله كثيراً، وسبحان الله بكرة وأصيلاً)) استفتح به رجل من الصحابة فقال صلى الله عليه وسلم : ((عجبت لها ! فتحت لها أبواب السماء)).

“Аллоҳу акбару кабийрон, валҳмадулиллаҳи касийрон, ва субҳаналлоҳи букротан ва асийлан”. “Аллоҳ улуғлик билан улуғ, Аллоҳга кўп ҳамдлар бўлсин, Аллоҳга эртаю кеч тасбиҳлар бўлсин”. Саҳобалардан бири намозни шундай бошлаган эди, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Мен бу сўзларга ҳайрон бўлдим, улар учун осмонлар дарвозалари очилди”.¹⁶⁵

8. ((الحمد لله حمداً كثيراً طيباً مباركاً فيه))؛ استفتح به رجل آخر، فقال صلى الله عليه وسلم: ((لقد رأيت اثني عشر ملكاً يبتدرونها أيهم يرفعها)).

Аллоҳга кўпгина гўзал ва баракотли ҳамд бўлсин. Бир киши намозини шундай бошлаганди, Пайғамбар соллалоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Ўн

¹⁶² Ибн Манда “Тавҳид” китобида (2/123) саҳиҳ санад билан, Насоий “Кун ва тун” китобида мавқуф ва марфуъ ҳолда, Ибн Касир “Жомиъул-Масанид” (3-ж., 2-боб, 235-с.). “Субҳанака” дегани Сени ҳар қандай айбу нуқсондан поклайман Сенинг ҳамдинг билан, яъни Сенинг марҳаматинг сабабли. Исминг баракотли, яъни баракотга (яхшиликка) исмларинг сабабли етишилади. Яхшилик исминг айтилган нарсалардадир. “Улуғлигинг” улуғлигингни ва (*ҳамма нарсалардан*) устунлигингни олий қилиш.

¹⁶³ Абу Довуд. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди. Ақилий айтди (241): “Кўпгина ривоятларда ҳасан санад билан билан келтирилади”. Қ. “Ирво” (241).

¹⁶⁴ Абу Довуд, Таҳовий ҳасан санад билан.

¹⁶⁵ Муслим, Абу Авона, Абу Нуъайм “Ахбору Асбаҳан” (1/210) Жобир ибн Мутъимдан, у киши буни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан нафл намозларда эшитган.

икки фариштани кўрдим, улар қай бирлари бу сўзларни кўтаради деб мусобақалашаётган эди”.¹⁶⁶

9. ((اللهم! لك الحمد، أنت نور السماوات والأرض ومن فيهن، ولك الحمد، أنت قيم السماوات والأرض ومن فيهن، [ولك الحمد، أنت ملك السماوات والأرض ومن فيهن]، ولك الحمد، أنت الحق، ووعدك الحق، وقولك حق، ولقاؤك حق، والجنة حق، والنار حق، والساعة حق، والنبيون حق، ومحمد حق، اللهم! لك أسلمت، وعليك توكلت، وبك آمنت، وإليك أنبت، وبك خاصمت، وإليك حاكمت، [أنت ربنا وإليك المصير، فاغفر لي ما قدمت وما أخرت، وما أسررت وما أعلنت]، [وما أنت أعلم به مني]، أنت المقدم وأنت المؤخر، [أنت إلهي]، لا إله إلا أنت، [ولا حول ولا قوة إلا بك])

“Аллоҳим, Сен осмонлару Ер ва уларнинг ичидагиларнинг нурисан (яъни У уларни ёритади ва ҳидоят қилади), Сенга ҳамд бўлсин, Сен осмонлару Ернинг ва уларнинг ичидагиларнинг Қоййимисан (муҳофаза қилувчисан). [Сенга ҳамд бўлсин, Сен осмонлару Ернинг ва уларнинг ичидагиларнинг Подшоҳисан]. Сенга ҳамд бўлсин, Сен Ҳақсан, Сенинг ваъданг ҳақ, Сўзинг ҳақ, Сенга йўлиқиш ҳақ, жаннат ҳақ, дўзах ҳақ, (Қиёмат) соати ҳақ, пайғамбарлар ҳақ ва Муҳаммад ҳақ. Аллоҳим, Сенга таслим бўлдим, Сенга таваккул қилдим, Сенга иймон келтирдим, Сенга тавба қилдим, Сенинг номинг билан тортишаман, Сенинг қазо-ҳукмингга мурожаат қиламан [Сен бизнинг Роббимизсан, Сенга қайтамиз, менинг олдин қилган ва кейин қиладиган гуноҳларимни, Сен яширган ва ошкор қилган гуноҳларимни кечир], [ҳамда Сен мендан кўра яхшироқ билганингни (кечир)], Сен олдинга сурувчисан ва орқага кечиктирувчисан, [Сен илоҳимсан], Сендан бошқа илоҳ йўқ, [куч ва кувват фақат Сендандир].¹⁶⁷

10. ((اللهم! رب جبرائيل وميكائيل وإسرافيل! فاطر السماوات والأرض! عالم الغيب والشهادة! أنت تحكم بين عبادك فيما كانوا فيه يختلفون؛ اهدني لما اختلف فيه من الحق بإذنك، إنك تهدي من تشاء إلى صراط مستقيم)).

¹⁶⁶ Муслим, Абу Авона.

¹⁶⁷ Бухорий, Муслим, Абу Авона, Абу Довуд, Ибн Наср, Доримий.

Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам тунги намозларда қуйидаги дуоларни ўқирдилар¹⁶⁸:

“Жиброил, Микоил ва Исрофил Роббиси бўлган Аллоҳим, Осмонлар ва Ернинг пайдо қилгувчиси, яширинган ва кўринган нарсаларнинг олими бўлмиш эй Аллоҳ, Сен Қиёмат кунда дунёдаги диний ишларда ихтилоф қилган ҳақ ва ноҳақ бандаларинг орасида савоб бериш ва азоблаш билан ҳукм қилгувчисан. Ихтилоф қилинган масалаларда Ўз изнинг (*яъни тавфиқинг ва энгиллаштиришинг*) билан мени ҳақиқат томонига ҳидоят қилгин. Шубҳасиз Сен хоҳлаган қулингни сиротул-мустақимга ҳидоят қиласан”.¹⁶⁹

11. كان يکبر عشراً، ويحمد عشراً، ويسبج عشراً، ويهزل عشراً، ويستغفر عشراً، ويقول:

((اللهم! اغفر لي واهدني وارزقني [وعافني])) عشراً، ويقول: ((اللهم! إني أعوذ بك من الضيق يوم الحساب عشراً)).

Ўн марта такбир, ўн марта ҳамд, ўн марта тасбиҳ, ўн марта таҳлил (*яъни, лаа илааҳа иллаллоҳ дейиш*), ўн марта истиғфор айтардилар, кейин ўн марта дердилар: “Аллоҳим, мени кечир, мени ҳидоят қил, мен ризқлантир [ва менга офият бер]”. Ҳамда ўн марта айтардиларки: “Аллоҳим, мен Сендан Қиёмат кунининг тор-(қийинчи)лигидан паноҳ сўрайман”.¹⁷⁰

12. ((الله أكبر [ثلاثاً] ذو الملكوت والجبروت والكبرياء والعظمة)).

“Аллоҳу акбар” (уч марта), “Мулк-подшоҳлик, итоат, кибр ва улуғлик Эгаси”.¹⁷¹

¹⁶⁸ Махфий эмаски, бу сўз мазкур дуоларни фарз намозларда айтишни инкор қилмайди.

¹⁶⁹ Муслим, Абу Авона.

¹⁷⁰ Аҳмад, Ибн Аби Шайба (2/119/12), Абу Довуд, Табароний “Ал-Авсат”да (2/62), саҳиҳ ва ҳасан санадлар билан.

¹⁷¹ Таёлусий, Абу Довуд саҳиҳ санад билан.

Қироат

Кейин Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан паноҳ сўраб айтардилар:

((أعوذ بالله من الشيطان الرجيم من همزه ونفخه ونفثه))

Тошбўрон қилинадиган шайтондан ва унинг ақлдан кеткизишидан, кибридан ва шеърияти (сехри)дан Аллоҳнинг паноҳини сўрайман.¹⁷²

وكان أحياناً يزيد فيه فيقول: ((أعوذ بالله السميع العليم من الشيطان...)).

Гоҳида (*юқоридагига*) қўшиб қўярдилар: “Аъуузу биллааҳис-самийъул-алийм минаш-шайтонир-рожийм ...”.¹⁷³

ثم يقرأ: ((بسم الله الرحمن الرحيم)) ولا يجهر بها

Кейин ўқирдилар: “Бисмиллааҳир-роҳмаанир-роҳийм” ва (*бун*
айтганларида) овозларини чиқармасдилар.¹⁷⁴

Ҳар бир оятни алоҳида-алоҳида ўқиш

Сўнгра “Фотиҳа” сурасини ҳар бир оятдан сўнг тўхтаб ўқирдилар: “Бисмиллааҳир-роҳманир-роҳийм”, сўнг тўхтардилар. Кейин ўқирдилар: “Алҳмадулиллааҳи роббил-ъааламийн” , сўнг тўхтардилар. Кейин ўқирдилар: “Ар-роҳманир-роҳийм”, сўнг тўхтардилар. Кейин ўқирдилар: “Маалики явмиддин”. Шундай қилиб суранинг охиригача ўқирдилар ва барча

¹⁷² Абу Довуд, Ибн Можа, Дорақутний, Ҳоким. Ибн Ҳиббон ва Заҳабий саҳиҳ санад билан. Қ. “Ирвоул-Ғолил” (342).

¹⁷³ Абу Довуд, Термизий ҳасан санад билан, Имом Аҳмад “Масоил Ибн Ҳоний” (1/50).

¹⁷⁴ Бухорий, Муслим, Абу Аводна, Таҳовий, Аҳмад.

қироатлари шундай бўлган, оятнинг бошида тўхтардилар ва кейинги оятга қўшиб юбормасдилар.¹⁷⁵

Баъзан (*“Маалики явмиддин” ўрнига, яъни “мим”дан сўнг мад қилиб чўзмасдан*) *“Малики явмиддин” ملك يوم الدين* деб ўқирдилар.¹⁷⁶

“Фотиҳа” сурасининг рукн (усиз намоз дуруст эмас) эканлиги ва фазилатлари

Ул зот бу суранинг шаънини улуғлаб айтардилар:

“Кимки [унда] Китоб Фотиҳасини (яъни *“Фотиҳа” сурасини*) ўқимаса, [бундан кейин] унга намоз йўқдир”.¹⁷⁷ Бошқа лафзда: “Намозида *“Фотиҳатил-Китоб”*ни ўқимаган кишига савоб йўқ”.¹⁷⁸

Гоҳо айтардилар: “Ким намоз ўқиб унда Фотиҳатил-Китобни ўқимаса, у (*намоз*) нуқсонли, нуқсонли, нуқсонли, тўлиқмасдир”.¹⁷⁹

Айтардилар: “Аллоҳ Таборака ва Таоло айтади: “Мен намозни - яъни Фотиҳани – Мен ва бандам орасида иккига бўлдим. Ярми Менга, ярми – бандамга, ва бандамга у сўраган нарсаси бўлади”. Айтдилар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ўқинглар, банда: *“Алҳамдулиллаҳи роббил-ъааламийн”* деб

¹⁷⁵ Абу Довуд, Ас-Саҳмий (64-65). Ҳоқим ва Заҳабий саҳиҳ дейишди. “Ирво”да чиқарилган (343), Абу Умар Адданий “Ал-Муқтафа” китобида (2/5) келтирган. У айтди: “Бу ҳадис кўпгина муснадларда келтирилади ва бу унга асос бўлади”, кейин давом этди: “барча имомлар – салафийлар ва шунингдек қадимги қорилар ҳар бир оятдан сўнг тўхташни маъқул кўришган, ҳаттоинки оятлар бир-бири билан маънода боғлиқ бўлса ҳам”. Мен айтаман: “Бу - бошқа (одам)лар у ёқда турсин, замонимизнинг кўпгина қорилар ташлаган суннатдир”.

¹⁷⁶ Имом Ар-Розий “Фавоид”ларида, Ибн Аби Довуд “Масоҳиф”да (6/7), Абу Нуъайм “Ахбору Асбахан”да (104/1). Ҳоқим ва Заҳабий саҳиҳ дейишди. Бу “Маалики явмиддин”ни ўқиш каби мутавотир қироатдир.

¹⁷⁷ Бухорий, Муслим, Абу Авона, Байҳақий. “Ирво”да ҳам чиқарилган (302).

¹⁷⁸ Дорақутний саҳиҳ санад билан, Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”ида, бу ҳадис бундан олдинги манбаларда ҳам келган.

¹⁷⁹ Муслим, Абу Авона.

айтади, Аллоҳ Таоло дейди: “Бандам менга ҳамд айтди”. Банда: “Ар-роҳмаанир-роҳийм” дейди, Аллоҳ айтади: “Бандам Менга мақтов-сано айтди”. Банда дейди: “Маалики явмиддийн”, Аллоҳ Таоло айтади: “Бандам мени улуғлади”. Банда: “Иййаака наъбуду ва иййаака настаъийн” дейди, [айтди:] “Бу Мен ва бандам орасида, бандамга сўраган нарсаси бўлади”. Банда айтади: “Иҳдинас-сиротол-мустақийм. Сиротоллазийна анъамта ъалайҳим, ғойрил-мағзуби ъалайҳим валаззооллийн”. [Айтди:] “Мана бу бандам учун, бандамга сўраган нарсаси бўлади”.¹⁸⁰

Айтар эдилар: “Аллоҳ азза ва жалла Уммул-Қуръон (*Қуръон онаси*, яъни “*Фотиҳа*”)га ўхшаш нарсани на Тавротда, ва Инжилда туширди. У еттита кўп такрорланадиган оятлардир¹⁸¹ [ва менга берилган Буюк Қуръондир]”.¹⁸²

Намозни ёмон ўқиган кишига уни (*Фотиҳани*) намозида ўқишга ул зот соллалоҳу алайҳи васаллам буюрдилар¹⁸³ ва уни ёдла олмайдиганга айтдиларки: “Субҳаналлоҳ, Валҳамдулиллаҳ, ва лаа илааҳа иллаллоҳу, валлоҳу акбар, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ, деб айт”.¹⁸⁴

Намозни ёмон ўқиган кишига айтдиларки: “Агар сен билан Қуръон бўлса, унда уни ўқи. Бўлмаса, Аллоҳга ҳамд айт, Унга такбир айт ва Унга таҳлил айт”.¹⁸⁵

¹⁸⁰ Муслим, Абу Авона, Молик. Бу Жобирдан Ас-Саҳмий “Тарих Жаржан”да ривоят қилинган ҳадис билан тасдиқланади (144).

¹⁸¹ Ал-Бажа айтди: “Аллоҳ Таоло айтди: “Биз сенга еттита кўп такрорланадиган оятлар ва Буюк Қуръонни бердик”. У (*Аллоҳ*) “еттита” деди, чунки унинг оятлари еттита ва “кўп такрорланадиган” деди, чунки уни ҳар ракаатда ўқишади. Уни шунингдек “Буюк Қуръон” дейишади, унинг буюклигини ажратиш ва таъкидлаш учун. Лекин шуни билиш лозимки, Қуръонга келган ҳамма нарса “Буюк Қуръон” бўлади. Шунга ўхшаб Каъбани “Аллоҳнинг уйи” дейишади, ваҳоланки барча уйлар Аллоҳникидир. Бироқ бунда унинг хослиги ва буюклиги таъкидланади”.

¹⁸² Насоий ва Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди.

¹⁸³ Бухорий, “Саҳиҳ”.

¹⁸⁴ Абу Довуд, Ибн Ҳузайма (2/80/1), Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди. Табароний. “Ирво”да чиқарилган.

¹⁸⁵ Абу Довуд, Термизий уни ҳасан деди. Санади саҳиҳ (“Саҳиҳ Абу Довуд” 807).

Имом орқасидан жаҳрий (овоз чиқариб ўқиладиган) намозда “Фотиҳа”ни ўқиш мансуҳ бўлганлиги

Имом орқасидан намоз ўқиётганларга уни жаҳрий ўқиш жоиз қилгандилар: “Бомдод намозида уни ўқидилар ва уни ўқиш ул зотга қийин бўлиб қолди. Намоздан бўшаганларида айтдилар: “Сизлар имом орқасидан қироат қиласизлар шекилли?” Биз айтдик: “Ҳа, шундай, эй Аллоҳнинг Расули”. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Бундай қилманглар, илло Фотиҳатил-Китобни [биронтангиз ўқиётган бўлса], чунки ким уни ўқимаган бўлса, унга намоз йўқ”.¹⁸⁶ Кейин эса ҳаммасини жаҳрий намозда ўқишни ман қилдилар. Бир куни уни жаҳрий ўқиган намозларини тугатганларида (баъзи бир ривоятларда бу бомдод намози эди) айтдилар: “Сизлардан биронта одам мен билан ҳозиргина ўқидими?” Бир киши: “Ҳа, мен, эй Аллоҳнинг Расули”, деди. Айтдилар: “Мен айтдим: “Ким мен билан мусобақалашмоқда?” [Абу Ҳурайра айтдилар]: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан бунини эшитганларида одамлар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан қироат қилишни тўхтатдилар – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам жаҳрий ўқиганларида. [Ва имом жаҳрий ўқимаганида ичларида ўқишди]”.¹⁸⁷

Имомнинг қироатини тинглаш унг эргашишнинг тўлиқлигидан қилдилар ва айтдиларки: “Имом фақат унга эргашиш учун (имом) қилинган, бас, агар у такбир айтса, такбир айтинглар, қироат қилса, тингланглар”.¹⁸⁸

¹⁸⁶ Бухорий “Жуз”ида, Абу Довуд, Аҳмад, Термизий ва Дорақутний ҳадисни ҳасан дейишди.

¹⁸⁷ Молик, Ҳумайдий, Бухорий “Жуз”ида, Абу Довуд, Мухаммилый (1/139/6), Термизий ҳасан деди, Абу Хотим, Ар-Розий, Ибн Ҳиббон, Ибнул-Қоййим унинг саҳиҳлигини исботлашди. Бунга Умардан бўлган ҳадис далолат қилади. Унинг охирида айтилади: “Ким мен билан Қуъон ўқишда мусобақалашди? Сизларга имомнинг қироати етарли эмасми? Албатта, имом унга эргашиш учун қилинган. Шунинг учун у ўқиса, унга қулоқ солинглар”. Бу ҳадисни Байҳақий “Намозда фарз қироат” китобида келтиради (2/344/3).

¹⁸⁸ Муслим, Абу Авона.

Худди у (*имом*)нинг орқасидан тинглашни қироат қилмаслик учун етарли қилганлари каби. Айтдиларки: “Кимнинг имоми бўлса, у (*имом*)нинг қироати унга ҳам қироатдир”.¹⁸⁹ Бу жаҳрий намоз учун.

Ичида ўқиладиган намозларда қироатнинг фарзлиги

Аммо ичида ўқиладиган намозда ул зот унда қироатни маъқулладилар, Жобир айтди: “Пешин ва аср намозларида имом орқасида биринчи иккита ракаатда Фотиҳатул-Китоб ва бир сурани, охириги иккита ракаатда эса Фотиҳатул-Китобни ўқирдик”.¹⁹⁰

Фақатгина унда (*қироатда*) шовқин (*баландроқ овозда шивирлаш*)ни ман қилдилар, қачонки, “Саҳобалари билан пешинни ўқидилар-да, айтдилар: “Қай бирларингиз “Саббиҳисма роббикал-аълаа”ни ўқиди?” Бир киши: “Мен, [яхшилиқдан бошқа нарсани хоҳламадим]” деди. Билдим, бир киши менинг қироатимга шубҳа солди”.¹⁹¹

Бошқа ҳадисда: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларида қироат қилдик [қироатимиз жаҳрий эди], айтдилар: “Мени Қуръон (*ўқиш*)да янглиштирдингизлар”.¹⁹²

Айтдилар: “Дарҳақиқат, намоз ўқувчи роббисига муножот қилади. Бас, нима билан муножот қилаётганига қараб қўйсин ва баъзиларингиз бошқаларингизга Қуръонни овоз чиқариб ўқиб (ҳалақит) бермасин”.¹⁹³

¹⁸⁹ Ибн Аби Шайба, Доракутний.

¹⁹⁰ Ибн Можжа саҳиҳ санад билан. “Ирво” (506) да чиқарилган.

¹⁹¹ Муслим, Абу Авона, Ас-Сирож.

¹⁹² Бухорий “Жуз”ида, Аҳмад, Ас-Сирож ҳасан санад билан.

¹⁹³ Молик, Бухорий, “Афъалул-ъибад”да саҳиҳ санад билан. Ичида ўқиладиган намозда қироатнинг фарзлигини биринчи сўзларида Шофиъий айтган. Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад (*ҳам фарз деган*) у келтирган ривоятда ва бу ривоятга шайх Алийул-қори ва бошқалар эътибор қаратган. Бу фикрда имом Зухрий, Молик, Ибн Муборақ, Аҳмад ибн Ҳанбал ва бир гуруҳ муҳаддислар бўлган. Шайхул-ислом Ибн Таймия ҳам бу фикрда бўлганлар.

Айтардилар: “Ким Аллоҳнинг Китобидан бир ҳарф ўқиса, унга ҳасанот бўлади. Бу ҳасанот ўнга кўпайтирилади. Мен “алиф, лам, мим”” бир ҳарф демайман, балки “алиф” ҳарф, “лам” ҳарф, “мим” ҳарф.¹⁹⁴

“Аамийн” дейиш ва имомнинг уни овоз чиқариб айтиши

Кейин “Фотиҳани ўқиб бўлганларидан сўнг, овоз чиқариб ва овозни чўзиб “Аамийн” дер эдилар”.¹⁹⁵

Имомга иқтидо қилганларга имомнинг “Аамийн” айтиши биланоқ “Аамийн” дейишга буюрардилар: “Агар имом “ғойрил-мағзуби ўалайҳим валаз-зоолийн” деса, “аамийн” денглар, [дарҳақиқат, фаришталар “аамийн” дейди, имом ҳам “аамийн” дейди] (бошқа лафзда: имом аамийн деса, аамийн денглар), кимнинг “аамийн” дейиши фаришталарнинг “аамийн”и билан мувофиқ тушса, (бир лафзда: агар бирингиз намозда “аамийн” деса ва малоикалар осмонда “аамийн” дейишса, ҳамда (“аамийн”нинг) бири бошқасига мувофиқ тушса) унинг ўтган гуноҳлари кечиради”.¹⁹⁶

Бошқа ҳадисда: “Аамийн” денглар, Аллоҳ сизларга жавоб беради.¹⁹⁷

Айтар эдилар: “Яҳудийлар сизларнинг салом беришингизга ва [имом орқасидан] “аамийн” айтишингизга ҳасад қилганидек, бошқа нарсага ҳасад қилмайдилар”.¹⁹⁸

¹⁹⁴ Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким саҳиҳ санад билан. Бу ҳадисни имом Ал-Ужурий “Адаб ҳамалатил-Қуръон”да келтирган. Ҳадис: “имомнинг орқасидан туриб қироат қилса, ўт билан тўлдирилади” тўқима ҳадисдир, унинг тушунтиришини “Силсилатул-аҳадисуз-заифа” (№569)да қ.

¹⁹⁵ Бухорий “Жуз’ул-қироат”да, Абу Довуд саҳиҳ санад билан.

¹⁹⁶ Бухорий, Муслим, Насоий, “Ирво” да чиқарилган (344).

¹⁹⁷ Муслим, Абу Авона.

¹⁹⁸ Бухорий “Адабул-муфрад”да, Ибн Можа, Ибн Ҳузайма, Аҳмад, Ас-Сирож саҳиҳ санад билан. “Аамийн”ни имомдан сўнг овоз чиқариб у билан бирга айтиш керак, кўпчилик қилганидек, ундан ошмасдан ва ундан кеч қолмасдан (*яъни имом “а” деганда иқтидо*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг (Фотиҳадан) кейинги қироатлари

Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (Фотиҳадан) кейин бошқа сура ўқирдилар, баъзан узун сура ўқирдилар, баъзан эса сафар, йўтал, касаллик, гўдакнинг йиғиси сабабли қисқа сура ўқирдилар, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтганидек: “Бир куни (*Расулulloҳ*) соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозида оз ўқидилар¹⁹⁹ (бошқа ҳадисда: (*Расулulloҳ*) соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозини ўқиб Қуръоннинг энг қисқа икки сурасини ўқидилар) Айтилди: “Эй Аллоҳнинг Расули, нима учун қисқартирдингиз?” Айтдилар: “Гўдакнинг йиғисини эшитдим-да, онаси биз билан намоз ўқияпти деб ўйладим. (*Шунинг учун*) уни (*онасини*) боласига бўшатиб беришни хоҳладим”.²⁰⁰

Айтардилар: “Мен намозга киришаман ва уни узайтиришни хоҳлайман. Кейин гўдакнинг йиғисини эшитаман-да, намозимни қисқартираман, чунки онаси унинг йиғисидан қийналишини биламан”.²⁰¹

Кўпчилик ҳолларда ул зот суранинг бошидан бошлаб у (сура)нинг охиригача етказардилар.²⁰²

қилганлар “аамийн” дейиш бошлайди ва имом билан бирга тугатади). Буни мен тўғрироқ деб ҳисоблайман, бунга мен китобларимда, жумладан “Силсилатул-аҳадисул-заифа” (952, иккинчи нашр)да айтганман. (*Бу китоб*) Аллоҳнинг раҳмати билан чоп этилиб тарқалган ва, алҳмадулиллаҳ, исломий кутубхонада пайдо бўлган “Саҳиҳут-тарғиб ват-тарҳиб”да (*“аамийн” ҳақида ёзганман*).

¹⁹⁹ Яъни енгил ўқидилар. Бу ва унга ўхшаш ҳадисларда гўдаклар масжидга киришларининг жоизлиги бор. Аммо оғизда юрган “Гўдакларингларни масжидларингиздан узоқроқ қилинлар ...” деган ҳадис (*шундай даражада*) заиф (*ки унинг заифлигига*) иттифоқнинг ҳожати йўқ. Уни заиф деганлар ичида Ибнул-Жавзий, Мунзирий, Ҳайсамий, Ибн Ҳажар Асқалоний, Бусирий. Абдулҳаққ Ишбилий: “Унинг асли йўқ” деди.

²⁰⁰ Аҳмад саҳиҳ санад билан. Бошқа ҳадисни Ибн Аби Довуд “Масаҳиф”да (2/14/4) келтирган.

²⁰¹ Бухорий, Муслим.

²⁰² Бунга кўпгина ҳадислар далолат қилади, уларнинг баъзиларини кейинроқ келтирамиз.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Айттардилар: “Ҳар бир сурага рукуъ ва саждадан унинг ҳиссасини беринглар”.²⁰³ Бир лафзда: “Ҳар бир сурага – бир ракаат”.²⁰⁴

Баъзан сурани икки ракаатга бўлардилар²⁰⁵, баъзан сурани кейинги ракаатда тўлиқ қайтарардилар²⁰⁶, гоҳида эса бир ракаатда иккита ва ундан кўпроқ сура қўшардилар.²⁰⁷

“Ансорлардан бир киши (Қубо) масжидада имом бўларди. Ҳар гал (*Фотиҳадан сўнг*) сура бошлашдан олдин “Қул ҳуваллоҳу аҳад” билан бошларди, кейин уни охирига етказиб, у билан бошқа сура ўқирди. Буни ҳар бир ракаатда қиларди. Унга соҳиблари айтди: “Сен бу сура билан бошлайсан, кейин эса бу сура сенга етади деб ўйламасдан, бошқа сура ўқийсан. Ёки сен буни ўқи, ё бўлмаса, уни қўйиб бошқасини ўқи”. У айтди: “Мен уни қўймаман. Агар мени имом бўлишимни яхши кўрсангизлар, унда мен шунини қиламан, агар ёмон кўрсангизлар, мен сизларни тарк қиламан”. Улар уни улардан энг афзали эканини кўриб бошқаси имом бўлишини ёқтиришмади. Қачонки уларнинг олдиларига Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келганларида ул зотга бунинг хабарини беришди. Айтдилар: “Эй фалончи, сени соҳибларининг буюраётган нарсани қилишдан нима тўсмоқда? Ҳар ракаатда бу сурани лозим қилаётган нарса нима?” У айтди: “Мен уни яхши кўраман”. (*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам*) дедилар: “Сенинг уни яхши кўришинг, жаннатга киритади”.²⁰⁸

²⁰³ Ибн Аби Шайба (1/100/1), Аҳмад, Абдулғани Макдисий “Сунан”да (2/9) саҳиҳ санад билан.

²⁰⁴ Ибн Наср, Таҳовий, саҳиҳ санад билан. Унинг маъноси менинг наздимда бундай: “Ҳар бир ракаатда бир сура ўқинглар, шунда ракаат тўлиқ бўлади”!

²⁰⁵ Аҳмад, Абу Яъло иккита ҳар хил санад билан, бомдод намозидаги қироатга қаранг.

²⁰⁶ Худди бомдод намозида қилганларидек, қуйига қаранг.

²⁰⁷ Қуйига қаранг.

²⁰⁸ Бухорий ва Термизий саҳиҳ санад билан.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўхшаш сураларни ва бошқаларни бир ракаатда жамлашлари

“Муфассал сураларнинг ўхшашларини бир-бири билан боғлардилар. “Раҳмон” (55:78)²⁰⁹ ва “Нажм” (53:62)ни бир ракаатда, “Иқтаробат” (54:55) ва “Ал-Ҳаққоҳ”ни (69:52) бир ракаатда, “Ат-Тур” (52:49) ва “Зарият”ни (51:60) бир ракаатда, “Иза-вақоъат” (56:69) ва “Нун” (68:52) бир ракаатда, “Саала саил” (70:44) ва “Назиъат” (79:46) бир ракаатда, “Вайлул-лил-Мутоффийн” (83:36) ва “Абаса” (80:42) бир ракаатда, “Муддассир” (74:56) ва “Музаммил”ни (73:20) бир ракаатда, “Ҳал атаа” (86:31) ва “Ла уқсииму биявмил-қийаамаҳ” (75:40)ни бир ракаатда, “Амма ятасаалуун” (78:40) ва “Вал-мурсалат” (77:50)ни бир ракаатда, “Духон” (44:59) ва “Изаш-шамсу куввирот” (81:29)ни бир ракаатда”.²¹⁰

Баъзан еттита энг узун суралардан бўлган “Бақара”, “Нисо”, “Оли Имрон” каби сураларни тунги намозлардаги бир ракаатда жамлардилар ва айтардиларки: “Намозларнинг афзали қиёми узунидир”.²¹¹

“Шундай зот ўликларни тирилтиришга қодир эмасми?” (“А лайса заалика биқоодирин ан йухиййал- мавта”) ни ўқиганларида “Субҳаанака ва балаа!” дердилар, агар: “Саббиҳисма роббикал-аълаа”ни ўқисалар, “Субҳаана роббийал-аълаа” дердилар.²¹²

²⁰⁹ Биринчи рақам – суранинг рақами, иккинчиси – оятлар сони. Биринчи рақамларш бизга ул зот (соллаллоҳу алайҳи васаллам) сураларни жамлаганларида Қуръонда келган тартибни риоя қилмасликларини кашф қилди. Бу мазкур ишнинг жоизлигига далолат қилади. Бунинг мисоли “Тунги намозда” келади, гарчи афзалроғи – жамлаганда тартибни бузмаслик бўлса ҳам.

²¹⁰ Бухорий, Муслим.

²¹¹ Муслим, Таҳовий.

²¹² Абу Довуд ва Байҳақий саҳиҳ санад билан. Ул зот буни намоз ичида ва намоздан ташқари ўқирдилар. Ибн Аби Шайба (2/132/2) ривоят қиладилар Абу Мусо Ал-Ашъарий ва Муғийрадан, иккаласи ҳам, бу фарз намозларда, деб айтарди. Шунингдек Умар ва Али (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ривоят қилинади.

Қироатда фақат “Фотиҳа” билан чекланишнинг жоизлиги

Муоз Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам билан [охирги намоз] хуфтонни ўқиб, кейин (*жйоларига*) қайтиб асҳоблари билан (*имом бўлиб*) намоз ўқирди. Бир кечада уларнинг олдиларига қайтиб намоз ўқидилар, у билан қавмларидан бир йигит намоз ўқиди [Бану Саламадан, унинг исми Салим эди]. Қачонки йигит учун намоз чўзилиб кетганида [у чиқиб] [масжид жойларининг бирида] намоз ўқиди, кейин намозни тугатиб туясининг узангидан ушлаб кетди. Муоз намоз ўқиб бўлганидан сўнг унга буни айтишганида, Муоз айтди: “Бу нифоқдир, мен албатта Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васалламга бўлган воқеа ҳақида хабар бераман”. Йигит ҳам: “Мен ҳам албатта Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васалламга бўлган воқеа ҳақида хабар бераман” деди. Эртасига иккаласи Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам олдиларига боришди. Муоз йигит қилган иши ҳақида ул зотга хабар берди. Йигит айтди: “Эй Аллоҳнинг Расули, у сенинг олдинда кўп қолиб кетади, кейин эса қайтиб бизга (*намозни*) узоқ қилади”. Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Эй Муоз, сен фитначимисан?!” Йигитга эса айтдилар: “Эй биродаримнинг ўғли, қандай қилиб намоз ўқидинг?” У айтди: “Фотиҳатул-Китобни ўқийман, кейин Аллоҳдан жаннатни сўрайман ва дўзахдан паноҳ сўрайман ҳамда сен ва Муоз нима деб ғўнғиллаётганинларни билмайман”. Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Мен ва Муоз шуни ғўнғиллаймиз, ёки шунга ўхшаш”. Йигит айтди: “Лекин (*кофирлар*) қавм(*у*) келганида ва одамларга душман келди деган хабар берилганида Муоз тез орада билади”. Жанг содир бўлиб, йигит шаҳид бўлди. Бундан сўнг Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам Муозга дедилар: “Мен ва сен тортишган одам

нима қилди?” (Муоз) айтди: “Аллоҳ рост айтди ва мен ёлғон айтдим, у шаҳид бўлди”.²¹³

Беш вақт ва бошқа намозларда жаҳрий ва ичида ўқиш

Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам бомдод намозида, шом ва хуфтон намозларининг биринчи икки ракаатларида овозларини чиқариб қироат қилардилар, пешин ва аср намозлари ҳамда шомнинг учинчи ракаати ва хуфтоннинг икки охириги ракаатларида ичларида ўқирдилар.²¹⁴

Ичларидаги қироатларини соқолларининг қимирлашларидан билишарди²¹⁵, гоҳо эса улар оятларни у кишидан эшитишарди.²¹⁶

Яна жума ва ҳайит намозларида²¹⁷, истисқо (ёмғир сўраш) намозида²¹⁸ ва кусуф (қуёш тўтилганда ўқиладиган) намозида овозларини чиқариб ўқирдилар.²¹⁹

²¹³ Ибн Ҳузайма “Саҳиҳ”ида (1634), Байҳақий саҳиҳ санад билан. Буни Абу Довуд тасдиқлайди (708 – “Саҳиҳ Абу Довуд”), қиссининг асли – “Саҳиҳайн”да (*Бухорий, Муслим*). Қўшимча: биринчиси Муслим ривоятида, иккинчиси Аҳмадда (5/74), учинчи ва тўртинчиси – Бухорийда.

²¹⁴ Бунга салафи солиҳлар йўлидан юрган барча мусулмонлар иттифоқ қилишган. Бунга саҳиҳ ҳадислар далолат қилади, бунга Нававий ишора қилган ва биз улардан баъзиларини келтирамиз. “Ирво”га ҳам қаранг (345).

²¹⁵ Бухорий, Абу Довуд.

²¹⁶ Бухорий, Муслим.

²¹⁷ Қаранг: жума ва ҳайит намозлари.

²¹⁸ Бухорий, Абу Довуд.

²¹⁹ Бухорий, Муслим.

Тунги намозда жаҳрий ва ичида қироат қилиш²²⁰

Тунги намозда эса айрим пайтда жаҳрий ўқирдилар ва айрим пайтда ичларида қироат қилардилар.²²¹

“Уйларида қироат қилганларида хона ичидагилари қироатларини эшитишарди”.²²²

Баъзан овозларини бундан кўпроқ кўтарардилар, ҳатто хонадан ташқаридагилар эшитишарди.²²³

Шунга Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумаларни буюрдилар, “тунда чиққанларида Абу Бакр олдиларидан (*ўтаётганларида у киши*) намозни жуда паст овозда ўқиётганларида ва Умар ибнул-Хаттоб розияллоҳунинг олдиларидан ўтаётганларида у киши овозини баланд қилиб намоз ўқиётган эди. Иккови Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида йиғилганларида ул зот айтдилар: “Эй Абу Бакр, олдиндан ўтаётганимда сен паст овозданамоз ўқиётган эдинг?” У айтди: “Эй Аллоҳнинг Расули, мен муножот қилган Зот мени эшитди”. Ва Умарга айтдилар: “Сени олдиндан ўтаётганимда сен намозни баланд овозда ўқиётган эдинг?” У айтди: “Эй Аллоҳнинг Расули, мен ўзимни уйғотдим ва шайтонни ҳайдадим”. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Эй Абу Бакр, овозингни сал баландлат”. Ва Умарга айтдилар: “Эй Умар, овозингни сал пасайтир”.²²⁴

²²⁰ Абдулҳаққ китобларида (90/1) айтди: “Кундузи ўқиладиган нафл намозларни, ичларида ўқиганлари бўлса керак, лекин бунга ёки жаҳрий ўқиганларига ишора қилувчи саҳиҳ ҳадис йўқ. Заиф ҳадисда ривоят қилинишича, бир куни набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Ҳузофа нафл намозни кундузи жаҳрий ўқиётганида олдиндан ўтиб қоладилар. Уло зот унга айтдилар: “Эй Абдуллоҳ, Аллоҳ эшитди, биз эшитадиган қилма”.

²²¹ Муслим ва Бухорий “Афъаалул-ъибад”да.

²²² Абу Довуд ва Термизий ҳасан санад билан “Шамоиلى Муҳаммадия” китобларида. Яъни жаҳрий ва сирли ўқишнинг ўртасида ўқиганларида хонадагилар эшитишарди.

²²³ Насоий, Термизий “Шамоил”да, Байҳақий “Далаил”да ҳасан санад билан.

²²⁴ Абу Довуд, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди.

Айтардилар: “Қуръонни овозини чиқариб ўқиётган очиқчасига садақа берувчи кабидир. Қуръонни ичида ўқувчи ичида садақа берувчи кабидир”.²²⁵

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи намозларда нима ўқирдилар

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам намозларда қайси сура ва оятларни ўқиганларига келсак, у беш вақт намоз ва бошқа намозларга қараб турланади. Қуйида шуни батафсил баён қиламиз, биринчи намоздан бошлаб.

1. Бомдод намози:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам узун муфассал сураларни ўқирдилар²²⁶, “гоҳо “Воқеа” (56:96) ва унга ўхшаш сурани икки ракаатда ўқирдилар (яъни бир сурани икки ракаатга бўлардилар)”.

“Тур” (52:49) сурасини “ҳажжатул-вадоъ” да ўқидилар²²⁷.

“Баъзан “Қоф вал-Қуръанил-мажид”(50:45)ни ёки унга ўхшашни [бииринчи ракаатда] ўқирдилар”.²²⁸

“Гоҳида “Изаш-шамсу куввирот” (81:15) каби муфассал сураларнинг қисқаларини ўқирдилар”.²²⁹

“Бир марта “Иза зулзилат” (99:8)ни ҳар бир ракаатда ўқидилар, ҳатто ҳадис ровийси: “Билмайман, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унутдиларми ёки атайин бундай ўқидиларми?” деди”.²³⁰

²²⁵ Абу Довуд, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди.

²²⁶ Насоий, Аҳмад саҳиҳ санад билан. Муфассал суралар – тўғрироғи - Қуръоннинг “Қоф”дан бошланадиган охири еттинчи қисми.

²²⁷ Бухорий, Муслим.

²²⁸ Муслим, Термизий, “Ирво”(345)да чиқарилган.

²²⁹ Муслим, Абу Довуд.

²³⁰ Абу Довуд, Байҳақий саҳиҳ санад билан. Набий соллalloҳу алайҳи васаллам бу ишнинг динда жоизлигини баён қилиш учун атайин қилганлари тушунарлидир.

“Бир марта сафарда бўлганларида “Қул аъузу бироббил-фалақ” (113:5) ва “Қул аъузу бироббиннас” (114:6)ни ўқидилар”.²³¹

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳуга айтдилар: “Намозингда муъоввизатайн (яъни “қул аъузу” билан бошланадиган охирги икки сура) ўқи [истиъоза-паноҳ сўровчи учун бу икки сурадек ёрдам берувчи роқ нарса йўқ]”.²³²

Гоҳо бундан (юқорида айтилгандан кўра) кўпроқ ўқирдилар “олтмишта ва ундан кўп оят ўқирдилар”²³³, ва баъзи ровийлар айтди: “Мен билмайман, (буни) бир ракаатда (ўқидиларми) ёки икки ракаатдами?”

“Рум” (30:60) сурасини ўқирдилар”,²³⁴ гоҳо эса “Йа син” (36:83)ни.²³⁵

Бир марта Маккада бомдод намозини ўқиб “Мўминун” сурасидан бошлаган эдилар, Мусо ва Ҳорун - Исо қиссасигача етганларида, бу ерда ровийларнинг шак-иккиланиши бор²³⁶, ул зотни йўтал тутиб рукуъ қилдилар”.²³⁷

“Айрим вақтларда “Соффот” (77:128) билан уларга имомлик қилардилар (яъни ўқирдилар)”.²³⁸

“Жума кунини намоз ўқиганларида “Алиф лам мим, танзийл - Сажда” (30:32)ни [биринчи ракаатда ва иккинчи ракаатда] “Ҳал атаа ъалал-инсаани” (31:76)ни ўқидилар”.²³⁹

²³¹ Абу Довуд, Ибн Ҳузайма (1/76/1), Ибн Бушрон “Амалий” китобида, Ибн Аби Шайба (1/176/12), Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

²³² Абу Довуд, Аҳмад саҳиҳ санад билан.

²³³ Бухорий, Муслим.

²³⁴ Насоий, Аҳмад, Баззор саҳиҳ санад билан.

²³⁵ Аҳмад саҳиҳ санад билан.

²³⁶ Мусо ва Ҳорун ҳамда Исонинг қиссаси орасида фарқ – тўрт оят.

²³⁷ Бухорий, Муслим, “Ирво” (397) да чиқарилган.

²³⁸ Аҳмад, Абу Яъло, Мақдисий “Мухтарот” китобида.

²³⁹ Бухорий, Муслим.

“Биринчи ракаатда (қироатни) узайтириб, иккинчисида қисқартирардилар”.²⁴⁰

Бомдод суннатида қироат

Аммо бомдод суннатининг ракаатларидаги қироатлари жуда енгил эди,²⁴¹ ҳатто Оиша розияллоҳу анҳо: “Фотиҳани унда ўқидиларми?” деб айтардилар.²⁴²

“Баъзан эса Фотиҳадан кейин биринчи ракаатда (3:136) “Қуулуу ааманнаа биллааҳи ва маа унзила илайнаа” оятининг охиригача, охирги ракаатда эса (3:64) “Қул йаа аҳлал-китааби таъалав илаа калиматин савааин байнанаа ва байнакум”ни оятининг охиригача ўқирдилар”.²⁴³ Ва “баъзан унинг ўрнига “Фаламмаа аҳасса Ййса минҳумул-куфро” (3:52)ни оятнинг охиригача ўқирдилар”.²⁴⁴

“Гоҳо “Қул йаа аййуҳал-каафируун” (109:6)ни биринчи ракаатда, “Қул ҳуваллооҳу аҳад”ни (112:4) иккинчи ракаатда ўқирдилар”.²⁴⁵ Айтардилар: “Бу икки сура қандай ҳам гўзал суралар”.²⁴⁶ Ҳамда “бир киши биринчи ракаатда биринчи сура (яъни “Кафирун”)ни ўқиганиниэшитиб, айтдилар: [“Бу банда роббисига иймон келтирди”. Кейин у киши (иккинчи ракаатда) бошқа иккинчи сурани (яъни “Ихлос” сурасини) ўқиди. (Ул зот) айтдилар: “Бу банда роббисини таниди”]”.²⁴⁷

²⁴⁰ Бухорий, Муслим.

²⁴¹ Аҳмад саҳиҳ санад билан.

²⁴² Бухорий, Муслим.

²⁴³ Муслим, Ибн Ҳузайма, Ҳоким.

²⁴⁴ Муслим, Абу Довуд.

²⁴⁵ Муслим, Абу Довуд.

²⁴⁶ Ибн Мож, Ибн Ҳузайма.

²⁴⁷ Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”ида, Таҳовий, Ибн Бушрон. Ҳофиз (Ибн Ҳожар)уни ҳасан деди, қ. “Аҳодисул-олияҳ” (16).

2. Пешин намози

“(Расулulloҳ) соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи икки ракаатда Фотиҳатил-Китоб билан икки сурани (яъни ҳар бир ракаатда биттадан сурани) ўқирдилар, ҳамда биринчи ракаатда (қироатни) узайтириб, иккинчисида узайтирмасдилар”.²⁴⁸

Баъзан шундай узун қилардиларки, ҳатто “пешин намози қоим қилинарди, кейин борадиган одам Бақиъга бориб ҳожатини чиқарарди, [кейин жойига келарди], сўнг таҳорат оларди, сўнг (намозга) келарди ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам узайтирганлари учун биринчи ракаатда турардилар”.²⁴⁹

“Улар (саҳобалар) бу билан одамлар биринчи ракаатга етиб олишларини хоҳлардилар, деб ўйларди”.²⁵⁰

“(Бошланғич) икки ракаатнинг ҳар бирида ўттиз оятчалик миқдорда ўқирдилар; бунинг миқдори “Сажда” (32:30) ва “Фотиҳа” каби эди”.²⁵¹

Гоҳида “Вас-самааи ват-тоориқ”, “Вас-самааи затил-бурӯуж”, “Вал-лайли иза яғшаа” ва уларга ўхшаш сураларни ўқирдилар”.²⁵²

Баъзан “Изас-самааун-шаққот”ни ва унга ўхшашларни ўқирдилар”.²⁵³

“Ул зотнинг қироатларини пешин ва асрда соқолларининг қимирлашларидан билишарди”.²⁵⁴

²⁴⁸ Бухорий, Муслим.

²⁴⁹ Муслим, Бухорий “Қироат жузъида”.

²⁵⁰ Абу Довуд саҳиҳ санад билан, Ибн Ҳузайма (1/165/1).

²⁵¹ Аҳмад, Муслим.

²⁵² Абу Довуд, Термизий. Термизий ва Ибн Ҳузайма уни саҳиҳ дейишди (2/67/1).

²⁵³ Ибн Ҳузайма “Саҳиҳ”ида (1/67/1).

²⁵⁴ Бухорий, Абу Довуд.

(*Расулulloҳ*) соллалоҳу алайҳи васалламнинг охирги икки ракаатда “Фотиҳа”дан сўнг оятлар ўқишлари

“Охирги икки ракаатни бошланғич икки ракаатлардан кўра ярим баробаричалик қисқа қилардилар; ўн беш оятча миқдорида”,²⁵⁵ баъзан эса (“Фотиҳа”гача) қисқартирардилар.²⁵⁶

“Фотиҳа”ни ҳамма ракаатда ўқиш фарзлиги

“Намозни ёмон ўқиган”га “Фотиҳа”ни ҳар ракаатда ўқишни буюрганлар, биринчи ракаатда уни ўқишга буюрганларида²⁵⁷ (*шундай*) деганлар: “Кейин шуни ҳамма намозларингда қил”.²⁵⁸ Бир ривоятда: “ҳар бир ракаатда” дейилган.²⁵⁹

“Баъзан улар (*яъни саҳобалар*) оят эшитишарди”.²⁶⁰

“Ундан “Саббиҳисма роббиқал-аъла” (87:19), “Ҳал атаака ҳадисул-ғоошиях” (88:26)ни ўқиганларидаги овозни эшитишарди”.²⁶¹

“Айрим пайтда “Вас-самааи затил-буруж” (85:22) ва “Вас-самааи ват-ториқ” (86:17) ва унга ўхшаш сураларни ўқирдилар”.²⁶²

²⁵⁵ Аҳмад, Муслим. Бунда охирги икки ракаатда “Фотиҳа”дан бошқа оятларни ўқиш суннат эканлигига далил бор. Бу фикрда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу каби саҳобалар ҳамда Имом Шофиъий туришган. Охирги ракаатларда “Фотиҳа”дан сўнг оятларни ўқиш ҳамма намозларда суннатдир. Бу фикрда тобеъинлардан сўнг келган Абулҳасанот Лакнавий каби олимлар бўлишган. Бу киши “Толиқул-муажжид” (с. 102) да: “Бизнинг баъзи замондошларимиз намознинг охирги ракаатларида “Фотиҳа”дан сўнг оятлар ўқилса саждаи саҳв вожиб деб ҳисоблаб хато қилишди”. “Ал-Муния” китобидаги Иброҳим Ал-Ҳалабийнинг, Ибн Амир Ҳаж ва бошқаларнинг раддиялари етарли. Бундай (*яъни бу суннатни рад этган*) гапирган одам, шубҳасиз, ёки ҳадисни билмайди, ё агар билса, унга амал қилмайди.

²⁵⁶ Бухорий, Муслим.

²⁵⁷ Абу Довуд, Аҳмад кучли санад билан.

²⁵⁸ Бухорий, Муслим.

²⁵⁹ Аҳмад жайид санад билан.

²⁶⁰ Бухорий, Муслим.

²⁶¹ Ибн Ҳузайма “Саҳиҳ”ида (2/67/1), Аз-Зиёул-Мақдисий “Мухтарот” китобида саҳиҳ санад билан.

²⁶² Бухорий “Жузъул-Қироат”да, Термизий уни саҳиҳ деди.

“Баъзан “Вал-лайли иза яғша” (92:21) ва унга ўхшаш сураларни ўқирдилар”.²⁶³

3. Аср намози

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошланғич икки ракаатда “Фотиҳатул-Китоб”ни ўқирдилар, ва икки сурани (*ҳар сурадан бир ракаатга биттадан*), ҳамда биринчи ракаатни иккинчисидан узунроқ қилардилар.²⁶⁴ Улар (*саҳобалар*) буни ул зот одамлар (*биринчи*) ракаатга етиб олишларини хоҳлаб қилардилар деб ўйлашарди.²⁶⁵

“(Аввалги икки) ракаатларнинг ҳар бирида ўн беш оят миқдорида ўқирдилар; пешин намозининг аввалги икки ракаатида ўқиганларининг ярмиси миқдорида”.

“Охирги икки ракаатларни аввалги икки ракаатлардан кўра икки баробар қисқартирардилар”.²⁶⁶

“Бу (*охирги икки ракаат*)ларнинг ичида (*фақат*) Фотиҳатул-Китобни ўқирдилар”.²⁶⁷

“Баъзан уларга (*охирги икки ракаатларда Фотиҳадан сўнг*) оят эшитиларди”.²⁶⁸

“Пешин намози”да зикр қилган сураларни ўқирдилар.

²⁶³ Муслим, Таёлусий.

²⁶⁴ Бухорий, Муслим.

²⁶⁵ Абу Довуд саҳиҳ санад билан, Ибн Ҳузайма.

²⁶⁶ Аҳмад, Муслим.

²⁶⁷ Бухорий, Муслим.

²⁶⁸ Бухорий, Муслим.

4. Шом намози

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унда баъзан қисқа муфассал сураларни ўқирдилар”,²⁶⁹ ҳатто ул зот билан намоз ўқишса, кейин намоз тугатишганида, бир киши ўқнинг тушган жойини кўриши мумкин эди.²⁷⁰ “Сафарда иккинчи ракаатда “Ват-тийни ваз-зайтун”ни ўқидилар”.²⁷¹ Гоҳо узун муфассал ва ўрта муфассални ўқирдилар, “бир марта “аллазийна кафаруу ва соддуу ан сабийлиллаҳ”(47:38)ни ўқидилар”²⁷², бир марта “Ват-Тур” (52:49)ни ўқидилар.²⁷³

Баъзан “Вал-мурсалот”(77:50)ни ўқидилар, ва бу сурани ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охирги намозларида ўқиганлар.²⁷⁴

“Баъзан иккита узундан-узун”²⁷⁵ суралардан (*бирини*): [“Аъроф” 7:206] [икки ракаатда] ўқирдилар”²⁷⁶. Гоҳо “Анфол”(8:75)ни икки ракаатда ўқирдилар.²⁷⁷

Шомнинг суннатидаги қироат

Шомнинг суннатида эса “Қул йаа аййухал каафируун” (109:6) ва “Қул ҳуваллоҳу аҳад”(112:4)ни ўқирдилар”.²⁷⁸

5. Хуфтон

“Аввалги икки ракаатда ўрта муфассал сураларни ўқирдилар”,²⁷⁹ гоҳо “Ваш-шамси ва зуҳааҳаа”(91:15)ни ва унга ўхшашларни ўқидилар”.²⁸⁰

²⁶⁹ Бухорий, Муслим.

²⁷⁰ Насоий ва Аҳмад саҳиҳ санад билан.

²⁷¹ Таёлусий, Аҳмад саҳиҳ санад билан.

²⁷² Бухорий, Муслим.

²⁷³ Бухорий, Муслим.

²⁷⁴ Бухорий, Муслим.

²⁷⁵ Иттифоқ бўйича булардан бири “Аъроф”, иккинчиси – кучлироқ фикр бўйича “Анъом”, “Фатҳул-Борий”да тушунтирилган.

²⁷⁶ Бухорий, Абу Довуд, Ибн Ҳузайма (1/68/1), Аҳмад, Сирож, Мухлис.

²⁷⁷ Табароний “Кабир”да саҳиҳ санад билан.

²⁷⁸ Аҳмад, Насоий, Макдисий.

²⁷⁹ Насоий, Аҳмад саҳиҳ санад билан.

²⁸⁰ Аҳмад, Термизий. Термизий уни саҳиҳ деди.

Набий соллалоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

“Баъзан “Изас-самааун-шаққот”(84:25)ни ўқирдилар ва уни ўқиётганларида сажда қилардилар”.²⁸¹

“Бир марта сафарда “Ват-тийни ваз-зайтун”(95:8)ни [биринчи ракаатда] ўқидилар”.²⁸²

Бу намозда қироатни чўзишдан қайтардилар: “Муоз ибн Жабал соҳибларига хуфтонни ўқиб бердилар ва уни чўзиб юбордилар. Ансорлардан бир киши чиқиб намозни (*алоҳида*) ўқиди. Муозга у ҳақда хабар беришди. У айтди: “Дарҳақиқат, у мунофиқдир”. Бу хабар бояги кишига етиб келганида, у Росулulloҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига кириб Муоз айтган нарса ҳақида хабар берди. Набий соллалоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Эй Муоз, фитначи бўлмоқчимисан?” Агар одамларга имом бўлсанг “Ваш-шамси ва зуҳааҳаа” (91:15), “Саббиҳисма роббикал-аълаа” (77:19), “Иқро бисми роббика” (96:19), “Вал-лайли иза яғшаа”(92:21)ни ўқи, [албатта ортингдан кексалар, кичиклар ва ҳожатмандлар намоз ўқийди].²⁸³

6. Қиёмул-лайл (тунги намоз)

“Росулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам баъзан қироатни жаҳрий қилардилар, гоҳида эса ичларида қилардилар; қироатни гоҳ қисқартирардилар, гоҳ чўзардилар. Баъзан эса шундай даражада узайтирардиларки, ҳатто Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтди: “Бир тунда Набий соллалоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқидим; ул зот қиёмда тушдан тўхтамадилар, ҳатто ёмон иш қилиш ҳаёлимга келди. У кишига айтилди: “Нимани ҳаёл қилдинг?” (*Абдуллоҳ ибн Масъуд*) айтди: “Мен

²⁸¹ Бухорий, Муслим, Насоий.

²⁸² Бухорий, Муслим, Насоий.

²⁸³ Бухорий, Муслим, Насоий. “Ирво”да ҳам чиқарилган.

ўтириб Набий соллалоҳу алайҳи васалламни (*тик туришда*) қолдирмоқчи эдим”.²⁸⁴

Ҳузайфа ибнүл-Ямон айтади: “Бир тунда Набий соллалоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқидим. “Бақара” билан бошладилар. Мен юзинчи оятда рукуъга борадилар деб ўйладим. Кейин давом этдилар. Мен: [икки ракаатда] уни ўқийдилар деб ўйладим. Кейин давом этдилар. Мен (*уни тугатиб*) рукуъга борадилар деб ўйладим. Сўнг “Нисо”ни ўқишни бошладилар, кейин уни ўқиб бўлдилар, “Оли Имрон”ни бошладилар, кейин уни ўқиб бўлдиларю Қироатни аста-секин (*шошмасдан*) қилардилар. Тасбиҳ оятларидан ўтганларида (*ўқиганларида*), тасбиҳ айтардилар. Сўраш (*дуо*) оятларидан ўтганларида сўрардилар, паноҳ сўраш (*таъаввуз*) оятларидан ўтганларида паноҳ сўрардилар. Кейин рукуъ қилдилар...”²⁸⁵

“Тунда еттита узун сурани ўқидилар”.²⁸⁶ “Баъзан тунги намозларда бу суралардан ҳар ракаатда ўқирдилар”.²⁸⁷ “Бутун Қуръонни тунги намозда ўқиганлари [ҳечам] маълум эмас”,²⁸⁸ балки Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳуга бу ишни қилишни ман қилдилар: “Қуръонни ҳар ойда ўқи”. (*Абдуллоҳ ибн Умар*) айтди: Мен айтдим: “Менда (*бундан ҳам кўпроқ ўқишга*) куч бор”. (*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*) айтдилар: “Йигирма тунда ўқи”. (*Абдуллоҳ ибн Умар*) айтди: Мен айтдим: “Менда (*бундан ҳам кўпроқ ўқишга*) куч бор”. (*Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам*) айтдилар: “Етти (*тунда*) ўқи ва бундан кўп қилма”.²⁸⁹ “Кейин унга беш кунда ўқишни рухсат бердилар”.²⁹⁰ “Сўнг унга уч кунда ўқишни рухсат бердилар”,²⁹¹ ҳамда бундан

²⁸⁴ Бухорий, Муслим.

²⁸⁵ Муслим, Насоий.

²⁸⁶ Абу Яъло, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди. Бу ерда “Бақара”, “Оли Имрон”, “Нисо”, “Моида”, “Анъом”, “Аъроф”, “Тавба” суралари назарда тутилмоқда.

²⁸⁷ Абу Довуд, Насоий саҳиҳ санад билан.

²⁸⁸ Муслим, Абу Довуд.

²⁸⁹ Бухорий, Муслим.

²⁹⁰ Насоий, Термизий. Термизий уни саҳиҳ деди.

²⁹¹ Бухорий, Аҳмад.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

оз ўқишдан қайтардилар²⁹², унга буни қуйидагиларни айтганларида тушунтирдилар: “Ким Қуръонни уч (*кундан*) озроғида ўқиса, уни тушунмабди”.²⁹³ Бошқа лафзда: “Ким Қуръонни уч (*кундан*) камроғида ўқиса, уни тушунмайди”.²⁹⁴ “Албатта ҳар бандада ғайрат-ҳаракатчанлик²⁹⁵ бўлади, ва ҳар бир ғайрат-ҳаракатчанлик тушиш-заифлик (*вақтлари*) бўлади. У (*заифлик*) ё суннатга йўналтирилган, ё бидъатга йўналтирилган бўлади. Кимнинг (*заифлик пайти*) суннатга йўналтирилган бўлса, у ҳақиқатан ҳам ҳидоят топди. Кимнинг заифлик пайти ундан (*суннатдан*) бошқа нарсага йўналтирилган бўлса, у, дарҳақиқат, ҳалок бўлибди”.²⁹⁶

Шунинг учун “(*Набий*) соллаллоҳу алайҳи васаллам уч кундан озроқда Қуръонни ўқимасдилар”.²⁹⁷

Айтардилар: “Ким тунда юз оят ўқиса, қонит (*ибодатли, итоатли*), ихлосли деб ёзилади”.²⁹⁸

“Ҳар тунда “Бани Исроил”(17:111) ва “Зумар”(39:75)ни ўқирдилар”.²⁹⁹

Айтардилар: “Ким тунда юз оят ўқиса, ғофиллардан деб ёзилмайди”.³⁰⁰

²⁹² Доримий, Саид ибн Мансур “Мажмуъ”сида саҳиҳ санад билан.

²⁹³ Аҳмад саҳиҳ санад билан.

²⁹⁴ Доримий, Термизий. Термизий уни саҳиҳ деди.

²⁹⁵ Ёшларнинг ҳаракатчанлиги кўпроқ бўлади (Абдуллоҳ ибн Умар у пайтда ёш йигит эдилар). Имом Таҳовий айтдилар: “Бу мусулмонлар Роббилари азза ва жаллага яқинлашиш учун қилинадиган амалларда ўзларидан талаб қиладиган ғайратчанликдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан қисқа вақт давом этадиган ҳаракатчанликни хоҳламадилар, балки Роббиларига йўлликқунларича қиладиган солиҳ амалларга буюрдилар. Ул зотдан ривоят қилинади: “Аллоҳга энг суюмли амаллар давомли бўлганларидир, гарчи кам бўлса ҳам”. Бу саҳиҳ ҳадисни Оиша (*розияллоҳу анҳо*) ривоят қилди, муттафақун алайҳ”.

²⁹⁶ Аҳмад, Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”ида.

²⁹⁷ Ибн Саъд (376/1), Абуш-Шайх “Ахлоқун-набий”(281)да.

²⁹⁸ Доримий, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди.

²⁹⁹ Аҳмад, Ибн Наср саҳиҳ санад билан.

³⁰⁰ Доримий, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди.

“Баъзан ҳар ракаатда эллик ёки ундан кўпроқ оят миқдорида ўқирдилар”.³⁰¹

Гоҳо “Йа аййухал-муззаммил” (73:20) миқдорида ўқирдилар”.³⁰²

“Тун бўйи намоз ўқимасдилар”, фақат жуда кам ҳолларда³⁰³. “Абдуллоҳ ибн Ҳаббоб ибнүл-Арт – у Бадрда Росулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлганди - Росулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам тун бўйи кузатди (бир лафзда: бутун тунни намоз ўқидилар), ҳатто бомдодга етдилар. Намоздан салом берганларида Ҳаббоб айтди: “Эй Аллоҳнинг Расули, ота-онам сизга фидо бўлсин, бу тунда шундай намоз ўқидингиз, мен бундай намоз ўқиганингизни кўрмадим?” Айтдилар: “Чунки бу намоз интилиш ва қўрқув намози бўлди. [Ва мен] роббим азза ва жалладан уч нарса сўрадим. Ул зот менга иккитасини бериб учинчисини бермади: мен роббимдан бизни биздан олдинги умматлар каби ҳалок қилмасликни сўрадим. (Бир лафзда: “умматимни ишлари учун ҳалок қилмасликни” дейилган.) Шунини менга берди. Роббим азза ва жалладан ўзимиздан бўлмаган душманларни ўстимизга ғолиб қилмасликни сўрадим. Шунини менга берди. Роббимдан фирқаларга бўлинмаслигимизни сўрадим, уни менга бермади”.³⁰⁴

“Тунда бир оятни қайтаравериб тонг отиб қолгунча қоим бўлдилар:

³⁰¹ Бухорий, Абу Довуд.

³⁰² Аҳмад, Абу Довуд саҳиҳ санад билан.

³⁰³ Муслим, Абу Довуд. Мен айтаман: “Бу ва бошқа ҳадисларда доим ёки кўп ҳолларда тун бўйи намозда қоим бўлиш макруҳлигига ишора бор. Чунки бу суннатга мувофиқ бўлмайди. Агар бу фазилятли бўлганида эди Набий соллалоҳу алайҳи васаллам албатта бу ишни қилган бўлардилар. Албатта ҳидоятларнинг яхшиси Муҳаммад пайғамбар (соллалоҳу алайҳи васаллам)нинг ҳидоятидир. Абу Ҳанифа раҳмаҳуллоҳдан, у киши бомдони хуфтоннинг таҳорати билан қирқ йил давомида намоз ўқиганлари ҳақида келтириладиган ривоят билан алданмаслик керак. Бундай қилишларига асос йўқ. Файрузободий “Рад ʼала-муътарид”даги сўзлари: “Бу имомга тўғри келмайдиган аниқ ёлғондир. Шу иш мақталадиган иш эмас, имом эса ундан ҳам яхшироғига ҳақлироқдир. Шубҳасиз, ҳар бир намозга таҳоратни янгилаш яхшироқдир. Қандай қилиб у киши буни қирқ йил давомида қилмаган бўлсалар! Бу хато ва бу имомларни кўр-кўрона улугладиган жоҳилларнинг тўқимасидир. Улар буни Абу Ҳанифа ва бошқалар ҳақида гапиришади. Буларнинг ҳаммаси ёлғондир”.

³⁰⁴ Насоий, Аҳмад, Табароний (2/187/1), Термизий. Термизий уни саҳиҳ деди.

إن تعذبهم فإنهم عبادك وإن تغفر لهم فإنك أنت العزيز الحكيم

“Агар уларни азобласанг, улар Сенинг бандаларинг. Агар уларни кечирсанг, албатта, Сен Азиз, Ҳақимсан” (5:118), [шу оят билан рукуъ қилардилар, у билан сажда қилардилар, у билан дуо қилардилар], [тонг отганда Абу Зарр розияллоҳу анҳу ул зотга айтди: “Эй Аллоҳнинг Расули, бу оятни тонг отгунча ўқишингизга сизни нима мажбур қилди, у билан рукуъ қилдингиз, у билан сажда қилдингиз,] [у билан дуо қилдингиз], ваҳоланки, Аллоҳ сизга Қуръоннинг ҳаммасини ўргатди], [агар бизлардан бирон бир одам шунни қилса, унга ғазаб қилардик?] [(Ул зот) айтдилар: “Мен умматим учун роббим аzza ва жалладан шафоат сўрадим; у менга шунни берди. У, иншааллоҳ, Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмаганга тегади”.] ³⁰⁵

“Бир киши ул зотга айтди: “Эй Аллоҳнинг Расули! Менинг бир қўшним бор, у тунда қоим бўлади, фақат “Қул ҳуваллоҳу аҳад”ни ўқийди, [уни қайтаради], [(қироатда) ундан (бошқа) зиёда қилмайди] – худди намозни қисқартиргандек бўлади”. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, бу сура Қуръоннинг учдан бирига тенг”. ³⁰⁶

7. Витр намози

“Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи ракаатда “Саббиҳисма роббикал-аълаа” (87:19)ни ўқирдилар, иккинчисида “Қул йаа аййуҳал-каафируун” (109:6)ни, учинчисида эса “Қул ҳуваллоҳу аҳад”(112:4)ни ўқирдилар”. ³⁰⁷ Баъзан унга (“Қул ҳуваллоҳу аҳад”га) “Қул аъуузу бироббил-

³⁰⁵ Насоий, Ибн Ҳузайма (1/80/1, Аҳмад, Ибн Наср. Ҳоқим ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди.

³⁰⁶ Аҳмад, Бухорий.

³⁰⁷ Насоий, Ҳоқим. Ҳоқим уни саҳиҳ деди.

фалақ” (113:5) ва “Қул аъзузу бироббиннас” (114:6)ни қўшардилар.³⁰⁸ Бир марта “Витр (*охирги, тоқ*) ракаатида “Нисо” (4:176)дан юз оят ўқидилар”.³⁰⁹

Витрдан кейинги икки ракаатда³¹⁰ “Иза зулзилатил-арз” (99:8) ва “Қул йаа аййухал-каафируун” (109:6)ни ўқирдилар.³¹¹

8. Жума намози

“Баъзан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи ракаатда “Жума” (62:11)ни³¹², иккинчи ракаатда “Иза жаал-мунаафиқуун”(63:11)ни ўқирдилар; гоҳо унинг ўрнига “Ҳал атаака ҳадисул-ғоошиях” (88:26)ни ўқирдилар”.³¹³

“Айримларда биринчи ракаатда “Саббиҳисма роббикал-аълаа”(87:19), иккинчи ракаатда “Ҳал атаака ҳадисул-ғоошиях”(88:26)ни ўқирдилар”.³¹⁴

9. Ҳайит намози.

“Гоҳо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи ракаатда “Жума” (62:11)ни, иккинчи ракаатда “Иза жаал-мунаафиқуун”(63:11)ни ўқирдилар”.³¹⁵ Баъзан “”Қоф”(50:45) ва “Иқтаробатис-сааъат” (54:55)ни ўқирдилар”.³¹⁶

³⁰⁸ Термизий, Абу Аббос Ал-Осим (ж.2 №117), Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

³⁰⁹ Насоий, Аҳмад саҳиҳ санад билан.

³¹⁰ Бу икки ракаат “Саҳиҳ Муслим” ва бошқа мажмуъларда келтирилган. Бу Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Охирги намозни витр қилинлар” деганларига (*зоҳиран*) хилоф, Бухорий ва Муслим ривоят қилишди. Бу фарқни тушунтиришда уламолар ихтилоф қилишади, мен тўғрироғини аниқлаштира оламаяпман, лекин буйруққа амал қилингани маъқулроқ. Валлоҳу аълам. Бир неча вақтдан кейин мен витрдан сўнг икки ракаат ўқиш ҳақидаги буйруғи бор саҳиҳ ҳадисни топдим, яъни буйруқ ва унга мувофиқ амал. Витрдан кейинги бу икки ракаат ҳамма учун диндаги кўрсатмадир. Лекин биринчи буйруқ (витр билан намозни тугатиш) афзалроқ ва бу ерда қарама-қаршилиқ йўқ. Мен буни “Саҳиҳаҳ”да келтирдим (1993). Аллоҳга тавфиқи учун ҳамд бўлсин.

³¹¹ Аҳмад, Ибн Наср, Таҳовий (202/1), Ибн Ҳузайма ва Ибн Ҳиббон ҳасан, саҳиҳ санад билан.

³¹² Муслим, Абу Довуд. “Ирво”да чиқарилган (345).

³¹³ Муслим, Абу Довуд. “Ирво”да чиқарилган (345).

³¹⁴ Муслим, Абу Довуд.

³¹⁵ Муслим, Абу Довуд.

³¹⁶ Муслим, Абу Довуд.

10. Жаноза намози.

“Унда “Фотиҳа”³¹⁷ ва бир сурани ўқиш суннат”.³¹⁸

“Биринчи такбирдан кейин овозларини паст қилардилар”.³¹⁹

Қуръонни тартил қилиб ва овозини зийнатлаб ўқиш

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни тартил қилиб ўқирдилар, худди Аллоҳ Таоло буюрганидек, секин ҳам эмас, шошмасдан ҳам. Балки “ҳар бир ҳарфни аниқ”³²⁰ ўқирдилар, ҳатто “тартил билан ўқиганларида сура узунроқ бўларди”.³²¹

Айтардилар: “Қуръон соҳибига айтилади: “Бу дунёда қандай тартил билан ўқиган бўлсанг шундай тартил билан ўқи ва кўтарил, албатта манзилинг охириги (ўқиган) оятда бўлади”.³²²

“Қироатларини чўзардилар (мад ҳарфларида), “Бисмиллаҳ”ни, “Ар-Роҳмаан”ни, “Ар-роҳийм”ни чўзардилар”.³²³ “Надзийд”³²⁴ ва шунга ўхшашларни чўзардилар.

Оятларнинг олдидан тўхтардилар илгари айтилганидек.³²⁵

³¹⁷ Бу Шофеъий, Аҳмад, Исоқ ва Абу Ҳанифанинг шогирдларидан баъзи мутааххирийн уламоларнинг фикри. Ундан кейин сура ўқиш Шофеъийнинг фикрларидан бири ва бу тўғри фикрдир.

³¹⁸ Бухорий, Абу Довуд, Насой, Ибн Жаруд. Бу Тувейжирий айтганидек, қўшимча эмас, китобнинг (*бешинчи нашрга бўлган*) муқаддимасига қаранг (6-8-с.).

³¹⁹ Насой, Таҳовий саҳиҳ санад билан.

³²⁰ Ибнул-Муборак “Зухд” китобида (1:162 “Нужум” 575), Абу Довуд, Аҳмад саҳиҳ санад билан.

³²¹ Муслим, Молик.

³²² Абу Довуд, Термизий. Термизий саҳиҳ деди.

³²³ Бухорий, Абу Довуд.

³²⁴ Бухорий “Афъаалул-ъибад”да саҳиҳ санад билан.

³²⁵ “Фотиҳа”нинг қироатига қаранг.

“Баъзан овозларни таржиъ қилардилар,³²⁶ худди Макка фатҳи куни туяларида ўтириб “Фатҳ”(48:29) сурасини ўқиганларидек [лаййнаҳ-юмшоқ қироат билан ўқидилар, яъни و,ى,ا унли ҳарфларни чўзиб овозни зийнатлаб ўқирдилар]”.³²⁷ Абдуллоҳ ибн Муъаффал таржиъларини шундай ҳикоя қилди: “اٰ اٰ اٰ (яъни, уч алифга чўзардилар)”.³²⁸

Овозни Қуръон билан зийнатлашга буюриб айтардилар:

“Қуръонни овозларингиз билан зийнатланглар [албатта гўзал овоз Қуръоннинг гўзаллигини оширади]”.³²⁹

Айтардилар: “Одамларнинг Қуръон ўқитганларида овозининг энг гўзали уни эшитаётганингизда Аллоҳдан қўрқяпти деб ўйлаганинглардир”.³³⁰

Қуръонни тағонний (овозни чиройли қилиб чиқариш) қилиб ўқишга буюриб айтардилар:

“Аллоҳнинг Китобини ўрганинглар, унинг тиловатини лозим тутинглар, уни ёдланглар, уни тағонний (овозни чиройли қилиб) қилиб ўқинглар, жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, у (Қуръон) боғланган туядан ҳам тезроқ бўшаб кетади (унутилади)”.³³¹

³²⁶ Таржиъ сўздан олинган. Ҳофиз (Ибн Ҳажар) айтди: “Бу қироатда ҳаракатлар турларини яқинлаштириш. Унинг асли – тардид (қайтариш). Овозни таржиъ қилиш – уни ҳалқуми билан қайтариб туриш. Манавий айтди: “Бу Фатҳ кундаги Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хурсандчилиги ва қувончлари сабабли кўп ҳосил бўлди”.

³²⁷ Бухорий, Муслим.

³²⁸ Буни тушунтириб Ҳофиз (Ибн Ҳажар) айтадилар: “Фатҳали ҳамза, кейин сукун, кейин яна ҳамза”. Шайх Алийул-Қори шунга ўхшаш сўзни Ҳофиздан бошқа одамдан келтириб айтди: “Аниқки, бу уч чўзилган (мадли) алифдир”.

³²⁹ Бухорий, Абу Довуд, Ҳоқим, Доримий, Тамма Ар-Розий саҳиҳ санад билан.

³³⁰ Саҳиҳ, уни Ибнул-Муборак “Зухд” китобида келтирган (1:162 “Нужум” 575), Доримий, Ибн Наср, Табароний, Абу Нуъайм “Ахбору асбаҳан”да, Аз-Зиё “Мухтарот”да.

³³¹ Доримий, Аҳмад саҳиҳ санад билан. Мухоч – туя. Ақл (кўплиги – ўқол) – туя бойланадиган арқон.

Айтардилар: “Қуръонни тағонний (овозни чиройли) қилиб ўқиман биздан эмас”.³³²

³³² Абу Довуд, Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди. Танбех: Бу ҳадисни Ибн Асир Абу Довудга нисбат бериб, Бухорий уни Абу Ҳурайрадан ривоят қилган бўлсалар ҳам, у (Ибн Асир) уни Бухорийга нисбат бермади. Шу сабабли устоз, биродар Абдулқодир Арнаут ва унга бу ишда ёрдам берганлар айтди (457/2): “Албоний ўзининг “Сифати солатин-набий” (106 с.)да мазкур ҳадисни Абу Довудга нисбат бериб адашди”. Бу билан улар саҳиҳайн (Бухорий ва Муслим)дан бирида ҳадис келган бўлса, уни улардан бошқага нисбат бериш олимнинг ишдан эмаслигига ишора қилишди.

Мен жавобига айтаман: мен уларнинг бу сўзига бўлган сабабга кўз юмиб айтаманки, мен кўрсатган нарса ҳақиқат ва тўғридир. Бухорий бу ҳадисни Абу Ҳурайрадан келтиригани мен учун бу муборак китобни йиққанимдан бери яширинмаган эди, иншааллоҳ. Лекин мен атайин уни Бухорий нисбат бермадим, баъзилар ўйлаганидек билимсизлик ёки эътиборсизлик учун эмас. Агар шундай бўлганида китобнинг бешинчи нашри чиқаётган пайтда мен бу хатоим ҳақида огоҳлантирдим, ёки билмаганимни билган бўлардим. Лекин алҳамдулиллаҳ, бу хато эмас эди. Мен биламанки, бу ҳадиснинг ровийларидан бири Абу Осим Аз-Заҳҳок ибн Мухлад Набилий, ишончли (сиқот)дир. Абу Ҳурайрадан келаётган санадда хато қилди ва уни Ибн Журайж, Ибн шиҳоб, Абу Салама, Абу Ҳурайрадан марфуъ ҳолатда ривоят қилди. Лекин гап шундаки, барча сиқотлар Ибн Журайждан худди биз Абу Ҳурайрадан зикр қилган санад билан марфуъ ҳолатда ривоят қилишди, лекин лафзи бундай эди: “Аллоҳ шундай тинглайдиган бошқа нарса йўқки ...”, бу ҳадис кейинроқ келади. Ибн Журайждан бўлган бунга параллел санадларнинг барчасида ровийлар сиқотдир. Буларнинг ҳаммаси бундай ҳадисни Зухрийдан келтиради.

Зухрийдан келган барча параллел санадлар Яҳё ибн Аби Касир, Муҳаммад ибн Умар, Муҳаммад ибн Иброҳим Таймия, Умар ибн Динордан келади – уларнинг ҳам барчаси сиқотдир – улар Абу Саламадан, ундан эса Абу Ҳурайрадан ривоят қилишади. Бу барча сиқотлар Абу Ҳурайрадан келаётган бир санадни тасдиқлашади, у бу ҳадисни иккинчи лафзда келтиради (*яъни "Аллоҳ шундай тинглайдиган бошқа нарса йўқки ..."*). Бу эса Абу Осимдан келаётган биринчи лафздаги санаднинг хатолигига энг бош далилдир. Ҳадиснинг бу лафзи шоз (*нодир, яъни кўп ривоят қиладиган бошқа саҳиҳ ривоятларга тесқари*), бу эса олимлар ичида машҳурдир. Шунинг учун Ал-Ҳофиз Абу Бакр Нийсобурий ҳадиснинг бу лафзини Абу Осим ўйлаб топганига ишониб бунга ишора қилди: “Ибн Журайждан иккинчи лафзи билан келаётган санадларнинг кўплиги сабабли” деб. Мен қўшимча қиламан: ва Зухрийдан келаётган бу ҳадис билан кўпгина санадлар ва Абу Саламадан келаётган параллел санадлар сабабли, бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди. Буни Абу Бакр Нийсобурий, Абнул-Асир ўз мажмуъсида, Ҳофиз (*Ибн Ҳажар*) “Фатҳ”ида (429/13) бу лафзнинг ўйлаб топилганини ёзишган. Буни баъзилар кўрмай қолди, кўрган бўлишса ҳам улардаги илмнинг кучи ва журъати “Саҳиҳ” ровийларининг хатосини кўрсатишга етмади.

Бу хулосани мен йигирима йил олдин “Асл”да ёздим ва бу китобда келтиришни лозим топдим. Токи хабарсизлигимга ишора қилиб мени муҳаддис-олимлар ичида хато бўлган нарса билан тўғрилаётган танқидчи билсин деб. (Бу танқидчи) мени ҳам бу хатода бўлишимни ва унга рози бўлишимни хоҳлайди. Бу узун гапнинг сабабчиси бўлганни Аллоҳ кечирсин ва бундай қилмайди деб умид қиламан. Аллоҳ ёрдам бривчиларнинг яхшисидир.

Айтардилар: “Аллоҳ бирон нарсани тингламайди³³³ пайғамбари Қуръонни тағоййун [овозини гўзал қилиб (бир лафзда: тараннумини гўзал қилиб)] қилиб [овозини чиқариб] ўқиганини (эшитганидек)”.³³⁴

Абу Мусо Ал-Ашъарий розияллоҳу анҳуга айтдилар: “Сенинг кечаги қироатингни тинглаётганимда мени кўрганингда эди, дарҳақиқат сенга Довуд оиласига берилган найлардан бир най берилгандир³³⁵”, [Абу Мусо айтди: “Агар мен турганингизни билганимда эди овозимни яна ҳам гўзалроқ қилардим - бу билан овозни чиройли қилишни назарда тутди”]³³⁶.

Имомни тўғрилаш

Агар имом қироатда қийналса, уни тўғрилашни суннат қилдилар. “Бир намозни ўқиганларида қироатда қийналдилар. Қачон намозни тугатганларида Убайга айтдилар: “Биз билан намоз ўқидингми?” У: “Ҳа” деди. Айтдилар: “Сени [мени тўғрилашдан] нима тўсди?”³³⁷

Намозда шайтоннинг васвасасидан (Аллоҳдан) паноҳ сўраш ва туфлаш

(Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга) Усмон ибн Ал-Ос розияллоҳу анҳу айтди: “Эй Аллоҳнинг Расули! Дарҳақиқат, шайтон менинг ва намозим ҳамда қироатимда тўсқинлик қилади ва мени қироатимда адаштиради”. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Бу шайтондир, унинг исми Ҳинзиб. Агар сен уни сезсанг, Аллоҳдан ундан паноҳ сўрагин ва чап

³³³ Мунзирий айтди: “Аллоҳ одамлар овозини чиройли қилиб тағоййун билан Қуръон ўқиганида уларни эшитганидек бошқа нарсани эшитмайди. Суфён ибн Уяйна каби баъзилар “тағоййун “истиғна” сўзидан келиб чиқди дейди, лекин уламолар бу фикрни рад этишди”. (*Истиғна, яъни Қуръонни ўқиганда бошқалардан устун, ғоний бўлиш – таржимон изоҳи.*)

³³⁴ Бухорий, Муслим, Таҳовий, Ибн Мандах “Тавҳид”да (1/81).

³³⁵ Уламолар бу ҳадиснинг шарҳида найдан мурод гўзал овоз, Довуд оиласидан мурод эса Довуднинг ўзи. Чунки фалончининг оиласи дейилганида шу одамнинг ўзи тушунилади. Довуд алайҳиссаломга чиройли овоз берилган эди. Бу ҳақда Нававий Муслим ҳадисларининг шарҳида айтган.

³³⁶ Абдураззоқ “Ал-Амали” китобида (1/44/2), Бухорий, Муслим, Ибн Наср, Ҳоким.

³³⁷ Абу Довуд, Ибн Ҳиббон, Табароний, Ибн Асокир (2/296/2), Аз-Зиё “Танланган”да саҳиҳ санад билан.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

томонингга уч марта туфла”.³³⁸ У айтди: “Мен шуни қилдим ва Аллоҳ мени ундан кеткизди”.³³⁹

Рукуъ

Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қироатдан бўшасалар бир тўхтардилар³⁴⁰, кейин қўлларини олдин “Намозни очувчи такбир”да айтилган кайфиятда кўтарардилар,³⁴¹ сўнг такбир этиб³⁴² рукуъга борардилар.³⁴³

Намозни ёмон ўқиган кишини шунга буюриб айтдилар: “Сизлардан биронтангизнинг намози тўлиқ бўлмайди, токи Аллоҳ буюрганидек таҳоратни комил олмаса ... кейин Аллоҳни такбир билан улуғлаб, унга ҳамд этиб, тамжид (улуғлаш) айтиб, унга Аллоҳ ўргатганидан ва унга изн берганидан муяссар бўлгунча Қуръон ўқимаса, сўнг такбир айтиб рукуъга бормаса ҳамда [қўлларини тиззаларига қўймаса], ҳатто бўғинлар тинчламагунича, сўнгра бир тўхтам қилиб бўш тургин ...”.³⁴⁴

³³⁸ Бу ерда энг оз миқдорда, яъни ҳавони оддий уфлашдан кўра сал кўпроқ сўлак чиқариб туфлаш.

³³⁹ Муслим ва Аҳмад. Нававий айтди: “Бунда васваса пайтида намозда (Аллоҳдан) паноҳ сўраш ва чап томонга уч марта туфлашга далил бор”.

³⁴⁰ Абу Довуд, Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

³⁴¹ Бухорий, Муслим. Рукуъдан олдин қўлни кўтариш худди рукуъдан кейин қўлни кўтаришдек мутавотир (санаднинг ҳар бир занжирида ровийлари тўрт ва ундан кўп бўлган ҳадислар). Бу уч имом ва бошқа олимлар, фақиҳлар, муҳаддислар фикри; бу фикрни Имом Молик ўлимларидан олдин қўллаганлар, бу ҳақда Ибн Асокир хабар берди (2/78/15); бу фикрни Абу Ҳанифанинг баъзи эргашувчилари ушлаган, жумладан Имом Абу Юсуфнинг шогирди Иъсом ибн Юсуф Абу Исма Ал-Балҳий (210), Аллоҳ барчаларини раҳм қилсин. Бунинг шарҳини муқаддимада топасиз (31-32-с.), Абдуллоҳ ибн Аҳмад “Масаил”да отасидан ҳикоя қилди (60-с.): “Уқба ибн Омирдан (*розияллоҳу анҳу*) ривоят қилинади, у киши намозда қўл кўтариш ҳақида айтди: [унга ҳар бир ҳаракат учун ўнтадан ҳасанот берилади]”, мен бунга ҳадиси қудсий далолат қиладиган нарсани қўшимча қиламан: “... ким солиҳ амал қилмоқчи бўлиб уни бажарса, унга ўнтадан етти юзгача солиҳ амал ёзилади”, Бухорий ва Муслим “Жомий”ларида келтирилади (“Саҳиҳ тарғиб ват-тарҳиб” №16).

³⁴² Бухорий, Муслим.

³⁴³ Бухорий, Муслим.

³⁴⁴ Абу Довуд, Насоий, Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

Рукуънинг сифати

“Ул зот соллалоҳу алайҳи васаллам кафтларини тиззаларига қўярдилар”³⁴⁵ ва “шунга буюрардилар”³⁴⁶ ҳамда юқорида айтилганидек намозни ёмон ўқиганни бу (иш)га буюрдилар.

“Тиззаларига қўлларида жойлаштирардилар [худди уларни ушлаганларидек]”.³⁴⁷ “Бармоқларининг ораларини очардилар”³⁴⁸ ва шунга намозни ёмон ўқиган кишини буюрдилар: “Агар рукуъ қилсанг, кафтларининг ички томонини тиззаларингга қўй, кейин токи ҳар бир аъзо ўз ўрнига жойлашмагунича шундай ҳолатда қол”.³⁴⁹

“Тирсақларини ёнларидан бўшатиб узоқлаштирардилар”.³⁵⁰

“Агар рукуъ қилсалар, орқаларини ёйиб текислардилар”³⁵¹, “ҳатто устларида сув қўйилса, сув қарор топган бўларди”.³⁵² Намозни ёмон ўқиганга айтдилар: “Агар рукуъ қилсанг, кафтларининг ички томонини тиззаларингга қўй ва орқангни ёй ва рукуъингда ўрнашгин”³⁵³. “Бошларини кўтармасдилар ҳам, туширмасдилар ҳам”,³⁵⁴ лекин шу ҳолатларнинг ўртасида бўларди (*яъни кўтариш ва тушириш уртасида*).³⁵⁵

Рукуъда тўхтаб туришнинг фарзлиги

“Рукуъда тўхтаб турардилар” ва намозни ёмон ўқиганни шунга буюрдилар, худди олдинги фаслда айтилганидек.

³⁴⁵ Бухорий, Абу Довуд.

³⁴⁶ Бухорий, Муслим.

³⁴⁷ Бухорий, Абу Довуд.

³⁴⁸ Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди, Таёлусий, “Саҳиҳ Аби Довуд”да (809) келади.

³⁴⁹ Ибн Ҳузайма ва Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”ларида.

³⁵⁰ Термизий, Ибн Ҳузайма уни саҳиҳ деди.

³⁵¹ Байҳақий саҳиҳ санад билан, Бухорий.

³⁵² Табароний “Кабир” ва “Соғир”да, Абдуллоҳ ибн Аҳмад “Завоидул-муснад”да, Ибн Можа.

³⁵³ Аҳмад, Абу Довуд саҳиҳ санад билан.

³⁵⁴ Абу Довуд, Бухорий “Жузъул-Қироат”да саҳиҳ санад билан.

³⁵⁵ Муслим, Абу Авона.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Айтардилар: “Рукуъ ва саждани тўлиқ қилинглр. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, рукуъ ва сажда қилмаганинглрда мен орқамдан сизларни кўриб тураман”.³⁵⁶

“Ул зот бир кишини намоз ўқиётганида рукуъни тўлиқ қилмаётганини ва саждани чўқиганидек қилаётганини кўрганларида айтдилар: “Агар бу ушбу ҳолатида ўлгнида эди, Қиёмат кунида Муҳаммаднинг миллатидан бошқа милатда ўлган бўларди. [Намозда қарға қонни чўқиганидек чўқимоқда]. Рукуъни тўлиқ қилмайдиган ва саждада чўқийдиганнинг мисоли бир, икки хурмо еб, хурмолар уни тўйдирмаган очга ўхшайди”.³⁵⁷

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтди: “Ҳалилим³⁵⁸ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга намозда хўрозга ўхшаб чўқишни, тулки каби ўгирилишни ва маймунлар сингари ўтиришни ман қилди”.³⁵⁹

Айтардилар: “Одамлар ўғриларининг энг ёмони намозидан ўғирлайдиганларидир”. (Одамлар) айтишди: “Эй Аллоҳнинг Расули! Қандай қилиб намозидан ўғирлайди?” Айтдилар: “Рукуъ ва саждасини тўлиқ қилмайди”.³⁶⁰

“Намоз ўқиётганларида кўзларининг чети билан рукуъ ва саждада белини ушлаб турмаган (*рукуъ, саждада тўхтаб турмаган*) одамни кўрдилар.

³⁵⁶ Бухорий, Муслим. Ул зот ҳақиқий равишда орқаларида содир бўлаётган нарсаларни кўрардилар. Бу пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг мўъжизаларидан эди ва бу фақат намоз вақтида тегишли эди.

³⁵⁷ Абу Яъло “Муснад”ида (1/3491/340), Ужурий “Арбаъин”да, Байҳақий ва Табароний (1/192/1), Аз-Зиё “Мунтақи минал-ҳадиси сиҳоҳ вал-ҳасан” (1/276), Ибн Асокир (2/72, 1/14/8, 1/414, 2/226/2) ҳасан санад билан, Ибн Ҳузайма уни саҳиҳ деган (1/82/1), қўшимчасиз мурсал ҳадисни Ибн Батта “Ибона”да келтирган (1/43/5).

³⁵⁸ Ҳамма одамлардан ҳам севимлироқ бўлган киши.

³⁵⁹ Таёлусий, Аҳмад, Ибн Аби Шайба, ҳасан ҳадис. Қ. Ҳофиз Абдулҳаққ Ашбийнинг “Аҳком” китоби (1348).

³⁶⁰ Ибн Аби Шайба (2/89/1), Табароний, Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

Намозни тугатганларида айтдилар: “Эй мусулмонлар! Дарҳақиқат, рукуъ ва саждада белини ушлаб турмаган одамга намоз йўқ”.³⁶¹

Бошқа ҳадисда айтдилар: “Намозда рукуъ ва саждада белини тўхтамаган киши ажр олмайди”.³⁶²

Рукуънинг зикрлари

Бу рукнда турли зикрлар ва дуоларни айтардилар, баъзан бирини, баъзан бошқасини.

1- ((سبحان ربي العظيم ثلاث مرات)) .

1. “Субҳана роббиял-аъзийм” (Буюк Роббим айбу нуқсон ва тенглардан пок) – уч марта³⁶³, гоҳо ундан кўпроқ такрорлардилар.³⁶⁴

Бир марта тунги намозда бу зикрнинг такрорлашини кўпайтирдилар, ҳатто рукуълари қиёмларига яқинлашиб қолди ва қиёмда узун энг суралардан учтасини ўқирдилар: “Бақара”, “Нисо”, “Оли Имрон”. “Тунги намоз”да айтилганидек намозда дуо ва истиғфор қилардилар.

2- ((سبحان ربي العظيم وبحمده ثلاثاً)) .

2. “Субҳана роббиял-аъзийм ва биҳамдиҳи” (Буюк Роббим айбу нуқсон ва тенглардан пок, у сабабли унга бу тасбиҳни айтаман) – уч марта.³⁶⁵

3. ((سبوح قدوس رب الملائكة والروح)) .

³⁶¹ Ибн Аби шайба (1/89/1), Ибн Можа, Аҳмад саҳиҳ санад билан.

³⁶² Абу Авона, Абу Довуд, Саҳмий (61), Дорақутний саҳиҳ деган.

³⁶³ Аҳмад, Абу Довуд, Ибн Можа, Дорақутний, Таҳовий, Ал-Баззор, Табароний “Кабир”да еттига саҳобадан. Бу ҳадисда рукуъда уч марта тасбиҳ айтишни инкор қилганларга раддия бор, уларнинг ичида Ибнул-Қоййим ва бошқалар.

³⁶⁴ Бу рукуъ ва сажда вақтини бир хил қилганлари очик айтилган ҳадисдан келиб чиқади. Кейинроқ зикри келади.

³⁶⁵ Абу Довуд, Дорақутний, Аҳмад, Байҳақий, Табароний, саҳиҳ.

3. Суббууҳун қуддусун³⁶⁶ роббул-малааикати вар-рууҳ. (Аллоҳ) тенги бўлишдан узоқ, баракотли, айбу нуқсондан пок Зот, малоикалар ва Рухнинг Роббиси.)³⁶⁷

4- ((سبحانك اللهم! وبحمدك، اللهم! اغفر لي)).

4. “Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика. Аллоҳуммафғирли”. (Аллоҳим айбу нуқсондан поксан, Сен сабабли (бу тасбиҳни айтяпман). Аллоҳим, мени кечиргин). Буни рукуъ ва саждада кўп қилардилар ва Қуръонни (бу зикр билан) тафсир қилардилар.³⁶⁸

5- اللهم! لك ركعت، وبك آمنت، ولك أسلمت، [أنت ربي]، خشع لك سمعي وبصري، ومخي وعظمي (وفي رواية وعظامي) وعصبي، [وما استقلت به قدمي لله رب العالمين].

5. Аллоҳумма лака рокаъту, ва бика ааманту, лака асламту [анта Роббии], хошаъа лака самъии ва басории, ва муҳхии ва ъазмии (бир ривоятда ъизоомии), ва ъасобии, [вамастақоллат биҳи қодамии лиллааҳи Роббиъааламайин]. Аллоҳим, Сенга рукуъ қилдим, Сенга иймон келтирдим, Сенга таслим бўлдим, [Сен Роббимсан], Сенинг олдинда менинг эшитишим, кўришим, миям, суюгим (бир ривоятда “суюкларим”), асабим, [ҳамда оёғим кўтариб юрган нарса оламларнинг Роббиси Аллоҳга] хушӯ-тавозуъ бўлиб туради.³⁶⁹

6. (اللهم! لك ركعت، وبك آمنت، ولك أسلمت، وعليك توكلت، أنت ربي، خشع سمعي وبصري ودمي ولحمي وعظمي وعصبي لله رب العالمين)

³⁶⁶ Исҳоқ айтди: “Суббууҳ – тенги бўлишдан узоқ, Қуддус – баракотли, (айбу нуқсондан) пок. Ибн Саййид айтди: “Суббууҳ ва Қуддуус – Аллоҳ азза ва жалланинг сифатлари, чунки тенглар, айблар ва нуқсонлардан поклашади”.

³⁶⁷ Муслим, Абу Аводна.

³⁶⁸ Бухорий, Муслим. “Қуръонни тафсир қилардилар” деганнинг маъноси Қуръондаги буйруқни бажариш, қ. “Наср” сураси, 3-оят.

³⁶⁹ Насоий саҳиҳ санад билан.

6. Аллоҳумма лака рокаъту, ва бика ааманту, лака асламту, ва ʔалайка таваккалту, [анта Роббии], хошаʔа лака самъии ва басории, ва дамии ва лаҳмии ва ʔазмии, ва ʔасобии. Аллоҳим, Сенга рукуъ қилдим, Сенга иймон келтирдим, Сенга таслим бўлдим, Сенга таваккал қилдим, [Сен Роббимсан], Сенинг олдингда менинг эшитишим, кўришим, қоним, гўштим, суягим, асабим хушуъ-тавозуъ бўлиб туради.³⁷⁰

7. ((سبحان ذي الجبروت والملکوت والكبرياء والعظمة))

7. Субҳаана зил-жабаруути вал-малакуути вал-кибрийааи вал-ʔазомат. Куч-қудрат, мулк, кибр ва улуғлик Эгаси айбу нуқсондан покдир – буни тунги намозларда айтардилар.³⁷¹

Рукуънинг давом этиши

“Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъларини, рукуъдан кейинги қиёмларини, саждаларини, икки сажданинг орасини деярли баробар қилардилар”.³⁷²

Рукуъда Қуръон ўқишдан қайтариқ

“Рукуъ ва саждада Қуръон ўқишдан қайтарардилар”.³⁷³ Айтардилар: “Огоҳ бўлинглар, мен сизларни рукуъ ва саждада Қуръон ўқишдан қайтардим.

³⁷⁰ Муслим, Абу Авона, Таҳовий, Дорақутний.

³⁷¹ Абу Довуд, Насойй саҳиҳ санад билан. Турли зикрларни рукуъда жамлаш мумкинми? Буерда ихтилоф бор. Ибнул-Қоййим “Зодул-маъод” ва Нававий “Азкор”да айтишди: “Яхшироғи бу зикрларнинг ҳаммасини жамлаш керак. Бошқа барча зикрлар билан ҳам шундай қилиш керак”. Абут-тоййиб Сиддиқ Ҳасанхон “Назалул-аброр”да айтди: “Яхшироғи бир марта битта зикрни айтиб, бошқа марта – бошқасини айтиш. Бу зикрларни жамлашга далил йўқ. Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уларни бир рукнда жамламасдилар, балки бир гал бундай, иккинчи гал – бошқача айтардилар. Янги нарсани ўйлаб топгандан кўра суннатга эргашиш яхшироқдир”. (Албоний:) Иншааллоҳ, бу ҳақиқатдир. Лекин суннатда бу ва бошқа рукнларни узайтириш собит бўлган. Илгари тушунтирилганидек, рукуънинг узунлиги қиёмга баробар бўларди. Агар намозхон бу суннатга амал қилмоқчи бўлса, Нававий фикрига кўра турли зикрларни жамлайди. Ибн Наср “Қиёмул-лайл”да Ибн Жариждан, Атодан келтирадики, рукуъда келтирилган зикрлардан бирини такрорлаш афзалроқдир, бу суннатга яқинроқ. Аллоҳ билгувчиоқдир.

³⁷² Бухорий, Муслим, “Ирвоул-Ғолил” (331).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Рукуъда Роб азза ва жаллани улуғлангизлар, саждада эса дуода тиришинглар, у (сажда) сизларга ижобат бўлишига арзийди”.³⁷⁴

Рукуъдан кейин кўтарилиш ва унда айтиладиган (зикрлар)

“Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам белларини рукуъдан кўтарганларида “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” (Аллоҳ Унга ҳамд айтганни эшитди) дердилар”.³⁷⁵ Намозни ёмон ўқиганга ҳам шуни буюрдилар ва айтдилар: “Одамлардан биронтасининг намози тўлиқ бўлмайди, токи ... такбир айтмагунича ... кейин рукуъ қилмагунича ... кейин айтса: “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” то тўғри бўлиб турмагунича”.³⁷⁶

Бошларини кўтарганларида тўғриланардилар, то ҳар бир умуртқа поғонаси ўз жойига келмагунича...³⁷⁷

“Турган ҳолларида: “Роббана! [Ва] лакал-ҳамд” (Роббимиз, Сенга ҳамд бўлсин) дердилар”.³⁷⁸

Ҳамда шунга ҳар бир намоз ўқувчини буюрдилар, у имомнинг орқасида турадимиз, ёки бошқами: “Менинг намоз ўқиётганимни кўргангиз каби, сизлар ҳам шундай намоз ўқинглар”.³⁷⁹

Айтардилар: “Имом фақат унга эргашиш учун қўйилган ... Агар “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” деса, “[Аллоҳумма] роббана ва лакал-ҳамд” денглар. Аллоҳ сизларни эшитади. Дарҳақиқат, Аллоҳ Табарока ва Таъоло

³⁷³ Муслим, Абу Авона.

³⁷⁴ Муслим, Абу Авона. Рукуъ ва саждада Қуръон ўқишдан қайтариқ ҳам фарз ва нафл намозларга тегишли. Ибн Асокирнинг эса (1/299/17) нафл намознинг рукуъ ва саждаси Қуръон ўқишнинг мумкинлиги ҳақидаги гаплари эса нотўғри ва шоздир. Ибн Асокир бу фикрга эътибор қилган бўлса ҳам, бизга унга амал қилиш мумкин эмас.

³⁷⁵ Бухорий, Муслим.

³⁷⁶ Абу Довуд, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди.

³⁷⁷ Бухорий, Абу Довуд.

³⁷⁸ Бухорий, Абу Довуд.

³⁷⁹ Бухорий, Муслим. Аҳмад.

пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тили билан: “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” деди”.³⁸⁰

Бу буйруқнинг сабабини бошқа ҳадисдаги сўзлари билан тушунтирдилар: “Кимнинг сўзи фаришталарнинг сўзлари билан мувофиқ бўлса, унинг олдинги гуноҳлари кечирилади”.³⁸¹

Бу (рукуъдан) кўтарилишда қўлларини худди илгари зикр қилинган такбири таҳримадаги қўл кўтаришдек кўтарардилар³⁸² ва яқинда айтилганидек турган ҳолларида айтардилар:

1. “Роббана ва лакал-ҳамд”.³⁸³

2. Баъзан: “Роббана лакал-ҳамд” дердилар.³⁸⁴

3, 4. Гоҳо шу икки лафз (нинг олди)га “Аллоҳумма”ни қўшардилар. (*Яъни, Аллоҳумма роббана [ва] лакал-ҳамд.*)³⁸⁵

³⁸⁰ Муслим, Абу Авона, Аҳмад, Абу Довуд. Танбеҳ: бундан имомнинг ортидан турган одам “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” демаслиги керак, ҳамда имом “Роббана ва лакал-ҳамд” демаслиги керак деган маъно келиб чиқмайди. Бу ҳадис имом ва унинг ортидан турганлар намознинг бу рукнида нима дейишлари ҳақида сўзламайди. Балки имомнинг ортидан турганларнинг ҳамдлари имомнинг “Самиъа ...” сўздан кейин бўлиши кераклигини тушунтиради. Бу Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) имом бўлиб ҳамд айтган сўзлари ҳамда “Менинг намоз ўқиганимни кўрганларингиздек намоз ўқинглар” деган сўзлари билан тасдиқланади. Бундан имомнинг орқасида турган одам имом гапирган сўзни айтиши келиб чиқади. Биз келтирган нарса ҳақида ўйлаб кўринглар, балки бунда тушунтириш топасизлар. Ким кўпроқ тушунтиришга муҳтож бўлса, Ҳофиз Суютийнинг “Ал-ҳавия лил-фатаво” (529/1).

³⁸¹ Бухорий, Муслим. Термизий уни саҳиҳ деган.

³⁸² Бухорий, Муслим. Қўлни кўтариш пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундай қилганлари ҳақидаги кўпгина (мутавотир) далиллардан келиб чиқади. Бу ҳақда кўпчилик олимлар ва Абу Ҳанифанинг баъзи эргашувчилари айтган. Юқоридаги тушунтиришга қаранг.

³⁸³ Бухорий, Муслим.

³⁸⁴ Бухорий, Муслим.

³⁸⁵ Бухорий, Аҳмад. Ибнул-Қоййим раҳимаҳуллоҳ “Аллоҳумма” билан “ва”

қўшимчаларининг саҳиҳлигини инкор этганларида хато қилдилар, чунки бу “Саҳиҳул-Бухорий”, “Муснадул-Аҳмад” ва насойнинг жомеъсида келтирилади. Шунингдек, Аҳмад Абу Ҳурайрадан келтирган ривоят. Доримий ўхшаш ҳадисни Ибн Умардан, Байҳақий Абу Саъид Ал-Худрийдан, Насой, шунингдек, Абу Мусо Ал-Ашъарийдан ривоят қилишади.

Шунга буюриб айтрадилар: “Агар имом “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” деса, “Аллоҳумма, Роббана лакал-ҳамд” денглар. Ҳақиқатан, кимнинг сўзи фаришталарнинг сўзига мувофиқ бўлса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади”.³⁸⁶

5. Гоҳо: бунга қўшардилар:

((ملء السماوات، وملء الأرض، ومل ما شئت من شيء بعد))

“Мил’ус-самааваати ва мил’ал-арзи ва мил’а ма ши’та мин шай’ин баъд”.³⁸⁷
(Осмонларни тўлдирувчи ва ерни тўлдирувчи ва Сен хоҳлаган нарсани тўлдирувчи (ҳамд).)

6. Ёки:

((ملء السماوات، و[ملء] الأرض، وما بينهما، ومل ما شئت من شيء بعد)).

“Мил’ус-самааваати ва [мил’а]л-арзи ва маа байнаҳума, ва мил’а ма ши’та мин шай’ин баъд”.³⁸⁸ (Осмонларни тўлдирувчи ва ерни [тўлдирувчи], ва уларнинг орасидаги нарсани, ва Сен хоҳлаган нарсани тўлдирувчи (ҳамд).)

7. Бунга баъзан қўшардилар:

((أهل الثناء والمجد، لا مانع لما أعطيت، ولا معطي لما منعت، ولا ينفع ذا الجد منك الجد)).

“Аҳлус-санаи вал-мажди, лаа мааниъа лимаа аътойта, ва лаа муътийа лимаа манаъта, ва лаа йанфаъузал-жадду минкал-жадд”. (Мақтов ва улуғлаш

³⁸⁶ Бухорий, Муслим. Термизий саҳиҳ деди.

³⁸⁷ Муслим, Абу Авона.

³⁸⁸ Муслим, Абу Авона.

Эгаси, Сен берган нарсани тўсувчи ҳеч ким йўқ, Сен тўсган нарсани берувчи ҳеч ким йўқ, улуғлик³⁸⁹ эгасига улуғлиги Сендан фойда бермайди.)³⁹⁰

8. Гоҳида қўшимча бўларди:

((ملء السماوات وملء الأرض، وملء ما شئت من شيء بعد، أهل الثناء والمجد، أحق ما قال العبد، وكلنا لك عبد، [اللهم!] لا مانع لما أعطيت، [ولا معطي لما منعت]، ولا ينفع ذا الجد منك الجد)).

“Мил’ус-самааваати ва мил’ал-арзи ва маа байнаҳума, ва мил’а ма ши’та мин шай’ин баъд. Аҳлус-санааи вал-мажди, аҳаққу маа қоолал-ъабду, ва куллунаа лакал-ъабду. [Аллоҳумма] лаа мааниъа лимаа аътойта, [ва лаа муътийа лимаа манаъта], ва лаа йанфаъузал-жадду минкал-жадд”. (Осмонларни ва ерни тўлдирувчи, ва Сен хоҳлаган нарсани тўлдирувчи (ҳамд). [Аллоҳим!] Мақтов ва улуғлаш Эгаси, Сен берган нарсани тўсувчи ҳеч ким йўқ, Сен тўсган нарсани берувчи ҳеч ким йўқ, улуғлик эгасига улуғлиги Сендан фойда бермайди.)³⁹¹

9. Баъзан тунги намозларда айтардилар:

((ربي الحمد، لربي الحمد))

“Ли роббил-ҳамду, лироббил-ҳамду”. (Роббимга ҳамд бўлсин, Роббимга ҳамд бўлсин).³⁹² Буни рукуъда турганларидек вақт давомида такрорлаб турдилар. Рукуълари эса “Бақара” сурасини ўқиган биринчи қиёмларига яқин бўларди.

10. ((ربنا! ولك الحمد، حمداً كثيراً طيباً مباركاً فيه، [مباركاً عليه؛ كما يحب ربنا ويرضى])).

³⁸⁹ Бу улуғлик, ҳукмдорлик ва ҳукмдорликни амалга ошириш. Яъни буларнинг фойдаси йўқ. Ҳамма нарсанинг амалга оширилиши Сендандир. Банданинг имкониятлари Сендан қутқара олмайди, фақатгина унинг солиҳ амаллари нажот ва ёрдам бўлиши мумкин.

³⁹⁰ Муслим, Абу Авона, Абу Довуд.

³⁹¹ Муслим, Абу Авона.

³⁹² Абу Довуд, Насоий саҳиҳ санад билан. “Ирво”да чиқарилган (355).

10. “Роббана лакал-ҳамд, ҳамдан касийрон, тоййибан, мубаарокан фийҳи, [мубаарокан ғалайҳи, камаа йухиббу роббана ва йарзоо]. Бунӣ бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқасидан намоз ўқиганида ул зот бошларини рукуъдан кўтариб: “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” деганларида айтди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоздан чиққанларида айтдилар: “Ҳозир гапирувчи ким бўлди?” Бояги киши: “Мен. Эй Аллоҳнинг Расули!” деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Ўттиз неча фариштани қай бири бу сўзни биринчи бўлиб ёзади деб шошилаётганини кўрдим”³⁹³.

Бу қиёмнинг давомлиги ва унда тўхтаб туриш фарзлиги

Олдин айтилганидек, ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу қиёмларини рукуъчалик вақт турардилар. Балки “Баъзан шундай турардиларки, ҳатто турган одам: “[Узоқ вақт турганларидан] унутиб қўйганлари аниқ” дерди”.³⁹⁴

Намозни ёмон ўқиганга бу қиёмда тўхтаб туришга буюрдилар: “Кейин бошингни кўтар, то ростланмагунингча [ва ҳар бир суяк ўз жойига қайтиб келмагунича]. (Бир ривоятда: “Агар кўтарилсанг, умуртқангни тўғрила, бошингни токи суяклар бўғинларга қайтмагунича кўтар”. Шунингдек унга эслатдилар: “Одамларнинг биронтасининг намози тўлиқ бўлмайди, агар шуни қилмаса”.³⁹⁵

³⁹³ Молик, Бухорий, Абу Довуд.

³⁹⁴ Бухорий, Муслим, Аҳмад, “Ирво” (307).

³⁹⁵ Бухорий, Муслим, Доримий, Ҳоким, Шофеъий, Аҳмад. Танбеҳ: бу ҳадиснинг маъноси тушунарли, яъни рукуъдан кўтарилганидан сўнг туриш фарз дегани. Ҳижоздаги ва бошқа биродарларимизнинг мазкур ҳадисга асосланиб ушбу қиёмда ўнг қўлини чап қўлининг устига қўйиш кераклиги ҳақидаги фикрига келсак, барча йиғилган ҳадислар кўрсатган нарсдан узоқ ва хатодир. Ўнг қўлини чап қўлга қўйиш фикри ҳадисларда зикр қилинмаган. Мана шу ҳадисларга асосан қандай қилиб хулоса қилса бўлади? Бу мавзуда келтириладиган барча ҳадисларни кўрадиган бўлсак ҳам, улар бунинг қаршисига далолат қилади. Рукӯдан кўтарилгандан сўнг ўнг қўлини чап қўлига қўйиш бидъат эканлигига шубҳам йўқ. Намозга тегишли жуда кўп ҳадисларнинг биронтаси бу нарса келтирилмайди. Бунӣ тасдиқлайдиган биронта ҳадис йўқ. Салафи солиҳлардан

Айтардилар: “Аллоҳ азза ва жалла банда намозида рукуъ билан саждада умуртқасини ростлаб турмаса, намозига қарамайди”.³⁹⁶

Сажда

Кейин “ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам такбир айтиб саждада йиқилардилар”³⁹⁷, намозни ёмон ўқиганни ҳам шунга буюриб айтдилар: “Одамлардан биронтасининг намози тўлиқ бўлмайди токи ... “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” демагунича; қаддини ростлаб “Аллоҳу акбар” демагунича, сўнг бўғинлари барқарорлик топиб сажда қилмагунича”.³⁹⁸ “Агар сажда қилмоқчи бўлсалар, такбир айтардилар, [қўлларини ёнларидан олардилар], кейин сажда қилардилар”.³⁹⁹ “Баъзан сажда қилаётганларида қўлларини кўтарардилар”.⁴⁰⁰

келган нарсаларда ҳам бунга тасдиқ топмаймиз, муҳаддислардан ҳам биз билган нарсада бу келтирилмайди. Шайх Тувейжирий ўз китобида (18-19-с) Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳдан келтирган нарсага бу хилоф эмас. У киши (Имом Аҳмад) айтдилар: “Агар хоҳласанг рукуъдан сўнг қўлингни тушир, хоҳласанг уларни кўкракка қўй”. Бу Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг сўзлари эмас, балки ижтиҳод асосидаги фикрдир. Фикр эса, маълумки, хато бўлиши мумкин. Агар бу иш бидъат эканлиги аниқ маълум бўлса, бу иш бидъат бўлиб қолаверади, гарчи имомдан чиқаётган бўлса ҳам, бунга шайхул-ислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ ишора қилганлар. Аслида Имом Аҳмаднинг сўзлари у кишида суннатдан далил бўлмагани учун бу рукнда нима қилишда қийналганларига далолат қилади – ёки қўлни тушириш керак, ё кўкракка қўйиш керак. Имом шу фикрни рукуъдан олдин қўлни кўкракка қўйишга буюрган ҳадислардан қилганлар деб ўйлайдими Шайх (Тувейжирий)? Бу иш суннатда келмагани исботланиши керак эди ва бу исботланди. Тафсилотини бу китобнинг муқаддимасида кўринг.

³⁹⁶ Аҳмад, Табароний “Кабир”да саҳиҳ санад билан.

³⁹⁷ Бухорий, Муслим.

³⁹⁸ Абу Довуд ва Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

³⁹⁹ Абу Яъло жайид санад билан (2/284), Ибн Ҳузайма (2/79/1) саҳиҳ санад билан.

⁴⁰⁰ Насоий, Дорақутний, Ал-Мухлис “Фавоид”да (2/2/1) икки саҳиҳ санад билан. Ўнта саҳобадан келтирилади. Бу тўғри деб Ибн Умар, Ибн Аббос, Ҳасанул-Басрий, Товус ва унинг ўғли Абдуллоҳ, Ибн Умарнинг озод қилган қули Нофиъ, унинг ўғли Салим, Қосим ибн Муҳаммад, Абдуллоҳ ибн Динор, Ато. Абдурахмон ибн Маҳдий айтди: “Бу суннат”. Бу суннатга суннат Имоми Аҳмад ибн Ҳанбал амал қиларди, бу ҳақда Молик ва Шофеъий гапиришган.

Саждада қўлга йиқилиш

“Қўлларини ерга тиззаларидан олдин қўярдилар”.⁴⁰¹

Шунга буюрардилар ва айтардилар: “Сизлардан биронтангиз сажда қилса, туяга ўхшаб тиззага чўкмасин ва қўлларини тиззаларидан олдин қўйсин”.⁴⁰²

Айтар эдилар: “Албатта қўллар юз каби сажда қилишади. Сизлардан биронтангиз юзини қўйса, қўлларини ҳам қўйсин. Агар у (юз)ни кўтарса, у иккови (қўллари)ни ҳам кўтарсин”.⁴⁰³

“Кафтларига тиралиб, уларни ёярдилар”⁴⁰⁴, кафт бармоқларини ёпиб қисардилар⁴⁰⁵ ва уларни қиблага қаратардилар.⁴⁰⁶

⁴⁰¹ Ибн Ҳузайма (1/76/1), Дорақутний; Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишган. Бу ҳадисни рад этаётганлар хато қилади. Бу ҳақда Молик ва Аҳмад зикр қилишган. Шунингдек Ибнул-Жавзийнинг “Таҳқиқ”ига қаранг. Марузий “Масоил”да (1/147/1)) саҳиҳ санад билан Имом Авзоийдан келтиради: “Мен одамлар (саҳобалар)га етишдим, улар саждадан олдин қўлни қўйишарди”.

⁴⁰² Абу Довуд тўлиқ лафз билан (1/108) “Фавоид”, Насоий “Суғро вал-кубро” (1/48, буни Молик ибн Абдулазиз Маккада йиққан нарса) саҳиҳ санад билан, унинг саҳиҳлигини Абдулҳаққ “Ал-Аҳком”да (1/54) да исботлаган. У киши “Таҳажжуд” бобида (1/56) бу ҳадиснинг санади бунга тескари бўлган Воилнинг ҳадисидан яхшироқлигини кўрсатган. У (Воилнинг ҳадиси) саҳиҳ манбаларга хилоф бўлганидан ташқари у носаҳиҳ санад билан ривоят қилинди, мен буни “Заифа” (№929) ва “Ирво” (357)да тушунтирганман. Билинги, тиззаларни туширишдан олдин қўлларни қўйиш туяга ухшамоклик эмас, чунки туя биринчи галда олди оёқларининг тиззаларига чўкади. Бу аъзолар араб тилида шундай дейилади, “Лисонул-араб” ва араб тили бўйича бошқа китобларга қаранг. Бу ҳақда Таҳовий “Мушкилатул-асар” ва “Шарх маниа асар”да зикр қилган. Шунингдек имом Қосим Саракустий раҳимаҳуллоҳ “Ғарибул-ҳадис” (2-1/80/2)да Абу Ҳурайрадан саҳиҳ санад билан келтиради, у (Абу Ҳурайра) айтди: “Туя чайласи билан тиззага чўккандек чўкманглар”. Имом (*Саракустий*) айтди: “Бу саждада. Туя чайласи билан чўккандек собитсиз бўлиб бутун бадан билан чўкманглар. Тескарисини қилинлар, текис тушинлар, олдин қўлларни, сўнг тиззаларни қўйинлар. Бу ҳақда марфуъ ҳадисда келтирилади”. Бундан кейин Ибнул-Қоййимнинг сўзлари ажабланарлидир: “Бу сўзлар тушунарсиз ва араб тилида номаълумдир”. Балки биз кўрсатган манбалар ва бошқалар алки бунинг тескарисини айтмоқда. Буни батафсилроқ мен шайх Тувейжирийга бўлган жавобимда тушунтирганман.

⁴⁰³ Ибн Ҳузайма (2/79/1), Аҳмад, Сирож. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ деди.

⁴⁰⁴ Абу Довуд. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁴⁰⁵ Ибн Ҳузайма, Байҳақий. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁴⁰⁶ Байҳақий саҳиҳ санад билан, Ибн Аби Шайба (2/82/1), Сирож бошқа санад билан.

“Уларни (қўлларини саждада) елка баробарида қилардилар”,⁴⁰⁷ гоҳо эса “қулоқлари баробарида”.⁴⁰⁸

“Бурунларини ва пешоналарини ерга маҳкам жойлаштиралдилар”.⁴⁰⁹

Намозни ёмон ўқиганга айтдилар: “Агар сажда қилсанг, саждада барқарор туриб ол”.⁴¹⁰ Бир ривоятда: “Агар сажда қилсанг, токи ҳар бир суюгинг ўз жойига келмагунича юзингни ва қўлларингни маҳкам жойлаштириб ол”.⁴¹¹

“Буруни билан пешонаси ердан теккан жойга тегмагунича намоз йўқ”.⁴¹²

“Яна тиззалари ва қадамларининг учини маҳкам жойлаштиралдилар”,⁴¹³ “[қадамларининг устки қисмини] ва оёқларининг учини қиблага қаратардилар”,⁴¹⁴ “товонларини (бир-бирига яқинлаштириб) йиғардилар”,⁴¹⁵ “қадамларини тикка қўярдилар”⁴¹⁶, ва “шунга буюрардилар”⁴¹⁷, ҳамда оёқ бармоқларини қадамнинг ички томонига яқинлаштириб тирардилар.⁴¹⁸

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилган еттита аъзо мана шулар: икки кафт, икки тизза, икки қадам, пешона ва бурун. Охирги икки аъзони Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтиб бир аъзо каби қилдилар: “Етти аъзога сажда қилишга: пешонага – ва бурунга қўллари билан кўрсатдилар – икки қўлга (бир лафзда: икки кафтга), икки тиззага, икки

⁴⁰⁷ Абу Довуд. Термизий. Термизий ва Ибнунл-Мулқин (2/27) уни саҳиҳ дейишди. “Ирво”да (309) чиқарилган.

⁴⁰⁸ Абу Довуд, Насоий саҳиҳ санад билан.

⁴⁰⁹ Абу Довуд. Термизий ва Ибн Мулқин (2/27) уни саҳиҳ дейишди. “Ирво”да (309) чиқарилган.

⁴¹⁰ Абу Довуд, Аҳмад саҳиҳ санад билан.

⁴¹¹ Ибн Ҳузайма (1/140/3) саҳиҳ санад билан.

⁴¹² Дорақутний, Табароний (1/140/3), Абу Нуъайм “Ахбору Асбаҳан”да.

⁴¹³ Байҳақий, саҳиҳ санад билан, Ибн Аби Шайба (2/82/1), Сирож.

⁴¹⁴ Бухорий, Абу Довуд. Ибн Саъд (157/4) Ибн Умардан ривоят қилади: “намозда ҳамма нарсани қиблага қаратишни яхши кўрарди, ҳатто бош бармоқларини ҳам қиблага қаратарди”.

⁴¹⁵ Таҳовий, Ибн Ҳузайма (654). Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁴¹⁶ Байҳақий саҳиҳ санад билан.

⁴¹⁷ Термизий, Сирож. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишган.

⁴¹⁸ Абу Довуд, Термизий. Термизий уни саҳиҳ деди. Насоий, Ибн Можа.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

қадамнинг учига буюрилдим (бошқа ривоятда: сажда қилишга буюрилдик), кийим ва сочни йиғмасликка⁴¹⁹ (буюрилдик)⁴²⁰.

Айтардилар: “Банда сажда қилганида у билан тўрт аъзо сажда қилади: юзи, икки кафти, икки тиззаси, икки қадами”.⁴²¹

Бир киши ул зотнинг орқаларида сочини кокилга ўраб⁴²² намоз ўқиганида у ҳақида айтдилар: “Бу худди қўллари орқасига боғланиб намоз ўқиётганга ўхшайди”.⁴²³ Яна айтдилар: “Бу шайтоннинг орқаси”, яъни шайтоннинг ўтирадиган жойи, яъни кокил бойланган жой(ни айтдилар).⁴²⁴

“Билакларини ерга ёймасдилар”⁴²⁵, балки “қўлларини ердан кўтарадилар ва ёнларидан узоқлаштирардилар ҳатто орқадан қўлтиқларининг оқи кўринарди”,⁴²⁶ “ҳатто агар қўзичоқ қўллари остидан ўтмоқчи бўлса, ўтарди”.⁴²⁷

Бу ишда шунчалик тиришардиларки, ҳатто баъзи саҳобалар: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилганларида қўлларини ёнларидан узоқлаштирганларидан раҳмимиз келарди” дейишди.⁴²⁸

Шунга буюриб айтардилар: “Агар сажда қилсанг, қўлларингни (ерга) қўй ва тирсакларингни кўтар”.⁴²⁹ Айтардаилар: “Саждада тўғриланинглр ва

⁴¹⁹ Яъни, рукуъ ва саждада кийим ва сочни қўл билан йиғиб олмаслик.

⁴²⁰ Бухорий, Муслим. “Ирво”да чиқарилган (310).

⁴²¹ Муслим, Абу Авона, Ибн Ҳиббон.

⁴²² Ибн Асир айтди: “Бу ҳадиснинг маъноси – агар унинг сочи ёйилган бўлганида, сажда вақтида ерга тушиб турган бўларди. Сочи билан қилган саждаси учун намоз ўқиётган одам ажр оларди. Лекин соч кокилга ўралган бўлиб сажда қилмади, шунинг учун ул зот (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) қўллари боғланган кишига ўхшатдилар: у сажда қилганида қўллари у билан бирга сажда қила олмади”. Менинг фикрим (*Албоний*): бу ҳукм эркакларга тегишли, бу ҳақда Ибнул-Арабийдан Шавканий айтган.

⁴²³ Муслим, Абу Авона, Ибн Ҳиббон.

⁴²⁴ Абу Довуд. Термизий ҳасан дедилар. Ибн Ҳузайма ва Ибн Ҳиббон саҳиҳ дейишди. “Саҳиҳ Абу Довуд” (654).

⁴²⁵ Бухорий, Абу Довуд.

⁴²⁶ Бухорий, Муслим, “Ирво”да чиқарилган (359).

⁴²⁷ Муслим, Абу Авона, Ибн Ҳиббон.

⁴²⁸ Абу Довуд, Ибн Можа ҳасан санад билан.

билакларингизни ит ёйиши билан (бир ривоятда: ит ёйгандек) (*ерга*) ёйманглар”.⁴³⁰ Бошқа лафз ва бошқа ҳадисда айтардилар: “Сизлардан ҳеч ким билакларини (*ерга*) ит ёзиши билан ёзмасин”.⁴³¹ Дердилар: “Билакларингни [ҳайвон ёзиши билан] (*ерга*) ёзма, кафтларингга таян, қўлларингнинг ўртасидан узоқлаш. Дарҳақиқат, шундай қилсанг, сенинг ҳар бир аъзоинг сен билан бирга сажда қилади”.⁴³²

Саждада тўхтаб туришнинг фарзлиги

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждани тўлиқ қилишга буюрардилар, бундай қилмаганни оч одамга ўхшатардилар: у бир-икки хурмо еди, аммо улар буни ҳеч нарсадан тўйғизмади. Айтардилар: “Албатта у одамларнинг энг ёмон ўғриларидан”.

Рукуъ ва саждада умуртқасини ушлаб турмаган одамнинг намозини ботил (*бузилган, саҳиҳ эмас*) деб ҳукм қилганлар, “рукуъ” да тафсилоти келгани каби. Олдинги бобда келгани каби намозни ёмон ўқиганни ҳам саждада тўхтаб туришга буюрдилар.

Саждадаги зикрлар

Бу рукнда турли зикрлар ва дуоларни айтардилар, баъзан бирини, баъзан бошқасини.

1. ((سبحان ربي الأعلى (ثلاث مرات)) -1

1. “Субҳана роббиял-аъло” (Олий Роббим айбу нуқсон ва тенглардан пок) – уч марта⁴³³, гоҳо “ундан кўпроқ такрорлардилар”.⁴³⁴

⁴²⁹ Муслим, Абу Авона.

⁴³⁰ Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Аҳмад.

⁴³¹ Аҳмад, Термизий. Термизий саҳиҳ деди.

⁴³² Ибн Ҳузайма (2/80/1), Мақдисий “Танланган” китобида, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁴³³ Аҳмад, Абу Довуд, Ибн Можжа, Дорақутний, Таҳовий, Ал-Баззор, Табароний “Кабир”да еттита саҳобадан. Рукӯда бу зикрни қаранг.

Бир марта тунги намозда бу зикрнинг такрорлашини кўпайтирдилар, ҳатто рукуълари қиёмларига яқинлашиб қолди ва қиёмда узун энг суралардан учтасини ўқирдилар: “Бақара”, “Нисо”, “Оли Имрон”. “Тунги намоз”да айтилганидек намозда дуо ва истиғфор қилардилар.

2- ((سبحان ربي الأعلى وبحمده ثلاثاً)) .

2. “Субҳана роббиял-аъло ва биҳамдиҳи” (Олий Роббим айбу нуқсон ва тенглардан пок, у сабабли унга бу тасбиҳни айтаман) – уч марта.⁴³⁵

3 - ((سبوح قدوس رب الملائكة والروح)).

3. Суббууҳун қуддусун⁴³⁶ роббул-малаикати вар-рууҳ. (Аллоҳ) тенги бўлишдан узоқ, баракотли, айбу нуқсондан пок Зот, малоикалар ва Рухнинг Роббиси.)⁴³⁷

4 - ((سبحانك اللهم! وبحمدك، اللهم! اغفر لي. وكان يكثر منه في ركوعه وسجوده؛ يتأول القرآن)).

4. “Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика. Аллоҳуммафғирли”. (Аллоҳим айбу нуқсондан поксан, Сен сабабли (бу тасбиҳни айтяпман). Аллоҳим, мени кечиргин). Буни рукуъ ва саждада кўп қилардилар ва Қуръонни (бу зикр билан) тафсир қилардилар.⁴³⁸

5 - ((اللهم! لك سجدت، وبك آمنت، ولك أسلمت، [وأنت ربي]، سجد وجهي للذي خلقه وصوّره، [فأحسن صوره]، وشق سمعه وبصره، [ف] تبارك الله أحسن الخالقين)).

⁴³⁴ Бундан олдин бу ҳадис келган.

⁴³⁵ Абу Довуд, Дорақутний, Аҳмад, Байҳақий, Табароний, саҳиҳ.

⁴³⁶ Исҳоқ айтди: “Суббууҳ – тенги бўлишдан узоқ, Қуддус – баракотли, (айбу нуқсондан) пок. Ибн Саййид айтди: “Суббууҳ ва Қуддуус – Аллоҳ азза ва жалланинг сифатлари, чунки тенглар, айблар ва нуқсонлардан поклашади”.

⁴³⁷ Муслим, Абу Авона.

⁴³⁸ Бухорий, Муслим. “Қуръонни тафсир қилардилар” деганнинг маъноси Қуръондаги буйруқни бажариш.

5. Аллоҳумма лака сажадту, ва бика аманту. Ва лака асламту, [анта роббий], сажада ваджийй лиллазий холақоҳу ва соввараҳу, [фа аҳсана сувараҳу], ва шаққо самъихии ва басириҳии, [фа] табаракаллоҳу аҳсанул-холиқийн. (Аллоҳим, Сенга сажда қилдим, Сенга иймон келтирдим, Сенга таслим бўлдим, [Сен менинг Роббимсан] юзим уни яратган ва унга сурат берганга [ва суратини чиройли қилганга] ҳамда унга эшитиш ва кўришни берганга сажда қилди. Яратувчиларнинг энг яхшиси бўлган Аллоҳ барокатли бўлди.)⁴³⁹

. ((اللهم! اغفر لي ذنبي كله، ودقه وجله، وأوله وآخره، وعلايته وسره)). - 6

6. Аллоҳуммағфирлии занбии куллиҳии ва, ва диққиҳии ва жиллиҳии, ва аввалиҳии ва аахириҳии, ва ʔалааниятиҳии ва сирриҳии. (Аллоҳим, барча гуноҳиларимни, кичигию каттасини, бошию охирини, очиғию махфийсини кечиргин.)⁴⁴⁰

. ((سجد لك سوادى وخيالى، وآمن بك فوادى، أبوء بنعمتك علىّ، هذى يدي وما جنيتُ على نفسي)). - 7

7. Сажада лака саваади и хойаали и, аамана бика фуаади и, абуу биниъматика ʔалаййа, ҳаазии йади и ва маа жанайту ʔалаа нафсии. (Сенга баданим ва соям сажда қилди, Сенга қалбим иймон келтирди, Сенинг неъматларингги тан оламан, бу менинг қўлим ва мен ўзимга қарши қилган нарса.)⁴⁴¹

. ((سبحان ذي الجبروت والملكوت والكبرياء والعظمة)). - 8

8. Субҳаана зил-малакуути вал-жабаруути, вал-кибрийааи вал-ʔазомат”. Куч-қудрат, мулк, кибр ва улуғлик Эгаси айбу нуқсондан покдир – буни тунги

⁴³⁹ Муслим, Абу Авона, Дорақутний, Таҳовий.

⁴⁴⁰ Муслим, Абу Авона.

⁴⁴¹ Ибн Наср, Баззор, Ҳоким. Ҳоким саҳиҳ деди. Заҳабий уни рад этди. Лекин бунга “Асл”да зикр қилинган гувоҳлар бор.

намозларда айтардилар.⁴⁴² Бу ва кейинги зикрни тунги намозларда қилардилар.

9 - ((سبحانك اللهم! وبحمدك، لا إله إلا أنت)).

9. Сүбҳаанака [аллоҳумма] ва биҳамдика, лаа илааҳа иллаа анта”. (Аллоҳим айбу нуқсондан поксан, Сен сабабли (бу тасбиҳни айтяпман). Сендан бошқа илоҳ йўқ).⁴⁴³

10 - ((اللهم! اغفر لي ما أسررت، وما أعلنت)).

10. “Аллоҳуммағфирли маа асрорту ва маа аъланту”. (Аллоҳим, яширин ва очиқ қилган гуноҳларимни кечиргин.)⁴⁴⁴

11 - ((اللهم! اجعل في قلبي نوراً، [وفي لساني نوراً]، واجعل في سمعي نوراً، واجعل في بصري نوراً، واجعل من تحتي نوراً، واجعل من فوقي نوراً، وعن يميني نوراً، وعن يساري نوراً، واجعل أمامي نوراً، واجعل خلفي نوراً، [واجعل في نفسي نوراً]، وأعظم لي نوراً)).

11. Аллоҳуммажъал фий қолбии нуурон, [ва фий лисаани нуурон] важъал фий самъии нуурон, важъал фий басории нуурон, важъал фий мин таҳтии нуурон, важъал фий мин фавқии нуурон, ва ўан ямиинии нуурон, ва ўан ясаарии нуурон, важъал амаамии нуурон, важъал холфии нуурон, [важъал фии нафсии нуурон], ва ўазим лии нуурон. (Аллоҳим, қалбимда нур қил, [тилимда нур], эшитишимда нур қилгин, кўришимда нур қилгин, остимда нур қилгин, устимда нур қилгин, ва ўнг томонимни нур, ва чап томонимни нур, олдимни нур, ортимни нур, [ўзимда нур қилгин] мен учун нурни кўпайтиргин.)⁴⁴⁵

⁴⁴² Абу Довуд, Насоий саҳиҳ санад билан. Рукуъдаги зикрларни қаранг.

⁴⁴³ Муслим, Абу Авона, Насоий, Ибн Наср.

⁴⁴⁴ Ибн Аби Шайба (1/112/62), Насоий. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁴⁴⁵ Муслим, Абу Авана, Ибн Аби Шайба «Мусаннаф»да (1/106/12, 1/112).

12 - ((اللهم! إني أعوذ برضاك من سخطك، و[أعوذ] بمعافاتك من عقوبتك، وأعوذ بك منك، لا أحصي ثناء عليك أنت كما أثنيت على نفسك)).

12. “Аллоҳумма [иннии] аъузу биризоока мин сахотика, ва [аъузу] бимуъаафаатика мин ъуқуубатика, ва аъузу бика минка, лаа уҳсии санааун ъалайка, анта камаа аснайта ъалаа нафсика”. (Аллоҳим, розилигинг билан ғазабингдан [мен] паноҳ сўрайман, ва офиятинг билан уқубатингдан [паноҳ сўрайман], ва Сенинг паноҳингни Ўзингдан сўрайман, Сенга мақтовларни санай олмайман, Сенга Ўзинг мақтаганингдек мақтовлар бўлсин.)⁴⁴⁶

Саждада Қуръон ўқишининг тақиқланиши

“Рукуъ ва саждада Қуръон ўқишдан қайтарардилар”.⁴⁴⁷ Айтардилар: “Огоҳ бўлинглар, мен сизларни рукуъ ва саждада Қуръон ўқишдан қайтардим. Рукуъда Роб азза ва жаллани улуғлангизлар, саждада эса дуода тиришинглар, у (сажда) сизларга ижобат бўлишига арзийди”.⁴⁴⁸ Айтардилар: “Банда роббисига энг яқин бўлган ҳоли сажда қилганида. Бас, [унда] дуони кўпайтиринглар”.⁴⁴⁹

Сажданинг давом этиши

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам саждаларини рукуъларига деярли баробар қилардилар, баъзан содир бўлган ишга қараб уни узайтирардилар, худди баъзи саҳобалар айтганидек:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хуфтон [пешин ёки аср] намозидан бирига олдимизга Ҳасан ёки Ҳусайнни кўтариб чиқдилар. Уни [ўнг оёқлари олдига] қўйдилар. Кейин намозга такбир айтиб намоз ўқидилар.

⁴⁴⁶ Муслим, Абу Авана, Ибн Аби Шайба «Мусаннаф»да (1/106/12, 1/112).

⁴⁴⁷ Муслим, Абу Авона.

⁴⁴⁸ Муслим, Абу Авона. Рукуъ ва саждада Қуръон ўқишдан қайтариқ ҳам фарз ва нафл намозларга тегишли. Ибн Асокирининг эса (1/299/17) нафл намознинг рукуъ ва саждаси Қуръон ўқишининг мумкинлиги ҳақидаги гаплари эса нотўғри ва шоздир. Ибн Асокир бу фикрга эътибор қилган бўлса ҳам, бизга унга амал қилиш мумкин эмас.

⁴⁴⁹ Муслим, Абу Авона, Байҳақий. “Ирво”да чиқарилган (456).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Намознинг ичида саждани узоқ қилдилар. (Саҳобалардан бири) айтди: “Мен [одамларнинг орасида] бошимни кўтардим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саждада турибдилар, гўдак эса - орқаларининг устида. Кейин саждамга қайтдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни ўқиб бўлгач, одамлар айтди: “Эй Аллоҳнинг Расули, сиз [ушбу] намозингиз ичида узоқ сажда қилдингиз, ҳатто биз бирон иш содир бўлди ёки ваҳй нозил бўлди деб ўйладик”. Ул зот айтдилар: “Буларнинг ҳеч бири содир бўлгани йўқ. Лекин ўғлим устимга чиқиб олди ва мен ҳожатини қондирмагунича уни шоштиришни ёқтирмадим”.⁴⁵⁰

Бошқа ҳадисда: “Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётгандилар. Сажда қилганларида Ҳасан ва Ҳусайн орқаларига сакраб олишди. У иккисини бундан тўсишганди, ул зот одамларга уларни тегмасликка ишора қилдилар. Қачон намозни тугатганларида у иккисини ёнларига қўйиб айтдилар: “Ким мени яхши кўрса, бу иккисини ҳам яхши кўрсин”.⁴⁵¹

Сажда фазилатлари

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Қиёмат куни умматимдан мен танимайдиган биронта одам бўлмайди”. (Саҳобалар) айтди: “Уларни кўп халоиқ ичида қандай танийсиз, эй Аллоҳнинг Расули?” “Айтинглар-чи, агар қўрага кирсам, у ерда қора отлар ҳам, пешонаси ва оёқларида оқ қашқаси от ҳам бўлса, уларнинг ичидан у (*қашқали от*)ни таниб ололмайманми?” Улар: “Ҳа, (*таний оласиз*)” дейишди. Ул зот дедилар: “Албатта умматим ўша кунда саждадан ғур (пешоналарида оқ белгили) ва таҳоратдан муҳажжал (биллак, оёқларида оқ белгили) бўлади”.⁴⁵²

⁴⁵⁰ Насоий, Ибн Асокир (1-2/257/4), Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁴⁵¹ Ибн Ҳузайма “Саҳиҳ”ида (887), Байҳақий. Ибн Ҳузайма айтди: “(*Ишорани*) тушунадиган одамга намозда ишора қилиш жоиз ва уни (*намозни*) бузмайди”.

⁴⁵² Аҳмад саҳиҳ санад билан, бир қисми Термизийда саҳиҳ санад билан ривоят қилинади. Саҳиҳ ҳадислар ичида келади.

“Аллоҳ дўзах аҳлидан кимга раҳматини ирода қилса, фаришталарга Аллоҳга ибодат қилаётганларни чиқаришни буюради. Улар (*фаришталар*) шундайларни чиқаради ва уларни сажда изларидан таниб олади. Аллоҳ дўзах ўтига сажда изларини ейишни ҳаром қилди. Улар дўзахдан чиқади. Одам боласининг сажда изларидан бошқа ҳамма жойини дўзах ўт ейди”.⁴⁵³

Ер ва бўйрага сажда қилиш

Ул зот ерга кўп сажда қилардилар.⁴⁵⁴

“Ул зотнинг саҳобалари қаттиқ иссиқда ул зот билан бирга намоз ўқишарди. Улардан биронтаси пешонасини ерга қўйиб туришга тоқати қолмаса, кийимини ёзиб, унга сажда қиларди”.⁴⁵⁵

Айтар эдилар: “... Менга ва умматимга ер масжид ва пок қилинди. Қаерда намоз умматимдан бўлган кишига етса, у ерда намозгоҳи, у ерда поклик бор. Мендан бурун бу иш катта бўларди. Улар фақатгина каниса (*черков*) ва ибодатхоналарда намоз ўқишарди”.⁴⁵⁶

Баъзан лой ва сувга сажда қилардилар. Бу Рамазоннинг йигирма биринчи туни тугаб тонг отганида воқеъ бўлди. Осмондан ёмғир ёғди, масжид тоmidан эса (*сув*) оқиб кетди. У (*том*) хурмо шохларидан ясалган эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сув ва лойга сажда қилдилар. Абу Саъидул-Худрий айтди: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим: у кишининг пешоналари ва бурунлари сув ва лой излари турарди”.⁴⁵⁷

⁴⁵³ Бухорий, Муслим.

⁴⁵⁴ Масжидлари бўйра ёки шунга ўхшаш нарса билан тўшалмаган эди, бунга кўпгина ҳадислар далолат қилади, улардан Абу Саъиднинг ҳадисини кейинроқ келтирамиз.

⁴⁵⁵ Муслим, Абу Авона.

⁴⁵⁶ Аҳмад, Сирож, Байҳақий саҳиҳ санад билан.

⁴⁵⁷ Бухорий, Муслим.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Баъзан “хумрада⁴⁵⁸ намоз ўқирдилар”,⁴⁵⁹ баъзан бўйрада⁴⁶⁰, “кийган кийимларида – бир марта – намоз ўқидилар, (саждаданг узоқлигидан) кийимлари қорайиб қолди”.⁴⁶¹

Саждадан кўтарилиш

Сўнг “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саждадан такбир айтиб бошларини кўтарардилар”⁴⁶² ва намозни ёмон ўқиганни шунга буюриб дедилар: “Одамлардан биронтасининг намози тўлиқ бўлмайди, то ... сажда қилмагунича, ҳатто бўғинлари қарор топмагунича; кейин: “Аллоҳу акбар” демагунича, ва тўғри ўтиргунча бошини кўтармагунича”.⁴⁶³ Баъзан “бу такбир билан қўлларини кўтарардилар”.⁴⁶⁴

Кейин “чап оёқларини ёзиб, устига ўтирардилар [барқарор бўлиб]”.⁴⁶⁵ Намозни ёмон ўқиганни шунга буюриб айтдилар: “Агар сажда қилсанг, саждадангни маҳкам қил, агар (саждадан) кўтарилсанг, чап сонингга ўтир”.⁴⁶⁶

“Ўнг қадамларини тираб кўярдилар”,⁴⁶⁷ “(ўнг қадамларининг) бармоқларини қиблага қаратиб кўярдилар”⁴⁶⁸ (*муфтариш ўтириш*).

⁴⁵⁸ Хумра – саждагоҳ. Одатда майда тош ва ўсимликлардан бўлиб ҳажми (одам) юзидан катта бўлмайди.

⁴⁵⁹ Бухорий, Муслим.

⁴⁶⁰ Муслим, Абу Авона.

⁴⁶¹ Бухорий, Муслим. Бунда кийим устида намоз ўқиш жоизлигига далил бор, шойи-ипак кийим устида эса намоз ўқиш жоиз эмас, чунки эркакларга ипак кийим тақиқланган (Бухорий, Муслим ва бошқалар). Баъзи олимлар ипак устида намоз ўқишга руҳсат берганидан ҳеч ким алданмасин.

⁴⁶² Бухорий, Муслим.

⁴⁶³ Абу Довуд. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁴⁶⁴ Аҳмад, Абу Довуд саҳиҳ санад билан. Бу жойда қўл кўтариш ҳақида Имом Аҳмад айтдилар. Ибнул-Қоййимнинг “Бада’а” (89/4) китобларида ривоят қилинади: “Ал-Асрам ривоят қилди, у (Аҳмад)ни (ушбу ўринда) қўл кўтариш ҳақида сўрашганида, у айтди: “(Саждада) ҳар бир эгилганда ва ҳар кўтарилганда”. Ал-Асрам айтди: “Мен Абу Абдуллоҳ (Аҳмад)ни ҳар бир намозда ҳар эгилганида ва ҳар кўтарилганида қўлини кўтарганини кўрдим”.

⁴⁶⁵ Бухорий “Қўлкўтариш” бобида, Абу Довуд саҳиҳ санад билан, Муслим. Абу Авона. “Ирво”да чиқарилган.

⁴⁶⁶ Аҳмад, Абу Довуд саҳиҳ санад билан.

Икки сажда ўртасида иқоъа ўтириши

“Ул зот – баъзан - иқоъа ҳолда ўтирардилар [қадамларининг товонлари ва ички томонига ўтирардилар]”.⁴⁶⁹

Икки сажда орасида тўхтаб туришнинг фарзлиги

“Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам то ҳар бир суяк ўрнига қайтмағунича қарор топиб тўхтардилар”⁴⁷⁰, ва намозни ёмон ўқиганни шунга буюриб дедилар: “Сизлардан биронтангизнинг намози, то шуни қилмағунича, тўлиқ бўлмайди”.⁴⁷¹

“Бу (ўтириш)ни узунлиги саждаларига яқинлашмағунича узайтирардилар”⁴⁷², баъзан “(ўтиришда) қолаверардилар, ҳатто (одамлар) “эсларидан чиқардилар” дейишарди”.⁴⁷³

Икки сажда орасидаги зикрлар

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ўтиришда айтардилар: “Аллоҳумма (бир лафзда: роббий) ғфирлии, варҳамнии [важбурнии], [варфаънии], ваҳдиниини, [ва ъаафиниини], варзукънии”.

((اللهم وفي لفظ: رب!) اغفر لي، وارحمني، واجبرني، [وارفعني]، واهدني، [وعافني]، وارزقني)).

Аллоҳумма, (бир ривоятда: робби) ғфирли , варҳамнии, [важбурнии], [варфаънии], ваҳдиниини, [ва ъаафиниини], варзукънии. (Аллоҳим, (роббим) мени

⁴⁶⁷ Бухорий, Байҳақий.

⁴⁶⁸ Насой саҳиҳ санад билан.

⁴⁶⁹ Муслим, Абу Авона. Абуш-шайх “Жобирдан ташқари Абу Зубайрдан нима ривоят қилинади” китобида (104, 106), Байҳақий. Ибнул-Қоййим раҳимаҳуллоҳ чап оёққа ўтириш ҳадисининг зикридан сўнг: “Бу ўринда (чап оёққа ўтиришдан) бошқа ўтириш маҳфуз (ёдланган, деяри доим зикр қилинган) эмас” деб хато қилди.

⁴⁷⁰ Абу Довуд, Байҳақий саҳиҳ санад билан.

⁴⁷¹ Абу Довуд, Ҳоким. Ҳоким ва заҳабий саҳиҳ деган.

⁴⁷² Бухорий, Муслим.

⁴⁷³ Бухорий, Муслим. Ибнул-Қоййим айтди: бу саҳобалар замони ўтганидан сўнг одамлар қолдирган суннатдир. Ким суннатга мувофиқ ҳукм қилса, тўғри йўлланмадан бошқа нарсага эътибор бермайди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

кечир, мени раҳм қил, [менга ёрдам бер], [менинг даражамни кўтар], мени ҳидоят қил, [офият бер - халос қил], мени ризқлантир.)⁴⁷⁴ Гоҳо:

((رب! اغفر لي اغفر لي)).

“Роббиғфирлииффирли” (Роббим мени кечиргин, кечиргин.)⁴⁷⁵

Бу иккаласини тунги намозда айтардилар.⁴⁷⁶

Сўнг “такбир айтиб иккинчи сажда қилардилар”,⁴⁷⁷ ва намозни ёмон ўқиганни шунга буюрдилар. Уни, илгари айтиб ўтилганидек, икки сажда орасида тўхтаб туришга буюриб айтдилар: “Кейин “Аллоҳу акбар” деб айт, сўнг сажда қил, токи бўғинларинг қарор топишсин. [Кейин шунини ҳамма намозларингда қил]”.⁴⁷⁸

Баъзан “ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу такбир билан қўл кўтарардилар”.⁴⁷⁹

Бу саждада биринчи саждада қилгандек амал қилардилар, кейин “такбир айтиб бошларини кўтарардилар”.⁴⁸⁰

⁴⁷⁴ Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁴⁷⁵ Ибн Можа жаййид санад билан. Бу дуони Имом Аҳмад танлаган эдилар. Исҳоқ ибн Роҳавайҳ айтди: “Хоҳласа шунини уч марта айтарди, хоҳласа “Аллоҳуммағфирли ...”ни айтарди, чунки иккала лафз ҳам Набий (*соллаллоҳу алайҳи васаллам*)дан икки сажда орасида ворид бўлган”. Бу “Масоилул-имом Аҳмад ва Исҳоқ ибн Роҳавайҳ” китобида Исҳоқул-Марузий ривояти билан келади (19-с.).

⁴⁷⁶ Бу фарз намозларда айтиш мумкин эмаслигига далолат қилмайди, чунки фарз ва нафл намозлар орасида фарқ йўқ. Бу ҳақда Шофеъий, Аҳмад, Исҳоқ айтишган. Буни фарз ва нафл намозда айтиш мумкинлиги ҳақида Термизий ва Имом Таҳовий “Мушкилул-асар”да зикр қилишган.

⁴⁷⁷ Бухорий, Муслим.

⁴⁷⁸ Абу Довуд. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди. Бухорий ва Муслимда қўшимчаси бор.

⁴⁷⁹ Абу Авуна ва Абу Довуд саҳиҳ санад билан ривоят қилишди. Бу ҳақда Аҳмад, Молик, Шофеъий айтишган.

⁴⁸⁰ Бухорий, Муслим.

Намозни ёмон ўқиганга шуни буюрдилар. Юқорида ўтганидек иккинчи саждага буюрганларидан сўнг айтдилар: “кейин бошини кўтаради ва такбир айтади”. Унга айтдилар: “[Кейин бунини ҳамма ракаатлар ва саждаларда қил], шуни қилсанг, намозинг тўлиқ бўлади. Агар бундан бир нарса (қазо бўлиб) ўтиб кетса, намозингдан (қазо бўлган) ўтган бўлади”.⁴⁸¹

Баъзан “қўл кўтарардилар”.⁴⁸²

Дам олиш ўтириши

Кейин “ростланиб [чап оёқларига тикка] ўтирардилар [ҳатто ҳар бир суяк ўз ўрнига қайтарди]”.⁴⁸³

(Кейинги) ракаатга кўтарилганда қўлга таяниб туриш

Кейин “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иккинчи ракаатга ерга суюниб турардилар”.⁴⁸⁴

“Намозда (бир амални) такрорлардилар: турсалар, қўлга таяниб турардилар”.⁴⁸⁵

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иккинчи ракаатга турганларида “Алҳамдулиллаҳ” дан бошлардилар ва сукут сақламасдилар”.⁴⁸⁶

⁴⁸¹ Аҳмад, Термизий. Термизий саҳиҳ деган.

⁴⁸² Абу Авона ва Абу Довуд саҳиҳ санад билан ривоят қилишди. Бу ҳақда Аҳмад, Молик, Шофеъий айтишган.

⁴⁸³ Бухорий, Абу Довуд. Бу ўтириш фақиҳлар орасида “жалсатул-истироҳат” деб танилади. Шофеъий бу ҳақда зикр қилганлар. “Таҳқиқ” (1/111) да Аҳмаддан ҳам шу ҳақда айтилган. Имом Аҳмад намозда шундай қилишни тўғрироқ деб билганлар, чунки саҳиҳ суннатга эргашишда ўз тиришқоқлиги билан машҳур эди.

⁴⁸⁴ Шофеъий, Бухорий.

⁴⁸⁵ Абу Исҳоқул-Ҳарбий тўғри санад билан ривоят қилди. Бу ҳадиснинг маъноси саҳиҳ санад билан Байҳақийда ривоят қилинади. “Ўққа ўхшаб қўлга таянмасдан турардилар” деган ҳадис эса мавзу (тўқима) ҳадислардандир. Унга ўхшаш ҳадислар заифдир. Қ. “Заъифа” (968, 929, 562).

⁴⁸⁶ Муслим, Абу Авона. Бу ҳадисда инкор қилинаётган сукутдан мурод истифтоҳ дуосини ўқиш учун бўлган сукутдир, истиъоза (шайтон ёмонлигидан паноҳ сўраш) учун бўлган сукут эмас. Бу сукут ҳамма дуоларга тегишли деган фикр бор. Бироқ менинг наздимда биринчи фикр тўғри. Олимлар орасида ҳар ракаатда истиъоза ўқиш

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Бу (*иккинчи*) ракаатда биринчи ракаатда қилганларидек амал қилардилар, фақатгина олдинда айтилиб ўтилганидек қироатларини қисқартирардилар.

“Фотиҳа”ни ҳамма ракаатда ўқиш фарзлиги

“Намозни ёмон ўқиган”га “Фотиҳа”ни ҳар ракаатда ўқишни буюрганлар, биринчи ракаатда уни ўқишга буюрганларида⁴⁸⁷ (*шундай*) деганлар: “Кейин шуни ҳамма намозларингда қил”.⁴⁸⁸ Бир ривоятда: “ҳар бир ракаатда” дейилган.⁴⁸⁹ “Ҳар бир ракаатда қироат бор” деганлар.⁴⁹⁰

Биринчи ташаҳҳуд

Ташаҳҳудга ўтириш

Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иккинчи ракаатни ўқиб бўлганларида ташаҳҳудга ўтирардилар. Агар намоз бомдод каби икки ракаатли бўлса, “муфтариш ҳолатда ўтирардилар” (*икки сажда орасида ўтириладиган икки ҳолатдан бири*).⁴⁹¹

“Икки сажда орасида ўтирганларидек (*ўтирардилар*)” ва худди шундай уч ёки тўрт ракаатли намозларнинг “биринчи ташаҳҳудида ўтирардилар”.⁴⁹²

Намозни ёмон ўқиганга ҳам шундай қилишни буюриб айтдилар: “Агар намознинг ўртасида ўтирсанг, тўхтаб тур, чап сонингни ётқиз ва ташаҳҳудни ўқи”.⁴⁹³

ҳақида икки хил фикр бор. Тўғриси ҳар ракаатда истиъоза ўқиш. Батафсил тушунтиришни “Асл”да қаранг.

⁴⁸⁷ Абу Довуд, Аҳмад кучли санад билан.

⁴⁸⁸ Бухорий, Муслим.

⁴⁸⁹ Аҳмад жайид санад билан.

⁴⁹⁰ Ибн Можа, Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»ида, Аҳмад «Масоил Ибн Ҳоний»да (52/1). Жобир айтди: “Уммул-Китобни ракаатда ўқимаган одамга намоз йўқ, магар имомнинг орқасидан ўқимаган бўлса”. Молик “Муваатто”да келтиради.

⁴⁹¹ Насоий саҳиҳ санад билан.

⁴⁹² Бухорий, Абу Довуд.

⁴⁹³ Абу Довуд, Байҳақий жайид санад билан.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу айтди: “Ҳалилим, соллаллоҳу алайҳи васаллам, ит ўтиргандек ўтиришдан қайтардилар”.⁴⁹⁴

Бошқа ҳадисда: “Шайтон ўтиришдан қайтарардилар”.⁴⁹⁵

“Агар ўтирсалар, ўнг кафтларини ўнг сонларига (бир ривоятда: тиззаларига) қўярдилар. Чап кафтларини чап сонларига (бир ривоятда: тиззаларига) қўярдилар. [ўнинг устида ёзардилар]”.⁴⁹⁶

“Ўнг тирсакларининг учини⁴⁹⁷ ўнг сонларига қўярдилар”⁴⁹⁸

“Намозда чап қўлига суюниб ўтирган кишини қайтариб айтдилар: “Бу яҳудийларнинг ўтириши”.⁴⁹⁹ Бир лафзда: “Бундай ўтирма, бу фақатгина азобланаётганларнинг ўтиришидир”,⁵⁰⁰ бошқа ҳадисда: “бу (Аллоҳнинг) ғазаб(и)га учраганларнинг ўтириши”.⁵⁰¹

Бармоқни ташаҳҳудда қимирлатиш

“Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам чап кафтларини чап тиззаларига ёзардилар, ўнг кафтнинг ҳамма бармоқларини муштга йиғардилар, бош бармоқдан кейин келадиган бармоқ (*яъни кўрсаткич бармоқ*) билан қиблага кўрсатардилар (*ишора қилардилар*) ва ўнга (*кўрсаткич бармоққа*) қарардилар”.⁵⁰²

⁴⁹⁴ Таёлусий, Аҳмад, Ибн Аби Шайба (“Рукуъда тўхтаб туриш” бобида қаранг). Абу Убайда айтди: “Думбасига ўтириб, болдирларини турғизган ҳолда қўлларини ерга қўйиб ит каби ўтириш”.

⁴⁹⁵ Муслим, Абу Авона ва бошқалар. “Ирвоул-ғоил” (316) да келтирилади. (*Абу Убайда бу ўтиришга юқоридаги ит ўтиришдек шарҳ берганлар– қ. “Нававийнинг Саҳиҳул-Муслим”га шарҳи*.)

⁴⁹⁶ Муслим, Абу Авона.

⁴⁹⁷ Бундан мурод – тирсакларини ёнларидан узоқлаштирмаганлар. Буни Ибнул-Қоййим “Задул-Маъод”да равшан қилган.

⁴⁹⁸ Абу Довуд, Насоий саҳиҳ санад билан.

⁴⁹⁹ Байҳақий, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁵⁰⁰ Аҳмад, Абу Довуд жаййид санад билан.

⁵⁰¹ Абдураззоқ, Абдулҳаққ “Аҳком”ида (1284) саҳиҳ деди.

⁵⁰² Муслим, Абу Авона, Ибн Ҳузайма. Ал-Ҳумайдий ўз “Муснад”ида (1/131), ҳамда Абу Яъло саҳиҳ санад билан (1/175) Ибн Умардан қўшимча қилди: “Бу шайтонни урадиган

“Ишора қилганларида бош бармоқларини ўрта бармоқларига қўярдилар”⁵⁰³, гоҳо эса “уларни (бош ва ўрта бармоқни) ҳалқага боғлардилар”.⁵⁰⁴

“Бармоқларини кўтариб уни ҳаракатлантирардилар ва у билан дуо қилардилар”.⁵⁰⁵

таёқдир, ҳеч ким уни аҳамиятсиз ташламасин” ва Ал-Ҳумайди бармоғини кўтарди. У шунингдек айтди: “Муслим ибн Марям айтди: “Бир киши менга Шом черковларида шундай қилиб намоз ўқиётган пайғамбарларнинг суратини кўрганини айтди” ва Ал-Ҳумайдий бармоғини кўтарди. Мен айтаман (*Албоний*): бу кўрсатмада фойда бор, ровий сиқотдир.

⁵⁰³ Муслим, Абу Авона.

⁵⁰⁴ Абу Довуд, Насоий, Ибн Жаруд “Мунтақо”да (208), Ибн Ҳузайма (2-1/86/1), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”ида (485) саҳиҳ санад билан. Ибнул-Мулқин саҳиҳ деган (2/228), бунга Ибн Адийда гувоҳлик бор (1/287). “У (*бармоғи*) билан дуо қилардилар” сўзи ҳақида Таҳовий: “Бунда мазкур амални намознинг охирида ҳам қилганликларига далил бор” деганлар. Мен айтаман (*Албоний*): саломгача доимий равишда ишора қилиб бармоқни қимирлатиш суннатдир, чунки дуо саломгача (ёки ташуҳҳуднинг охиригача) қилинади. Бу Имом Молик ва бошқаларнинг мазҳаби. Имом Аҳмаддан: “Намозда бармоқ билан ишора қилиш керакми?” деб сўрашганларида, у: “Ҳа, албатта” деди. Ибн Ҳоний Имом Аҳмаддан ривоят қилди (80/1).

Бармоқ билан ишора қилиш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам жорий қилган суннатларидир. Аҳмад ва бошқа суннат имомлари шунга мувофиқ иш тутишган. Буни ўйин ва намозда бундай қилмаслик керак деб ўйлаганлар Аллоҳдан қўрқсин. Шу билан улар суннатни билиб туриб тарк қилишмоқда. Улар араб тилининг асослари ва имомлар тушунчасига зид келадиган таъвил қилишади.

Таажубки, баъзилар суннатга зид келса ҳам, имомининг фикрини қўллашади. Улар имомнинг хатосини тан олиш уни камситиш ва унга ҳурматсизлик деб ўйлашади! Шу билан улар суннатни унутиб, уни тарк қилиб суннатга мувофиқ иш тутганларга ғазаб қилишади. Улар, билиб ёки билмай туриб, фикрлари суннатга тўғри келган имомларга ғазаб қилишмоқда, бошқаларнинг хатоларини эса ўзларининг ботил далиллар билан оқлашга уринадилар! Бунинг устига уларнинг ғазаби Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга тегишли, чунки бу суннатни ул зот олиб келдилар. Суннатдан норози бўлиш – ул зотдан норози бўлиш: **“Сизлардан фақатгина ... қилаётганларга жазо-мукофот бўлади”**.

Намозда бармоқни кўтарганидан сўнг тушириш, уни “Ла илааҳа иллаллоҳ” сўзи билан боғлашга суннатда асос йўқ, улар, аксинча, суннатга зиддир.

Ул зот бармоқларини қимирлатмаганлар деган ривоят носаҳиҳ санад билан ривоят қилинган. Қаранг, “Заиф Аби Давуд” (175). Гарчи ҳадис саҳиҳ деб фараз қилсак ҳам, унда бармоқнинг ҳаракати инкор қилинмоқда. Бошқа ҳадисда ҳаракат собит бўлмоқда. Ҳадис илмидаги қабул қилинган қоида бўйича собит қилувчи инкор қилувчини рад этади. Бу олимлар ичида машҳурдир.

⁵⁰⁵ Абу Довуд, Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”ида. Олдинги изоҳга қаранг.

Айтардиларки: “У шайтонга темирдан ҳам қаттиқроқ. Яъни: кўрсаткич бармоқ”.⁵⁰⁶

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзилари баъзиларига эргашишарди, яъни дуода бармоқ билан ишора қилишда”.⁵⁰⁷

“Бунни набий соллаллоҳу иккала ташаҳҳудда ҳам қилардилар”.⁵⁰⁸

“Иккала кўрсаткич бармоқлари билан дуо қилган одамни кўриб: “Битта қил [битта қил], [у бир бармоғи билан ишора қилди]”.⁵⁰⁹

Биринчи ташаҳҳуднинг фарзлиги ва унда дуо қилишнинг машруълиги

Сўнг “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар икки ракаатда “Аттаҳият”ни ўқирдилар”.⁵¹⁰

“Ўтирганларида биринчи ўқиган нарса “Аттаҳияту-лиллаҳи” эди”.⁵¹¹

“Агар у (ташаҳҳуд)ни аввалги икки ракаатда эсларидан чиқарсалар, саждаи саҳв қилардилар”.⁵¹²

Унга буюриб айтардилар: “Агар ҳар икки ракаатда ўтирсангизлар: “Аттаҳияту ...” денглар ва сизлардан бирингиз ажиб дуолардан дуо танласин, ва [у билан] Аллоҳ азза ва жаллага дуо қилсин”.⁵¹³ Бир лафзда: “Ҳар

⁵⁰⁶ Аҳмад, Баззор, Абу Жаъфар, Бухорий “Ал-амалий” (1/60) китобида, Абдулғаний Мақдисий “Сунан”да жайид санад билан (2/12), Руюний “Муснад”ида (2/249), Байҳақий.

⁵⁰⁷ Ибн Аби Шайба ҳасан санад билан (2/123/2).

⁵⁰⁸ Насоий ва Байҳақий саҳиҳ санад билан.

⁵⁰⁹ Ибн Аби Шайба (1/40/12), Насоий (2/123/2). Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁵¹⁰ Муслим, Абу Авона.

⁵¹¹ Байҳақий Оиша розияллоҳу анҳудан жайид санад билан, Ибнул-Мулқим (2/28).

⁵¹² Бухорий, Муслим. “Ирвоул-ғолил”га қаранг (338).

⁵¹³ Насоий, Аҳмад, Табароний “Кабир”да саҳиҳ санад билан (1/25/3). Насоий ривояти бундай бошланади: “Ўтирганларингизда айтинглар: ...” саҳиҳ санад билан. Бу нарса “намозни ёмон ўқиган ҳақидаги ҳадисда келади, олдинга қаранг. Мен айтаман (Албоний): бу ҳадис ҳар бир ташаҳҳудда дуо қилишнинг жоизлигига далолат қиламан.

Ўтирганларингизда айтишлар: ...” дейилган. Бу нарса “намозни ёмон ўқиган ҳақидаги ҳадисда юқорида келди.

“Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга ташаҳҳудни, худди Қуръон сурасини ўргатганларидек ўргатардилар”⁵¹⁴, “уни ичида айтиш суннатдир”.⁵¹⁵

Ташаҳҳуд турлари

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга турли ташаҳҳудларни ўргатдилар.

1. Ибн Масъуднинг ташаҳҳуди, айтди: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга ташаҳҳуд ўргатдилар худди Қуръондан сура ўргатганларидек ва менинг кафтим у кишининг икки кафтлари орасида эди”:

((التحيات لله، والصلوات، والطيبات، السلام عليك أيها النبي! ورحمة الله وبركاته، السلام علينا وعلى عباد الله الصالحين، فإنه إذا قال ذلك؛ أصاب كل عبدٍ صالحٍ في السماء والأرض)، [أشهد أن لا إله إلا الله، وأشهد أن محمداً عبده ورسوله ((، وهو بين ظهرانيها، فلما قبض قلنا: السلام على النبي]).

“Ат-тахияту лиллаҳи вас-солаваату ват-тоййибаат,⁵¹⁶ ассалааму ъалайка аййуҳан-набиййу! Ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳу,⁵¹⁷ ассалааму ъалайна ва ъалаа ъибаадиллааҳис-соолиҳийн, [агар шундай десанг, бу осмону Ердаги ҳамма бандага етади] ашҳааду ан-лаа илааҳа иллаллоҳу ва ашҳааду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росуулуҳ”, [бу ул зот орамизда бўлганларимизда бўлган, вафот этганларида эса: “Ассалааму ъалан-набий” дедик].⁵¹⁸

⁵¹⁴ Бухорий, Муслим.

⁵¹⁵ Абу Довуд. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁵¹⁶ Пастдаги изоҳни қаранг.

⁵¹⁷ Пастдаги изоҳни қаранг.

⁵¹⁸ Бухорий, Муслим, Ибн Аби Шайба (2/90/1), “Ирво” (321). “Ат-тахият” – Аллоҳ “Ас-Салаам” (нуқсонлардан пок), Мулк Эгаси, Бокий (азалдан ва доим бўлади) эканлигига далолат қилувчи барча салом сўзлари. Ас-солават

2. Ибн Аббос ташахҳуди, у киши айтди: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам худди Қуръондан сура ўргатганларидек бизга ташахҳуд ўргатдилар ва айтардиларки:

((التحيات المباركات الصلوات الطيبات لله ، [ال] سلام عليك أيها النبي! ورحمة الله وبركاته، [ال]سلام علينا وعلى عباد الله الصالحين، أشهد أن لا إله إلا الله، و[أشهد] أن محمداً رسول الله. وفي رواية: عبده ورسوله)).

“Ат-тахиятул-мубарокаатус-солаваатут-тоййибаату лиллаҳи. Ас-салааму ғалайка аййуханнабиййу! Ва роҳматуллооҳи ва барокаатуҳу. Ас-салааму ғалайнаа ва ғалаа ғибаадиллааҳис-соолиҳийн. Ашҳааду ан-лаа илааҳа иллаллоҳу ва [ашҳааду] анна Муҳаммадан росуулulloҳ. Бир ривоятда: ғабдуҳу ва росуулух”.⁵¹⁹

3. Ибн Умар ташахҳуди, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ташахҳудда айтардилар:

((التحيات لله، [و] الصلوات [و] الطيبات، السلام عليك أيها النبي! ورحمة الله - قال ابن عمر: زدت فيها: وبركاته- السلام علينا وعلى عباد الله الصالحين، أشهد أن لا إله إلا الله- قال ابن عمر : وزدت فيها: وحده لا شريك له- وأشهد أن محمداً عبده ورسوله)).

“Ат-тахияту лиллаҳи вас-солаваату ват-тоййибаат, Ас-салааму ғалайка аййуханнабиййу! Ва роҳматуллооҳи - Ибн Умар айтди: Мен қўшдим: ва барокаатуҳу⁵²⁰. Ас-салааму ғалайнаа ва ғалаа ғибаадиллааҳис-соолиҳийн. Ашҳааду ан-лаа илааҳа иллаллоҳу - Ибн Умар айтди: Мен қўшдим: ваҳдааҳу лаа шарийка лааҳу⁵²¹ - ва ашҳааду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва росуулух”.⁵²²

⁵¹⁹ Муслим, Абу Авона, Шофеъий, Насоий.

⁵²⁰ Кейинги изоҳга қаранг.

⁵²¹ Бу қўшимчалар, аслида, қўшимча эмас. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа ҳадисларда келтирилади. Ибн Умар уларни ташахҳудга ўзидан қўшмаган. Бу қўшимчаларни у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган саҳобалардан олган ва ўзи бундан олдин бевосита Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрганган ташахҳудга қўшган.

⁵²² Абу Довуд, Дорақутний. Дорақутний уни саҳиҳ деган.

3. Абу Мусо Ал-Ашъарийнинг ташаҳҳуди, у айтди: Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: "... агар ўтирган бўлса, сизлардан гапирадиган нарсасининг биринчиси: "Ат-таҳияту лиллаҳи вас-солаваату ват-тоййибаат, Ас-салааму ъалайка аййуҳан-набиййу! Ва роҳматуллооҳи ва барокаатуҳу. Ас-салааму ъалайнаа ва ъалаа ъибаадиллааҳис-соолиҳийн. Ашҳааду ан-лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдааҳу лаа шарийка лааҳу ва ашҳааду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росуулуҳ, [намознинг таҳиятидаги еттита сўз]" ⁵²³.

5. Умар ибнул-Ҳаттобнинг ташаҳҳуди. У киши минбарда туриб одамларга ташаҳҳудни ўргатиб айтдилар: "Айтинглар: "Ат-таҳияту лиллааҳи, аз-заакийаату лиллааҳи, ат-тоййибаату лиллааҳи, ассалааму ъалайка ..." то охиригача, Ибн Масъуднинг ташаҳҳудига ўхшаш. ⁵²⁴

((التحيات لله، الزاكيات لله، الطيبات [لله]، السلام عليك ...)) الخ؛ مثل تشهد ابن مسعود.

6. Оиша розияллоҳ анҳунинг ташаҳҳуди. Қосим ибн Муҳаммад айтди: "Оиша бизга ташаҳҳудни ўргатиб қўли билан ишора қиларди. Айтардики: ""Ат-таҳиятут-тоййибаатус-солаваатус-заакийаату лиллааҳи, ассалааму ъалан-набиййи ..." то охиригача, Ибн Масъуднинг ташаҳҳудига ўхшаш. ⁵²⁵

⁵²³ Муслим, Абу Авона, Абу Довуд, Ибн Можа.

⁵²⁴ Молик, Байҳақий саҳиҳ санад билан. Умар ибнул-Ҳаттоб ўз фикри билан гапирмаган, балки Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганини айтган. Шунинг учун бу ҳадис мавқуф бўлса ҳам (саҳобадан бўлган ривоят), марфуъгача етади (яъни, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган-кўрган саҳобанинг ривояти). Танбеҳ: "ва барокаатуҳу"дан кейин "ва мағфиротуҳу" қўшимчаси йўқ, ва саҳобалардан, Аллоҳ улардан рози бўлсин, ҳам бундай қўшимчалар ривоят қилинмаган. Аксинча, улар ҳар қандай қўшимчаларни қоралашарди. Табароний (1/56/3)да саҳиҳ санад билан Талҳам ибн Масрифдан келтирилади, у айтди: "Робиъа ибн Ҳайсам ташаҳҳудга "ва мағфиротуҳу"ни қўшди". Унга Алқама: "Бизни ўргатишган нарсада тўхтаймиз: "Ассалааму алайка аййуҳаннабиййу ва роҳматуллооҳи ва барокаатуҳу" деди. Алқама устози Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳуга эргашиб буни айтди. У бир куни бир одамга ташаҳҳудни ўргатаётганида "Ашҳааду анлаа илааҳу иллаллооҳ" сўзигача етганида, бояги одам: "ваҳдааҳу лаа шарийка лаҳ" деди. Абдуллоҳ (ибн Масъуд) айтди: "Ҳа, шундай. Лекин биз бизга ўргатилган нарсада тўхтаймиз". Табароний "Авсат"да (2848) саҳиҳ санад билан ривоят қилди.

⁵²⁵ Ибн Аби Шайба, Сирож, Байҳақий.

((التحيات، الطيبات، الصلوات، الزاكيات لله، السلام على النبي ...)) الخ تشهد ابن مسعود.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот, унинг ўрни ва турлари

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига биринчи ва бошқа ташахҳудларда салавот айтардилар.⁵²⁶ Буни умматларига суннат қилдилар; бу ўзларига саломдан кейин салавотга буюрганларида бўлди. Уларга салавотларнинг турлари ўргатдилар.⁵²⁷

1. “Аллоҳумма солли⁵²⁸ ъалаа Муҳаммадин ва ва ъалаа аҳли байтиҳи ва ъалаа азваажихи ва зурриятиҳи, камаа соллайта ъалаа аали Иброҳиима, иннака ҳамийдун мажид. Ва баарик⁵²⁹ ъалаа Муҳаммадин ва ъалаа аали

⁵²⁶ Абу Авона “Саҳиҳ”ида (324/2), Насоий.

⁵²⁷ (Саҳобалар): “Эй Аллоҳнинг Расули, биз сизга (ташахҳудда) салом беришни биламиз. Сизга салавотни қандай ўқиймиз?” деб айтишди. Ул зот айтдилар: “Аллоҳумма солли ъалаа Муҳаммадин ва ва ъалаа аали Муҳаммад, камаа соллайта ъалаа Иброҳиима ва ъалаа аали Иброҳиима ...”. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам салавотни айнан бир ташахҳудга ажратмадилар. Бунда биринчи ташахҳудда ҳам салавотни ўқишга далил бор [яъни, биринчи ташахҳудда салавот ўқиш фарз эмас, иккинчисида эса фарз дейдиганлар, бу – уларнинг ёки бошқанинг шахсий фикри, суннат эмас]. Бу (биринчи ташахҳудда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш) Имом Шофеъий (“Умм”), Нававий (“Ал-Мажмуъ” 460/3), “Ар-ровза” (263/1), Ал-Вазир ибн Хабира Ханбалий (“Ал-ифсах”), Ибн Ражаб (“Зил-тобақот” 280/1) ва бошқаларнинг мазҳабидир. Салавотнинг фарзлиги ҳақида кўп ҳадислар келтирилади, лекин биронтасида бирон бир ташахҳуд ажратилмайди, демак, бу барча ташахҳудларга тегишлидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ташахҳудда айтиладиган салавотнинг турини ўргатдилар: “Аллоҳумма солли ъалаа Муҳаммадин ва ва ъалаа аали Муҳаммад, камаа соллайта ъалаа Иброҳиима ва ъалаа аали Иброҳиима ...” деб айтишлар” ва бошқалар. (Салавотнинг) ҳадисларда келадиган ушбу турларига амал қилмаётган одам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқларига осийлик қиляпти ва динни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан олган саҳобалар йўлига эргашмаяпти. “Аллоҳумма солли ъалаа Муҳаммад” деб намозда салавотни фақатгина Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўқийдиганлар учун ташахҳуд ичида салавотнинг бундай турига суннатда далил йўқ.

⁵²⁸ Абу Олия: “Аллоҳнинг пайғамбарга салавоти – уни мақташ ва улуғлаш, фаришталар ва бошқаларнинг салавоти – у (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни мақташи ва улуғлаши учун Аллоҳдан сўраш-дуо. Дуодан Аллоҳ унга биз ва фаришталар сўрамагунча салавот қилмайди деган маъно чиқмайди. Балки салавотнинг кўпайиши деган маъно чиқади” деди. Ибн Ражаб “Фатҳа”да келтиради. Шунингдек, Роббининг салавоти раҳмат деган ривоят бор, Ибнул-Қоййимнинг “Жалааил-афҳам”га қаранг.

⁵²⁹ Барака сўзидан – кўпайиш, қўшимча, яхшилик, бахтни тилаш, Аллоҳ буларнинг ҳаммасини берсин деб дуо қилиш. Бу дуо Иброҳим (*алайҳиссалом*) оиласи олган яхшиликдан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олаётган барча нарсани ўз ичига олади. Ул зот (*соллаллоҳу алайҳи васаллам*) бу оила жумласидандир. Демак, (бу

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

байтиҳии, ва ʔалаа азваажии ва зурриятиҳи, камаа баарокта ʔалаа Иброоҳиима ва ʔалаа аали Иброоҳиима, иннака ҳамийдун мажийд”.⁵³⁰ Бу дуони ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ʔзларига ҳам қилардилар.

((اللهم! صل على محمد، وعلى أهل بيته، وعلى أزواجه وذريته كما صليت على آل إبراهيم، إنك حميد مجيد، وبارك على محمد، وعلى آل بيته، وعلى أزواجه وذريته؛ كما باركت على آل إبراهيم، إنك حميد مجيد))

2. “Аллоҳумма солли ʔалаа Муҳаммадин ва ʔалаа аали Муҳаммад, камаа соллайта ʔалаа [Иброоҳиима⁵³¹ ва ʔалаа] аали Иброоҳиима, иннака ҳамийдун мажийд. Аллоҳумма баарик ʔалаа Муҳаммадин ва ʔалаа аали Муҳаммад, камаа баарокта ʔалаа [Иброоҳиима]⁵³² ва ʔалаа аали Иброоҳиима, иннака ҳамийдун мажийд”.⁵³³

((اللهم! صل على محمد، وعلى آل محمد؛ كما صليت على [إبراهيم وعلى] آل إبراهيم، إنك حميد مجيد، اللهم! بارك على محمد، وعلى آل محمد؛ كما باركت على [إبراهيم، وعلى] آل إبراهيم، إنك حميد مجيد)).

3. “Аллоҳумма солли ʔалаа Муҳаммадин ва ʔалаа аали Муҳаммад, камаа соллайта ʔалаа Иброоҳиима [ва аали Иброоҳиима], иннака ҳамийдун мажийд. Ва баарик ʔалаа Муҳаммадин ва ʔалаа аали Муҳаммад, камаа баарокта ʔалаа [Иброоҳиима] ва аали Иброоҳиима, иннака ҳамийдун мажийд”.⁵³⁴

اللهم! صل على محمد، وعلى آل محمد، كما صليت على إبراهيم [وآل إبراهيم]، إنك حميد مجيد، وبارك على محمد، وعلى آل محمد؛ كما باركت على [إبراهيم و] آل إبراهيم، إنك حميد مجيد)).

яхшилиқ) – Аллоҳ ул зотга бераётган ва ундан олдинги пайғамбарлар, жумладан Иброҳим (*алайҳиссалом*)га берган яхшилиқларнинг ҳаммаси.

⁵³⁰ Аҳмад, Таҳовий саҳиҳ санад билан.

⁵³¹ Қуйидаги изоҳга қаранг.

⁵³² Бухорий, Таҳовий, Байҳақий, Аҳмад ва Насойда шундай келади. Бошқа ҳадисларда ҳам келади (3, 7-мисолларга қаранг). Ибнул-Қоййим ва Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳлардан келтириладиган “ʔалаа Иброҳиим ва ʔалаа аали Иброҳиим” дейиладиган саҳиҳ ҳадисларни билмиймиз” сўзларга келсак, бу уларнинг хатосидир.

⁵³³ Бухорий, Муслим, Хумайдий (1/138), Ибн Манда (2/68). У айтди: “Барча бу ҳадиснинг саҳиҳлигига иттифоқ қилишди”.

⁵³⁴ Аҳмад, Насой, Абу Яъло “Муснад”ида (2/44) саҳиҳ санад билан.

4. “Аллоҳумма солли ʔалаа Муҳаммадин [ан-набиййил-уммиййи] ва ʔалаа аали Муҳаммад, камаа соллайта ʔалаа [аали] Иброҳиим. Ва баарик ʔалаа Муҳаммадин [ан-набиййил-уммиййи] ва ʔалаа аали Муҳаммад, камаа баарокта ʔалаа [аали] Иброоҳиима, иннака ҳамийдун мажид”.⁵³⁵

((اللهم! صل على محمد [النبي الأمي]، وعلى آل محمد؛ كما صليت على [آل] إبراهيم، وبارك على محمد [النبي الأمي] وعلى آل محمد، كما باركت على [آل] إبراهيم في العالمين، إنك حميد مجيد)).

5. “Аллоҳумма солли ʔалаа Муҳаммадин абдика ва росуулика, камаа соллайта ʔалаа [аали] Иброҳиим. Ва баарик ʔалаа Муҳаммадин [абдика ва росуулика] [ва ʔалаа аали Муҳаммад], камаа баарокта ʔалаа Иброоҳиима [ва аали Иброоҳиима]”.⁵³⁶

((اللهم! صل على محمد عبدك ورسولك؛ كما صليت على [آل] إبراهيم، وبارك على محمد [عبدك ورسولك]، [وعلى آل محمد]؛ كما باركنا على إبراهيم [وعلى آل إبراهيم])).

6. “Аллоҳумма солли ʔалаа Муҳаммадин ва ва [ʔалаа] азваажиҳи ва зурриятиҳи, камаа соллайта ʔалаа [аали] Иброҳиима. Ва баарик ʔалаа Муҳаммадин ва [ʔалаа] азваажиҳи ва зурриятиҳи, камаа баарокта ʔалаа [аали] Иброоҳиима, иннака ҳамийдун мажид”.⁵³⁷

((اللهم! صل على محمد و[على] أزواجه وذريته؛ كما صليت على [آل] إبراهيم، وبارك على محمد و[على] أزواجه وذريته؛ كما باركت على [آل] إبراهيم، إنك حميد مجيد)).

7. “Аллоҳумма солли ʔалаа Муҳаммадин ва ʔалаа аали Муҳаммад, ва баарик ʔалаа Муҳаммадин ва ʔалаа аали Муҳаммад, камаа соллайта ва

⁵³⁵ Муслим. Абу Авона, Ибн Аби Шайба “Мусаннаф”да (1/132/2), Абу Довуд, Ҳоким саҳиҳ санад билан.

⁵³⁶ Бухорий, Насоий, Таҳовий, Аҳмад, Исмоил Ал-Қозий “Фазлус-солаат ʔалан-набий”да (1-нашр – 67-с., 2-нашр – 62-с.).

⁵³⁷ Бухорий, Муслим.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

баарокта ъалаа Иброоҳиима ва аали Иброоҳиима, иннака ҳамийдун мажид”.⁵³⁸

((اللهم! صلّ على محمد، وعلى آل محمد، وبارك على محمد، وعلى آل محمد، كما صليت وباركت على إبراهيم وآل إبراهيم، إنك حميد مجيد)).

Учинчи, кейин тўртинчи ракаатга туриш

Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учинчи ракаатга такбир⁵³⁹ айтиб турардилар ва бунга намозни ёмон ўқиганни буюриб, юқорида айтилганидек, айтдилар: “Сўнг буни ҳар бир ракаатда ва саждада қил”. “Агар ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам турсалар, такбир айтиб, кейин турардилар”.⁵⁴⁰

Баъзан шу такбир билан “қўлларини кўтарардилар”.⁵⁴¹

“Тўртинчи ракаатга турмоқчи бўлганларида “Аллоҳу акбар” дердилар”⁵⁴² ва юқорида айтилганидек, бунга намозни ёмон ўқиган одамни буюрдилар.

Баъзан шу такбир билан “қўлларини кўтарардилар”.⁵⁴³

“Кейин чап оёқда ўтирган ҳолларида тўғриланардилар, ҳатто ҳар бир суюк ўз ўрнига қайтмагунича текис бўлардилар. Кейин ерга суюниб турардилар”.⁵⁴⁴

“Кейин турганларида ерга таянардилар”.⁵⁴⁵

⁵³⁸ Насоий, Таҳовий, Абу Саид Ибнул-Арабий “Муъжиз”да (2/79) саҳиҳ санад билан, Ибнул-Қоййим “Ал-жалаа”да (14-15-с.) Муҳаммад ибн Исҳоқ Ас-Сирождан. (Ибнул-Қоййим бу китобнинг) охирида ҳадиснинг саҳиҳлигини тасдиқлади, лекин “Ъалаа Иброоҳиима” “ва ъалаа аали Иброоҳиим” билан бирга келган салавот сийғасини инкор қилди. Бу ҳақда биз юқорида айтдик.

⁵³⁹ Бухорий, Муслим.

⁵⁴⁰ Абу Яъло “Муснад”ида (2/284) жайид санад билан, “Саҳиҳ”да келган.

⁵⁴¹ Бухорий, Абу Довуд.

⁵⁴² Бухорий, Абу Довуд.

⁵⁴³ Абу Авона, Насоий саҳиҳ санад билан.

⁵⁴⁴ Бухорий, Абу Довуд.

“Бу икки (яъни учинчи ва тўртинчи) ракаатнинг ҳар бирида “Фотиҳа”ни ўқирдилар” ва бунга намозни ёмон ўқиганни буюрдилар. Гоҳо “пешин намозда қироат”да баён қилинганидек бу иккисига (иккала ракаатдаги қироатга) пешин намозда бир неча оят қўшардилар.

Мусибат пайтида беш вақт намоздаги қунут

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам агар бировга қарши ёки бировнинг ҳаққига дуо қилмоқчи бўлсалар, охириги ракаатда рукуъдан сўнг “самийаллоҳу лиман ҳамидаҳ” деб қунут ўқирдилар”⁵⁴⁶ ва “дуоларини овозларини чиқариб ўқирдилар”⁵⁴⁷, “қўлларини кўтарардилар”⁵⁴⁸. “Орқадагилар амийн дейишарди”⁵⁴⁹. “Барча беш вақт намозда қунут ўқирдилар”,⁵⁵⁰ лекин “ул зот (фарз намозларда) фақатгина бир қавм ҳаққига ёки бир қавмга қарши дуо қилсалар қунут ўқирдилар”.⁵⁵¹ Бир марта айтдиларки: “Аллоҳим, Валид ибнул-Валидни ва Салама ибн Ҳишомни ва Иййаш ибн Аби Робиъага нажот бер! Аллоҳим, Музор (қавмига) ушлашинг ва уқубатингни қаттиқ қил, уларнинг йилларини Юсуф йилларидек қил, [Аллоҳим, Лиҳйан ва Риълан ва Закван ва Аллоҳ ҳамда Унинг Расулига осийлик қилган осийларга лаънатинг бўлсин!]”⁵⁵²

⁵⁴⁵ Ал-Ҳарбий “Ғарибул-ҳадис”да. Ҳадиснинг маъноси Бухорий ва Абу Довудда бор. “Намозда турганда қўлларга суянишни ман қилардилар” деган ҳадисга келсак, у мункар, саҳиҳ эмас. Тушунтиришни “Аз-заифа”да (967) қаранг.

⁵⁴⁶ Бухорий, Аҳмад.

⁵⁴⁷ Бухорий, Аҳмад.

⁵⁴⁸ Аҳмад, Табароний саҳиҳ санад билан. Қунутда қўл кўтариш – Аҳмад ва Исҳоқнинг мазҳаби, бу Ал-Марвазийнинг “Масоил”ида (23-с.) келади. Қунутдан сўнг юзини қўллари билан суртиш суннат эмас. Буни намозда қилиш бидъат, намознинг ташқарисида эса буни қилиш заиф ҳадисларга асосланган, бу ҳадисларнинг баъзилари баъзиларидан заифроқ. “Абу Довуднинг заифи” (262-с.)га ҳамда “Аҳодисус-саҳиҳаҳ” (597)га қаранг. Бу борада Ал-Ийз Абдуссалом ўз фатвосида: “Буни жоҳиллар қилади!” деди.

⁵⁴⁹ Абу Довуд, Сирож. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

⁵⁵⁰ Абу Довуд, Сирож, Доракутний икки ҳасан санад билан.

⁵⁵¹ Ибн Ҳузайма “Саҳиҳ”ида (2/78/1), Ал-Хотиб “Китобул-қунут”да саҳиҳ санад билан.

⁵⁵² Аҳмад, Бухорий, Муслимда зиёдаси бор.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

((اللهم! انج الوليد بن الوليد، وسلمة بن هشام، وعياش بن أبي ربيعة، اللهم! اشدد وطأتك على مضر، واجعلها سنين كسني يوسف، [اللهم! العن لحيان ورعلاً وذكوان وعصية عصت الله ورسوله]).

“Кейин қунутни тугатганларида “Аллоҳу акбар” деб сажда қилардилар”.⁵⁵³

Витрдаги қунут

Баъзан⁵⁵⁴ “витр (намозининг тоқ) ракаатида қунут ўқирдилар”⁵⁵⁵ ва “уни рукуъдан олдин қилардилар”.⁵⁵⁶

“Ҳасан ибн Али, розияллоҳу анҳума тушунтирди: “[Витр намозида қироатни тугатганларида]: “Аллоҳуммаҳдини фи ман ҳадайти, ва ғаафини фи ман ғаафайти, ва таваллани фи ман таваллайти, ва баарик лии фи ман аътойти, ва қини шарро ма қозойти, [фа] иннака тақзии ва яқзии ғалайка, [ва] иннаҳуу

⁵⁵³ Насоий, Аҳмад, Сирож (1/109), Абу Яъло “Муснад”да жайид санад билан.

⁵⁵⁴ Биз “баъзан” сўзи билан витр намози ҳақида ривоят қилган (*деярли ҳамма*) саҳобалар қунутни зикр қилишмаганига ишора қилдик. Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни доим ўқиганларида, бу ҳақда барча саҳобалар зикр қилишган бўлишарди. Бу ҳақда ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан (*фақат*) Убай ибн Каъб (*розияллоҳу анҳу*) зикр қилди. Бу витрда қунут ўқишнинг доимий эмаслигини кўрсатади ва бунда қунутнинг фарз эмаслигига далил бор. Кўпчилик уламолар шу хулосага келишган. Шунинг учун Ал-Муҳаққиқ ибнул-Ҳаммом ҳам “Фатҳул-Қодир”да (361, 359, 302/1) витрда қунутнинг фарзлиги ҳақидаги фикрнинг заифлиги ва унга далил йўқлигига ишора қилди. Бу олим (бошқалар билан бир қаторда) ўз мазҳабининг мутаассиби бўлмаган ва мазҳаби зид бўлишига қарамай ҳақни қабул қилган.

⁵⁵⁵ Ибн Наср, Дорақутний, саҳиҳ санад билан.

⁵⁵⁶ Ибн Аби Шайба (1/41/12), Абу Довуд, Насоий “Сунанул-Кубро”да (1-2/218), Аҳмад, Табароний, Байҳақий, Ибн Асокир (2/244/4) саҳиҳ санад билан. Ибн Манда ҳам “Китобу-тавҳид”да (2/70) бошқа жайид санад билан келтирган. “Ирво”да чиқарилган (426). **Танбеҳ:** Насоий “Аллоҳумма солли ғалан-набиййил-уммий” ни қўшди. Унинг санади заиф, буни Ибн Ҳажар, Қасталоний, Зарканий ва бошқалар айтишди. Ал-Изз Абдуссалом фатволарида (1/66 1962 й.): “Қунутда пайғамбарга салавот айтиш саҳиҳ эмас ва пайғамбарнинг намозига бирон нарса қўшмаслик керак” деган. Бу сўзлар баъзи мутааххиринлар ҳисоблаганидек бидъат яхши бўлмаслигини кўрсатади. Кейин мен (*Албоний ҳадисни*) топиб айтдим: Убай ибн Каъбнинг одамларга Рамазондаги тунги намозда имомлик қилатётганида қунут охирида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот ўқиган. Бу Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик даврида бўлган, Ибн Ҳузайма “Саҳиҳ”ида келтирган (1097). Шунга ўхшаш ривоят у кишининг даврида имом бўлган Абу Ҳалима Муоз Ал-Ансорийдан келтирилади, буни Исмоил Ал-Қозий (107) ва бошқалар ривоят қилишади. Бу қўшимча (*қунутдан сўнг салавот ўқиш*) машруъ, чунки уни саҳобалар қилишган. Буни бидъат деб мутлақ сўз қилинмайди.

лаа язиллу ман ваалайта, [ва лаа яъиззу ман ъаадайта]⁵⁵⁷, табаарокта роббанаа ва таъаалайта, [ва лаа манжан минка иллааа илайка]” дердилар”.⁵⁵⁸

((اللهم! اهدني فيمن هديت، وعافني فيمن عافيت، وتولني فيمن توليت، وبارك لي فيما أعطيت؛ وقتني شر ما قضيت، [فإنك تقضي ولا يقضى عليك، و]إنه لا يذل من واليت، [ولا يعز من عاديت] تباركت ربنا وتعاليت ، [لا منجا منك إلا إليك])).

(Ушбу дуони Муҳаммад Ободий раҳимаҳуллоҳ бундай шарҳлайди: «Эй Аллоҳим, ҳидоят қилган бандаларинг қаторида мени ҳам ҳидоят қил, яъни мени ҳидоятда саботли қил ёки энг олий мартабаларга етиб олиш учун ҳидоятимни зиёда қил. **Офият берган қулларинг жумласида менга ҳам офият бер**, яъни энг оғир касалликлар, тубан бадҳуқликлар ва ҳавою нафсларнинг энг ёмонидан мени саломат сақла. Ибнүл-Малик айтадики: Ёмонликни дафъ қилиш ҳам офият бериш маъносидандир. Фазлу марҳаматинг ила **бошқарган бандаларинг қаторида мени ҳам бошқаргин**, яъни менинг ишларимга Ўзинг раҳбарлик қил. Мени ўз ҳолимга ташлаб қўйма. **Менга берган нарсаларингда барака ато қил**, яъни Сен томондан менга берилган умр, молу дунё, илм ва амаллар менинг манфаатимга бўлиши учун яхшиликларни кўпайтир. **Менга ёзган тақдирингнинг ёмонликларидан мени ҳифзу ҳимоянгда сақла**. Сенга ҳеч ким асло ҳукм қилолмас, яъни Сенинг ҳукмингни ҳеч ким таъқиб қилолмас. Сенга бирон кимса бирор нарсани юклата олмас. **Дарҳақиқат Сенинг дўст тутган қулинг ҳеч қачон хор бўлмас**. Ўзинга душман тутган банданг асло азиз бўлолмас. **Эй Роббимиз, дунёю охиратда Сен баракотли бўлгансан**, яъни Сенинг яхшиликларинг кўпайган ва Сен олий бўлгансан. Яъни

⁵⁵⁷ Бу қўшимча ҳадисда собит бўлган, Ҳофиз “Талхис”да айтганидек, мен буни “Асл”да тасдиқладим. Нававий “Ровзатут-толибийн”да худди “фа лакал-ҳамду ъалаа ман қозойта, астағфирука ва атуубу илайка” қўшимчасига ўхшаш “бу уламоларнинг қўшимчаси” деб бу (қўшимча)ни ўтқазиб юборди. Бу кишининг Байҳақийнинг ривояти билан собит бўлганига қарамай: “Ал-Қози Абут-Тоййибнинг “лаа йаъиззу ман ъаадайта”ни инкор қилишдаги қаттиқлигига ҳамма иттифоқ қилган” деган сўзлари ажибдир. Валлоҳу аълам.

⁵⁵⁸ Ибн Ҳузайма (2/119/1), Ибн Аби Шайба.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

Сенинг азаматинг ва қаҳру қудратинг икки борлиқдагилар устидан ғолиб бўлган.)

[Сендан паноҳ фақат Сенгадир].

Охирги ташаҳҳуд ва унинг фарзлиги

Кейин ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам тўртинчи ракаатни тугатганларидан сўнг охирги ташаҳҳудга ўтирардилар ҳамда биринчи ташаҳҳудда нимага буюрганларида бу (ташаҳҳудда) ҳам шунга буюрдилар ва биринчиси ташаҳҳудда нима қилсалар, (иккинчисида) ҳам шуни қилардилар, фақатгина “унда таваррук (*чап сон-думбаларини ерга қўйган*) ҳолда ўтирардилар”.⁵⁵⁹ “Чап сон ва думбаларини ерга қўйиб икки қадамларини бир томондан чиқариб қўярдилар”.⁵⁶⁰ “Чап оёқларини (ўнг) сон ва болдирлари орасига қўярдилар”.⁵⁶¹ “Ўнг қадамларини ерга тикка қилиб тирардилар”⁵⁶², баъзан эса “уни (ўнг қадамларини) ёзардилар”⁵⁶³. “Чап кафтлари билан тиззаларини ушлаб унга оғирликлари билан суюнардилар”.⁵⁶⁴

Ўзларига салавот айтишни биринчи ташаҳҳудда жорий қилганлари каби бу (ташаҳҳудда) ҳам жорий қилдилар. Унинг ривоят қилинган турлари “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот” да ўтди.

⁵⁵⁹ Бухорий. Бомдодда эса юқорида айтилганидек, чап оёқ устига ўтириш суннат. Бу ҳақда Имом Аҳмад ибн Ҳанбал “Масоил Ибн Ҳоний”да (79-с.) батафсил айтган.

⁵⁶⁰ Абу Довуд, Байҳақий саҳиҳ санад билан.

⁵⁶¹ Муслим, Абу Авона.

⁵⁶² Бухорий. Бомдод намозида эса юқорида айтилганидек, чап оёқ устига ўтириш суннат. Бу ҳақда Имом Аҳмад ибн Ҳанбал “Масоил Ибн Ҳоний”да (79-с.) батафсил айтган.

⁵⁶³ Муслим, Абу Авона.

⁵⁶⁴ Муслим, Абу Авона.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавотнинг фарзлиги

“Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг намозида Аллоҳни улуғламасдан ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтмасдан дуо қилаётганини эшитиб айтдилар: “Бу шошди”. Кейин уни чақириб унга ва бошқаларга айтдилар: “Сизлардан бирон одам намоз ўқиса, Аллоҳ азза ва жаллага ҳамд айтишдан бошласин, унга сано айтсин, кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтади, (бошқа ривоятда: салавот айтсин), сўнг хоҳлаган дуосини қилсин”.⁵⁶⁵

“Бир киши намоз ўқиб Аллоҳни улуғлагани, унга ҳамд айтгани, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтганини эшитиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Дуо қил, сенга ижобат бўлади, сўра, сенга берилади”.⁵⁶⁶

Дуодан олдин тўрт нарсадан паноҳ сўраш

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам айтардилар: “Сизлардан бирингиз [охирги] ташаҳҳудини тугатса, тўрт нарсадан Аллоҳнинг паноҳини сўрасин, [айтади: “Аллоҳумма инни аъузу бика”], мин ъазааби жаҳаннам, ва мин ъазаабил-қобр ва мин фитнатил-маҳйаа ва мамаат ва мин шарри [фитнати]-л-масиихид-дажжаал, [кейин ўзига хоҳлаган нарсани дуо қилади]”.⁵⁶⁷

[اللهم! إني أعوذ بك] من عذاب جهنم، ومن عذاب القبر، ومن فتنة المحيا والممات، ومن شر [فتنة] المسيح الدجال.

⁵⁶⁵ Аҳмад, Абу Довуд, Ҳоқим, Ибн Ҳузайма (2/83/1). Ҳоқим ва Заҳабий саҳиҳ дейишди. Билинги, бу ҳадис ташаҳҳудда салавот айтишнинг фарзлигини кўрсатади. Фарзлигини Имом Шофеъий, Имом Аҳмад охирги ривоятларида, саҳобалар(дан бўлган жамоа) ва бошқалар шунга мувофиқ амал қилган. Шунинг учун Ужурий “Шариъат” (415-с.)да: “Ким охирги ташаҳҳудда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтмаса, намозни қайтадан ўқиши керак” деди. Ким Имом Шофеъийга салавотнинг фарзлигидан қайтганларини нисбат берса, хато қилади, Ҳасамийнинг “Дарул-мандуд фи солаати ва салам ъала соҳиби мақомил-маҳмуд” (12-13-с.)га қаранг.

⁵⁶⁶ Насоий саҳиҳ санад билан.

⁵⁶⁷ Муслим, Абу Авона, Насоий, ибн Жаруд «Ал-мунтақо»да (27). «Ирво»да чиқарилган (350).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифати

“Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу (дуо)ни ташаҳҳудда айтардилар”.⁵⁶⁸

“Саҳобалар розияллоҳу анҳумга худди Қуръондан сура ўргатганларидек у (ташаҳҳуд)ни ҳам ўргатардилар”.⁵⁶⁹

Саломдан олдин қилинадиган дуо ва унинг турлари

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларида⁵⁷⁰ турли дуолар қилардилар, баъзан бирини, баъзан бошқасини, ёки бировнинг дуосига иқроп бўлардилар, ва “намоз ўқувчига хоҳлаганини танлашга буюрардилар”.⁵⁷¹ Мана улар:

((اللهم! إني أعوذ بك من عذاب القبر، وأعوذ بك من فتنة المسيح الدجال ، وأعوذ بك من فتنة المحيا والممات ، اللهم ! إني أعوذ بك من المأثم والمغرم)) .

1. “Аллоҳумма инни аъузу бика мин ъазаабил-қобри ва аъузу бика мин фитнатил-масииҳид-дажжаал, ва аъузу бика мин фитнатил-маҳйаа ва мамаати, Аллоҳумма инни аъузу бика минал-ма’саами⁵⁷² вал-мағром”.⁵⁷³

⁵⁶⁸ Абу Довуд, Аҳмад саҳиҳ санад билан.

⁵⁶⁹ Муслим, Абу Авона.

⁵⁷⁰ Бу ерда ташаҳҳудда дейилмаяпти, балки “намозларида” дейиляпти. Бу намоздаги дуо қилиш мумкин бўлган ҳар қандай ўринга, масалан, сажда ва ташаҳҳудга, кўрсатади. Бу ўринларда дуо қилиш бошқа ҳадисларда буюрилади, юқорида қаранг.

⁵⁷¹ Бухорий, Муслим. Ал-Асрам айтди: “Мен Аҳмадга: “Ташаҳҳудда қайси дуо қилайин?” дедим. У: “Бизга суннатдан келганни” деди. Мен унга айтдим: “Ахир Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, хоҳлаганини танласин, демадиларми?” У: “Суннатда келганнинг ичидан танлайди” деди. Мен яна сўзимни қайтардим. У яна: “Суннатда келганнинг ичидан танлайди” деди. Мен Ибн Таймиядан келганни (“Мажмуъ” 1/218/69) тўғри деб топдим: “Ад-Дуо сўзидаги “алиф”, “лам” ҳар қандай дуо эмас, балки Аллоҳ яхши кўрадиган аниқ бир дуо эканлигини кўрсатади ...”. Кейин у айтди: “Бошқача айтганда, фақат суннатда келган, яъни унга далили бор ва унда фойда бўлган дуони танласин”. Бу сўзлар ҳақида менинг фикрим: бу дуонинг фойдаси ҳақидаги тўғри илмнинг муҳимлигини кўрсатади, токи намоз ўқувчи суннатдан дуо танлай олсин. Аммо бундай илм камдан-камларда бор. Афзалроғи суннатда келган дуони қилиш, айниқса унда намоз дуо қилувчини ҳожати бўлса, валлоҳу аълам.

⁵⁷² Бу одамларнинг гуноҳлари, “исм” – гуноҳ сўзидан. “Мағром” – маҳрумга келсак, яъни далиллар асосида диндан маҳрум. Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир киши: “Сиз маҳрумликдан кўп паноҳ сўрайсиз, Эй Аллоҳнинг Расули?” деб сўради. Ул зот жавоб бердилар: “Дарҳақиқат,

(Аллоҳим, мен қабр азобидан Сенинг паноҳингни сўрайман, ва Дажжол фитнасидан Сенинг паноҳингни сўрайман, ҳаёт ва ўлим фитнасидан Сенинг паноҳингни сўрайман, Аллоҳим, мен гуноҳлардан ва маҳрумликдан Сенинг паноҳингни сўрайман.)

((اللهم! إني أعوذ بك من شر ما عملت، ومن شر ما لم أعمل [بعد]).

2. “Аллооҳумма инни аъузу бика мин шарри маа ʼамилту, ва мин шарри маа лам аълам баъду”. (Аллоҳим, мен қилган ишларимнинг ёмонлигидан⁵⁷⁴ ва [ҳали] қилмаган ишларимнинг ёмонлигидан Сенинг паноҳингни сўрайман.⁵⁷⁵)

((اللهم! حاسبني حساباً يسيراً)).

3. “Аллооҳумма ҳаасибни ҳисаабан ясирон” (Аллоҳим, енгил ҳисоб билан мени ҳисоб қилгин).⁵⁷⁶

((اللهم! بعلمك الغيب، وقدرتك على الخلق؛ أحيني ما علمت الحياة خيراً لي، وتوفني إذا كانت الوفاة خيراً لي، اللهم! وأسألك خشيتك في الغيب والشهادة، وأسألك كلمة الحق (وفي رواية: الحكم) والعدل في الغضب والرضى، وأسألك القصد في الفقر والغنى، وأسألك نعيماً لا يبيد، وأسألك قرة عين [لا تنفد، و] لا تنقطع، وأسألك الرضى بعد القضاء، وأسألك برد العيش بعد الموت، وأسألك لذة النظر إلى وجهك، و[أسألك] الشوق إلى لقائك في غير ضراء مضرّة، ولا فتنة مضلة، اللهم! زيننا بزينة الإيمان، واجعلنا هداة مهتدين)).

4. “Аллооҳумма биъилмикал-ғойби ва қудротика ʼалал-холқи, аҳйини маа ʼалимтал-хайаата хойрон лии, ва таваффани иза каанатил-вафаата хойрон лии. Аллоҳумма ва ас”алука хошйатака фил-ғойби ваш-шаҳаадати, ва ас”алука калиматал-ҳаққи (бошқа ривоятда: ал-ҳиками), валъадла фил-ғозаби вар-ризо, ва ас”алюкал-қосда фил-фақри вал-ғина, ва ас”алюка наъиман лаа йабииду, ва

агар одам маҳрум бўлса, гапирганида алдайди, ваъда берганида, ваъдасини бажармайди”.

⁵⁷³ Бухорий, Муслим.

⁵⁷⁴ Яъни, қилган ёмон ишларимнинг ёмонлигидан ва яхши ишлар қилмаганимнинг ёмонлигидан.

⁵⁷⁵ Насойй саҳиҳ санад билан, Ибн Аби Осим “Суннат” китобида (370, унинг ҳадисларини мен текширдим). Унда бу ҳадисга қўшимча бор.

⁵⁷⁶ Аҳмад, Ҳоким. Ҳоким ва Заҳабий уни саҳиҳ дейишди.

ас"алука қуррота ʔайнин [лаа танфаду ва] лаа танқотиʔу, ва ас"алукар-ризо баъдал-қозоа, ва ас"алука бардал-ʔайша баъдал-мавта, ва ас"алука лаззатан-назори илаа важҳика, ва [ас"алука]ш-шавқо илаа лиқоика, фи ғойри зорроа музирротин, ва лаа фитнати музилла, Аллоҳумма заййинаа би зийнатил-ийман, важъална ҳудатан муҳтадин".

Эй Аллоҳ, махфий бўлган нарсалар хусусидаги илминг ҳамда яратишга қодирлигинг ила айтаманки, мен учун тирик бўлиш-ҳаёт яхши эканлигини билсанг, мени яшаттирган ва агар мен учун вафот этмоқлик-ўлим яхши эканлигини билсанг мени вафот эттиргин! Эй Аллоҳ, махфий ва ошкора ҳолатда ҳам сендан бўлган қўрқувни менга насиб этишингни сўрайман. Розилик-хурсандчилик ва ғазабнок пайтларда ҳам хақ (бир ривоятда: ҳикматлар) сўзни айта оладиган қилмоғингни сўрайман. Бойлик ва камбағалликда эса ўрта-миёналикни сўрайман (яъни, кенгчиликда шукр қила олиш ёки камбағалликда сабр-тоқатли, чидамли бўлиш). Тугамайдиган, йўқ бўлмайдиган неъматни ато этмоғингни сўрайман. Узилиб, кесилиб қолмайдиган кўз севинчини сўрайман. Ҳукм бўлгандан кейин ризоликни сўрайман (яъни, Аллоҳнинг ҳукмидан розилик, тақдирдан розилик ёҳуд инсон қазо қилгандан кейинги ундан розилик). Ўлим алангасидан сўнг ҳаёт салқинлигини сўрайман. Сенинг юзингга назар ташлаш лаззатини-ю, сен билан учрашувга интилиш завқу-шавқини сўрайманки, бу интилишга зарар берувчиларнинг зарари ва йўлдан буриб юборадиган адаштирувчиларнинг алдов-фитналари халақит бермасин. Эй Аллоҳ, бизни иймон зийнати ила зийнатлагин - чиройли қилгин ва бизни ўзи ҳидоятда бўлгани ҳолда ўзгаларни ҳидоятга йўлловчилардан қилгин!⁵⁷⁷

5. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни (қуйидагиларни) айтишни ўргатдилар:

⁵⁷⁷ Насоий, Ҳоким. Ҳоким ва заҳабий саҳиҳ дейишди.

((اللهم! إني ظلمت نفسي ظلماً كثيراً، ولا يغفر الذنوب إلا أنت فاغفر لي مغفرة من عندك، وارحمني، إنك أنت الغفور الرحيم)).

“Аллооҳумма иннии золамту нафсии зулман касийрон, ва лаа йағфируз-зунууба иллаа анта, фағфирлии мағфиротан мин ъиндика, варҳамнии иннака антал-Ғофӯурун Роҳийм”.

“Аллоҳим, мен ўзимга кўп зулм билан зулм қилдим, гуноҳларни Сендан бошқа ҳеч ким кечирмайди”⁵⁷⁸

6. Оиша розияллоҳу анҳога (қуйидагиларни) айтишни буюрдилар⁵⁷⁹:

((اللهم! إني أسألك من الخير كله؛ [عاجله وآجله]؛ ما علمت منه وما لم أعلم، وأعوذ بك من الشر كله؛ [عاجله وآجله]؛ ما علمت منه وما لم أعلم، وأسألك (وفي رواية: اللهم! إني أسألك) الجنة وما قرب إليها من قول أو عمل، وأعوذ بك من النار وما قرب إليها من قول أو عمل، وأسألك (وفي رواية: اللهم! إني أسألك) من [ال]خير ما سألك عبدك ورسولك [محمد، وأعوذ بك من شر ما استعاذك منه عبدك ورسولك محمد صلى الله عليه وسلم]، [وأسألك] ما قضيت لي من أمر أن تجعل عاقبته [لي] [رشداً]).

7. Бир кишига айтдилар: “Намозда нима дейсан?” У айтди: “Мен ташаҳҳуд ўқийман, кейин Аллоҳдан жаннатни сўраб, дўзахдан паноҳ сўрайман. Аллоҳга қасамки, сизнинг ҳам, Муознинг ҳам ғўнғиллашингизни яхши қила олмайман”. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Шунга ўхшаш нарсани ғўнғиллаймиз”⁵⁸⁰.

8. Бир киши ташаҳҳудда қуйидагиларни айтаётганини эшитдилар:⁵⁸¹

((اللهم! إني أسألك يا الله (وفي رواية: بالله) [الواحد] الأحد الصمد الذي لم يلد ولم يولد، ولم يكن له كفواً أحد! أن تغفر لي ذنوبي، إنك أنت الغفور الرحيم. فقال صلى الله عليه وسلم: (قد غفر له، قد غفر له)).

⁵⁷⁸ Бухорий, Муслим.

⁵⁷⁹ Аҳмад, Таёлусий, Бухорий “Адабул-Муфрад”да, Ибн Можа. Ҳоқим ва Заҳабий саҳиҳ деди. Мен уни “Ас-саҳиҳаҳ”да чиқардим (1542).

⁵⁸⁰ Абу Довуд, Ибн Можа, Ибн Ҳузайма (1/87/1) саҳиҳ санад билан.

⁵⁸¹ Абу Довуд, Насоий, Аҳмад, Ибн Ҳузайма. Ҳоқим ва Заҳабий саҳиҳ дейишди.

9. Яна бошқа одамни ташахҳудда қуйидагиларни айтаётганини эшитдилар:

((اللهم! إني أسألك بأن لك الحمد، لا إله إلا أنت [وحدك لا شريك لك]، [المنان]، [يا] بديع السماوات والأرض! يا ذا الجلال والإكرام! يا حي يا قيوم! [إني أسألك] [الجنة]، وأعوذ بك من النار].

“Аллоҳим Сенга ҳамд бўлгани учун сўрайман, Сенданбошқа илоҳ йўқ. [Сен ёлғизсан, Сенинг шеригинг йўқ.] [Ал-Маннон.] [Эй] Осмонлару Ерни пайдо қилгувчиси! Эй Жалол ва Икром эгаси! Эй Ҳайй ва Қоййуум! [Мен Сендан] [жаннатни ва дўзах ўтидан паноҳ сўрайман]. ” [Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига айтдилар: “Бу нима билан дуо қилганини билдингларми?” Улар: “Аллоҳ ва Унинг Расули билади” дейишди. Ул зот айтдилар: [Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки] У Аллоҳга Унинг Улуғ исми⁵⁸² (бир ривоятда: энг улуғ исми) билан] дуо қилди.

10. Ташахҳуд ва салом орасида охирги айтган нарсаларидан:

((اللهم! اغفر ما قدمت، وما أخرت، وما أسررت، وما أعلنت، وما أسرفت، وما أنت أعلم به مني، أنت المقدم، وأنت المؤخر، لا إله إلا أنت)).

“Аллоҳуммағфир маа қоддамту ва маа аххорту, ва маа асрорту ва маа аъланту, ва маа асрофту ва маа анта аъламу биҳии миннии, антал-муқоддиму, ва антал-муаххиру, лаа илааҳа иллаа анта”.⁵⁸³

Салом бериш

1. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг томонларига салом бериб: “Ассалааму алайкум ва роҳматуллоҳ” дердилар, [ҳатто ўнг чаккаларининг оқликлари кўриларди] ва чап томонларига: “Ассалааму алайкум ва

⁵⁸² Абу Довуд, Насоий, Аҳмад, Бухорий “Адабул-муфрад”да, Табароний, Ибн Манда “Китобут-тавҳид”да (1-2/80, 1/67, 2/44) саҳиҳ санадлар билан.

⁵⁸³ Муслим, Абу Авона.

роҳматуллоҳ”, [ҳатто чап чаккаларининг оқликлари кўриларди].⁵⁸⁴ **السلام عليكم**
ورحمة الله

2. Баъзан биринчи саломга: **وبركاته** “ва барокаатуҳуу”ни қўшардилар.⁵⁸⁵

3. Гоҳро ўнг томонга “Ассалааму алайкум ва роҳматуллоҳ” деб салом берсалар, чап томонга: “Ассалааму алайкум” деб қисқартирардилар.⁵⁸⁶

4. Гоҳида ўнг томонга биров ўгирилиб бир салом берардилар: “Ассалааму алайкум”.⁵⁸⁷ Улар (саҳобалар) ўнг ва чап томонга салом бераётганларида қўллари билан ишора қилишарди. Уларни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўриб айтдилар: “Сизларга нима бўлдики, қўлларингиз билан нотинч⁵⁸⁸ отларнинг думлари каби ишора қилиясизлар?! Сизлардан бирингиз салом берса, ўз соҳибига ўгирилсин ва қўли билан ишора қилмасин”, [яна бир бор ул зот билан намоз ўқишганида бундай қилишмади] (бир ривоятда: “сизлардан бирингиз қўлини сонига қўйиб ўнг томонидаги ва чап томонидаги соҳибига салом бериши кифоядир”).⁵⁸⁹

⁵⁸⁴ Абу Довуд, Насойй, Термизий уни саҳиҳ деди. Муслим (82)да ўхшаш ривоят бор.

⁵⁸⁵ Абу Довуд, Ибн Ҳузайма (2/87/1) саҳиҳ санад билан. Унинг саҳиҳлигини Абдулҳаққ “Аҳком” (2/56), Нававий, Ҳофиз Ибн Ҳажар, Абдураззоқ “Мусаннаф”да келтирди (219/2), Абу Яъло “Муснад” (1253/3), Табароний (“Ал-Кабир”) (1/67/3), “Ал-Авсат” (3376)да, Дорақутний бошқа санад билан.

⁵⁸⁶ Насойй, Аҳмад, Сирож саҳиҳ санад билан.

⁵⁸⁷ Ибн Ҳузайма, Байҳақий, аз-Зиё “Мухтарот”да, Абдулғоний Мақдисий “Сунан”да (1/243) саҳиҳ санад билан. Аҳмад, Табароний “Авсат”да (2/32), Ҳоким, Заҳабий ва Ибнул-Мулқин (1/29) саҳиҳ дейишди, “Ирво”да (327) чиқарилган.

⁵⁸⁸ Араб тилида “шамс”нинг кўплиги “шумус”: шовқин-суронлиги ва ғайрати сабабли бир жойда барқарор бўлмайдиган жониворларнинг тури.

⁵⁸⁹ Муслим, Абу Авона, Ас-Сирож, Ибн Ҳузайма, Табароний. Танбеҳ: Ибодийлар бу ҳадиснинг (*лафзи ва маъносини*) таҳриф қилишди (бузишди). Намозда такбир айтганда қўлни кўтаришда уларнинг наздида ботилга чиқариш хужжати учун уларнинг шериги номаълум “Муснад”ида бу ҳадисни бошқа лафз билан ривоят қилди. Уларнинг ичида Ас-Саябий бор, у муқадиммада рад қилинди. Уларнинг лафзлари ботил ва унинг баёни “Заифа” (№6044)да бор.

Саломнинг фарзлиги

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтардилар: "... унинг (яъни: намознинг) таҳлили (ҳалол қилувчиси) саломдир".⁵⁹⁰

Хотима

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг сифатидан келтирилган нарсаларнинг барчасида эркаклар ва аёллар баробардир. Суннатда аёлларга буларнинг баъзисиди истисно қиладиган нарсани келмаган. Балки ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг "Менинг намоз ўқиётганимни кўрганингиз каби, сизлар ҳам шундай намоз ўқинглар" деган умумий сўзлари улар (аёллар ва эркакларни) қамраб олади. Бу Иброҳим Нахойининг сўзидир: "Аёл киши намозда эркак киши қилгани каби иш тутуди". Ибни Аби Шайба (2/75/1) ундан саҳиҳ санад билан чиқарган.

Аёл киши саждада сонларини қорнига яқинлаштириши ваэркаклар каби бўлмадлиги ҳақидаги ҳадис мурсал, унда ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Уни Абу Довуд "Маросил"да (87/117) да Язид ибн Аби Ҳабибдан ривоят қилган, у "Заифа"да (2652) да чиқарилган.

Аммо Имом Аҳмад ўғли Абдуллоҳнинг "Масоил"ида (71) Ибн Умар аёлларга намозда оёқларини олдига чордана қилишни буюргани ҳақидаги ривоятининг исноди саҳиҳ эмас, чунки унинг санадида Абдуллоҳ ибн Амрий бор, бу одам эса заиф (ровий)дир.

Бухорий "Тарихус-Соғир"да (95) саҳиҳ санад билан Умму дардодан ривоят қилди: "У намозда эркаклар ўтирганидек ўтирарди, ва у фақиҳа аёл бўлган".

⁵⁹⁰ Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ дейишди, унинг баёни олдинда ("Такбир"да) ўтди.

Бу ишни Аллоҳ Таоло Ўзининг Карим Юзи учун холис ва Роуфур-Роҳим набийининг суннатига ҳидоят қилувчи қилишини умид қиламан.

و سبحانك الله وبحمده، سبحانك اللهم وبحمدك، أشهد أن لا إله إلا أنت، أستغفرك وأتوب إليك. اللهم! صل على محمد وعلى آل محمد، وبارك على محمد وعلى آل محمد، كما صليت وباركت على إبراهيم، وعلى آل محمد. 3.إبراهيم، إنك حميد